



6 / 90

ՓԱԿ ԵՒ ԿՐԻՄՅԱՆ





ФАН-ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ҳозир атроф-муҳит муҳофазаси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Мазкур масала жаҳон олимларини қаттиқ ташвишга солмоқда. Зеро, ер, сув, ҳаво мусоффолиги энг аввал инсон саломатлиги, келажак авлоднинг бахтиёр бўлиши гаровидир. Бу борада ўзбек олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Саноат жадал ривожланаётган ҳозирги даврда ҳавони заҳарли газлардан тозалашнинг аҳамияти тобора ортаётир. Бу айниқса Чирчиқ каби шаҳарларда долзарб масала. Юқоридаги суратда капролакташ ишлаб чиқаришдаги аммиакни оксидлаш қурилмасини кўриб турибсиз. Пастдаги суратда эса капролакташ ишлаб чиқаришдаги нитразилсульфат кислотасини олиш қурилмаси акс эттирилган. Унда заҳарли газларни тозалаш қурилмаси ўрнатилган бўлиб, ҳавони беғубор қилишга ҳисса қўшаётир. Умуман, биз нафас олаётган ҳавони заҳарли газлардан тозалаш бўйича нима ишлар қилинаётгани ҳақида ушбу сонда сўз юритилади.

Сергей ДАВИДОВ суратлари.

БОШ МУҲАРРИР
Комилжон ЗУФАРОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Камол БОБОМУРОДОВ
Галина МАТВЬЕВСКАЯ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Уктам ПРАТОВ
Ўткир РАСУЛЕВ
Асом РАФИҚОВ
Зокиржон САЛИМОВ
Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ
Елқин ТУРАҚУЛОВ
Нурислом ТҲЛИЕВ
Раҳим УСМОНОВ
Файзулла УСМОНОВ
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Шабот ХҲЖАЕВ
Эркин ЮСУПОВ
БҮЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД
МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза Асадулла қизи
Рустам БОЙТУРА

Ассалому алайкум азиз журналхон!

Журналнинг ушбу соннда

МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ Ислоҳ ва табиат муҳофазаси	2
ШЕРМУҲАМЕДОВ П., Рустам БОЙТУРА Ҳалокат маскани	4
КАРИМОВ Ш., ДАВРОН Х., САИД МУРОД Мустақилликнинг узоқ йўли	6
АҲМЕРОВ Қ. Урта денгиз бўйлаб	10
ДАДАХҲЖАЕВ А. Ҳаво — чиқиндилар уммони эмас	12
КАРИМОВ И. Аждодларимиз маймундан тарқамган	14
АКРАМОВ А., АВЛИЕҚУЛОВ Қ. Рус шовинистлари ва миллий кадрлар	16
РАҲМАТУЛЛАЕВ О. Дарё либоссиз қолса	18
ТИЛЛАХҲЖАЕВ М., МАТЕҚУБОВ Ҳ. Фойдаси кўп, лекин	20
БОБОБЕКОВ Ҳ. Халқ ким-кимлигини яхши билади	22
ЖАЛОЛОВ О. Қанд дардига даво излаб	25
МАНСУРОВ А., Ҳусниддин УМАРЗОДА Дуою фотиҳада на деб илтижо қиламиз	26
КАРИМБЕРДИЕВ Т. Асрий жумбоқлар ечилмоқда	28
КАЗНАЧЕЕВ В. Ҳаёт симбиози	31

*сингари қизиқарли мақолаларни
ўқийсиз*

МУҚОВАДА

КЕЛГУСИ АСР БЎСАҒАСИГАЧА НЕ-НЕ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕР-
МАДИ. ТАБИАТНИНГ ШУНДАЙ ТАҚРОРЛАНМАС ЭҲСОНИНИ
САҚААБ КОЛАРМИКАНМИЗ?

КЕЛГУСИ СОНДА

○ ПАХТАЧИЛИК МУАММОЛАРИ ○ ДАВЛАТ МАФҚУРАСИ БАҲ-
СИДА ○ ФОТИҲА ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ ○ САМАРҚАНДУ БУ-
ХОРОЛИКЛАР АЖДОДАРИ ○ ЯНГИ РУБРИКА: ЭРКИН ФИҚРО
ХҲЖА АҲРОР ○ САЙЛОВЛАР ХАЛҚЧИЛ УТДИМИ? ○ КИМГА
НИМА ДАВО ○ НИГОҲ СИРЛАРИ

ИСЛОМ ВА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

Исфаранинг қорахонийлар сулоласидан бўлмиш ҳукмдори Абул Фазл Аббос Арслон тагин Ворух дарасидаги қоятошга Ворух қишлоғи теварагидаги гўзал овлоқ, сувлоқ ва ўтлоқлар кўриқ жойга айлан-тирилгани ҳақидаги фармони эъдиради. 1041 йил жаддий (декабрь) ойининг 29-куни кўфий хатда битилган бу ёзув бизнинг замонамизгача етиб келган. У, балки, табиат муҳофазаси тўғрисидаги тарихда илк фармон-ёдгорликлардан биридир. Бу ҳақда ойномамизнинг 1987 йилги 6-сонида «Ворух китобалари» номли мақола эълон қилинган эди.

Қадимги овчилик рисолаларидан бирида эса шундай дейилади: «Тириклигини шикордан топадурғон ҳар овчи шикор учун овлоққа ёлғуз бир ўқ билан чиқсун. Бир ўқ билан овланадурғон ов — насибадур. Ул насиба овчининг рўзгорини бир кун қаноатланурса кифоя. Нисбатан зиёд овланадурғон ов макруҳ ҳисобланур: жонзотлар болалайтурғон вақтда шикор қилмоқ жоиз эмас; жониворнинг урғочисини, паррандининг модасини ов қилмоқ мамнуъдур...»

Шу икки мисолнинг ўзиёқ Ўрта Осиёда табиат муҳофазасига қадимдан катта эътибор берилганини кўрсатади. Бу масаладан ислом дини ҳам четда турмаган, табиатни асраб-авайлаш зарурлигини ҳаммиша, ҳамма ерда тарғиб этиб келган. Бунга Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси, СССР халқ депутати муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Ислом ва табиат муҳофазаси» номли қуйидаги мақолалари ҳам шохиддур. Ушбу мақола ҳазратнинг розиликлари




Совет Шарқи МУСУЛМОНЛАРИ

1410

4

1989



билан диний бошқарманинг яқиндан рус алифбосида ҳам нашр этилаётган «Совет Шарқи мусулмонлари» ойномасининг 1989 йилги 4-сонидан жузъий қисқартиришлар билан олинди.



Табиат муҳофазасининг ҳозирги оғир аҳволига асосий сабаб, биз аввал баён қилиб ўтганимиздек, бу борада етарли даражада тарбиянинг етишмаслигидир.

Маълумки, Ислом бу муаммога, хусусан табиат муҳофазаси тарбиясига алоҳида эътибор билан қарайди.

Табиат муҳофазасига келганда, зеро шу масалаларни инсонлар ўзлари ҳал этишлари мумкин бўлса-да, бу нарса Оллоҳ Таолонинг назар-эътиборидан четда қолмаган. Қуръони карим ва пайғамбаримиз сўзларида бу муаммога алоҳида эътибор берилганлиги, Ислом нуқтан назаридан бу масаланинг юқори даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Қуйидаги Ҳадиси шариф ҳам бунга мисол бўла олади: Мусулмон давлатининг раҳнамоси бўлмиш пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун сафардалик чоғларида саҳобалар икки қуш боласини уяларидан олганликларини кўриб қолдилар. Бунинг шохиди бўлган пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам қуш болаларини оналарига қайтариб бериш-

ликка амр қилдилар. Уламоларимиз ўз асарларида Қуръони карим, Ҳадиси шарифлардан мисоллар келтириб, ҳайвонларни боқиш, сўғориш ва парвариш қилиш уларни эгаларининг бурчларидир деб ёзадилар. Кимки бу мажбуриятларни бажармаса жамият томонидан ундай кишиларга танбеҳ берадилар.

Ислонинг аввалидаёқ инсонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тушунишлари зарурлиги ва бу масалада қаттиқ туришлари учун махсус жойларда ва маълум вақтларда биродаркуш урушлар олиб боришни, баъзи турдаги ҳайвонларни ов қилишликни, дарахтларни кесилишликни, ўсимликларни нобуд қилишликни қатъиян манъ қилинган. Бизнингча, Ислом кўрган бу чоралар тарихда атроф-муҳит муҳофазаси йўлида энг биринчи таъқиқлар бўлса керак.

Таъқиқ қилинган вақт бу ҳаж ва умра учун эҳром кийилган вақтдир. Маълумки, эҳром ҳаж ва умранинг фарзларидан биридир, эҳромсиз ҳаж ва умрада қабул бўлмайди.

Оллоҳ Таоло «Монда» сурасида

марҳамат қиладики: «Сизларнинг манфаатларингиз учун ва мусофирларингиз учун ҳам сизларга денгизда ов қилмоқлик ва ундаги таомларни истеъмол қилмоқлик ҳалол қилинди. Сизларга қачонки эҳромда бўлган вақтларингизда қуруқликда ов қилишлик ҳаром қилинди. Оллоҳ Таолодан қўрқингизлар, унинг ҳузурда жам қилинурсизлар» (96-оят). Бу ояти каримадан кўриниб турибдики, ҳар бир ҳаж ва умра қилгувчига бу амалларни бажаришга киришиб, эҳром либосини кийганда ҳайвонларни ов қилиш, уларни сўйиш, овчига уларнинг турган жойларини кўрсатиб бериш, уларни чўчитиш қатъиян манъ қилинади. Шунингдек, уларга қушларнинг тухумига зарар етказиш таъқиқланади.

Ислом нафақат манъ қилишлик ва қиёматда азоб беришлик билан чекланиб қолмай, балким қонда бузувчиларни дарҳол жазолайди. Бу хусусда «Монда» сурасида шундай дейилади: «Эй мўъминлар! Ўзларингиз эҳромда бўлган вақтларингизда ҳайвонларни овлаб уларни ўлдирманглар. Кимки қасддан ўлдирса унга жазо лозим бў-

лур, яъни ўлдирган жонзот мислига баробар жаримага ҳукм қилинур. Сизлардан икки мўътабар одам Каъбага олиб келинган ҳайвонлардан шу ов баробарида забх этишига ҳукм қилурлар. Буни қила олмаса бир неча муҳтож одамга таом берар. Бунга ҳам қодир бўлмаса рўза тутар.

Бу ояти каримада Оллоҳ Таоло эҳромдаги кишига ов қилишликни таъқиқлайди, агар ким бу манъ этилган амрни бузса унинг фидяси учун бир ҳайвон сўймоқлиги ва унинг гўштини камбағалларга тарқатиши лозимдир. Бу фидя миқдорини икки одил муслмон белгилайди.

Мужтаҳидлар бу масалани ойдинлаштириб, агар муҳрим оҳуни ўлдирса, унинг фидясига қўй ёки эчки, кийка сигир, туяқушга — туя, қуёнга қуён кабиларни сўйишни белгилаганлар. Агар фидя учун ҳайвон топа олмаса унинг баҳоси миқдориди таом сотиб олиб, камбағалларга тақсим қилиб бериши керак. Агар бунга қонда бузгувчининг маблағи бўлмаса, унда оқатлантириш ўрнига бир кун рўза тутиб беради. Бу манъ қилинган ишга масъулиятсизлик оқибатида қўл урган кишига нисбатан қилинган мазкур жазо уни иккинчи бор қайта қилмаслиги ва бошқалар учун ибратли сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Уламолар муҳримни қонда бузишлиги қасдданми ёки қасддан эмасми, барибир бир хил жазоланишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, Исломи баъзи бир маҳсус жойларда ҳайвонларни ўлдиришлик, дарахтларни кесиш, ўсимликларни нобуд қилишликни манъ қилади. Бунинг ҳикмати муслмонларга секин-асталик билан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича тарбия дарсларини ўргатиш эди. Имом Бухорий ўзларининг «Жомнус Саҳиҳ»ларида Ибн Аббос розиаллоҳу анҳумодан ривоят қилдиларки, фатҳи Макка кунин пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки: «Маккаи Мукаррама муқаддас — ҳаромдур. Ундаги тикон ва наботот узилмайди ва ҳайвонлар ов қилинмайди ва тегилмайди. Фақат яхши йўллар билан уларга муомала қилинур».

«Ҳаром» — Маккаи Мукаррама шаҳрининг атрофи, маълум чегараси бор. Бу чегара ичида ҳеч ким юқорида зикр қилинган таъқиқларни бузишга ҳаққи йўқ.

Ана шундай таъқиқлар Мадинаи Мунавварани «Ҳаром»ига ҳам тааллуқлидир. Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ларида Жобир бин Абдулло розиаллоҳу анҳудан ривоят қилдики, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Иброҳим алайҳис салом Маккаи ҳаром қилдилар ва мен Мадинаи атрофи билан ҳаром қилдим, ундаги набототлар узилмайди ва ҳайвонлари ов қилинмайди. «Мадинаи Мунаввара ҳақида жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан шундай ривоят қилинади: «Унинг набототи узилмайди ва ҳайвоноти ов этилмайди ва нарсалари дахлсиздир. Ҳеч бир кишига Мадина шаҳрида одам ўлдириш мақсадида силоҳ кўтариб юриш тўғри келмайди ва унинг ўсимликлари ҳам узилмайди, агар киши ўз туясини ўтлатса жонзидир. [Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоятлари].

Бу манъ қилинган нарсалар барча эҳромда бўлган ва бўлмаганларга баробардир. Бу авомирлар ва наҳийларни табиатни муҳофаза қилиш соҳасида тажриба дейишимиз мумкин. Бу қандай ҳам ажойиб тажриба. Аслида ҳам шундай бўлиши лозим, чунки улар Оллоҳ ва унинг пайғамбарининг кўрсатмаларидир.

Бу муқаддас жойлар ҳудудида ҳайвонларни ўлдириш, дарахтларни кесиш, ўсимликларни нобуд қилиш асло мумкин эмас, бу жойлар ҳар бир муслмон учун муқаддас бўлган жойлар бўлиб, Макка, Мадина ва уларнинг атрофларида, Байтуллоҳ турган жойда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топган, Қуръони карим оятлари нозил бўлган, муслмон жамиятига асос солинган жойлардир. Бу маконларда пайғамбаримиз саҳобалари билан ҳаёт кечирганлар, ул зот ва у кишига эргашганлар дафи қилинган. Шубҳа йўқки, бу табиатни муҳофаза қилишлик учун кўрилган чоралар ҳар бир ҳожи ва зиёратчилар қалбида, ҳаётида ўчмас из қолдиражак.

Исломи нуқтаи назарида табиатни муҳофаза қилиш тарбияси жамиятнинг катта ёшдаги аъзолари зиммасидадир. Улар ўсиб келаётган ёш авлодни табиатни муҳофаза қилишда етук, ҳайвонот ва наботот оламига раҳмдил қилиб тарбиялашлари зарур, чунки ёшлар келгусида бу масалада динимиз кўрсатмаларини бузмасликлари лозим.

Уламолар Абдулло бин Умар розиаллоҳу анҳудан ривоят қилдилар: «Ул зот йўлда бир неча ёш болаларни кўрдик, товуқни нишон қилиб олишиб, уни отиб ўйнашар эди. Ибн Умарни кўргач қочиб қолдилар. Ибн Умар марҳамат қилдиларки: «Буни ким қилди!» Ҳақиқатан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ким шундай ишни қилган бўлса уни лаънатлаган эди. Шарҳчилар ўз шарҳларида бундай ишларда Ибн Умар саъий ҳаракати ва матонати ҳақида ёзганлар. Бу авомирларга амал қилмасликдаги масъулият уларнинг ота-оналари, валийлари ва тарбиячилари зиммасига тушади.

Бу мақолада озми-кўпми ўртага ташланган Исломининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги таълимоти денгиздан қатра, холос. Уларнинг барчаси муслмонларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишликка, ҳайвонот ва наботот оламига зарар етказмасликка, уларни нобуд қилмасликка даъват этади.

Исломининг табиат муҳофазаси таълимотига амал қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, бугунги кунда муслмонлар табиатни муҳофаза қилиш учун курашнинг аввалги сафларида бўлишлари лозим. Уламолар ўсиб келаётган авлодни табиатни муҳофаза этиш руҳида тарбиялаш учун ҳамма нарсани қилмоқликлари, ўзлари эса бошқаларга ўрнак бўлишлари керак. Ҳозирги кунда бу муҳим масалага амал қилмасликка бефарқ қараб бўлмайди.

Оллоҳ Таоло барчамизни ўзининг руҳиди — ҳидоятига бошласин. Омин!

Муфтий МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ.



Оролнинг XX аср бекати.



Бу ернинг уфқлари тузли, ғуборли.

ҲАЛОКАТ МАСКАНИ

Журналимиз саҳифасида яна Орол тақдири. Чунки бу фожеа кўлами янада кенгаймоқда. Денгизнинг 29906 км² майдони қуриб битди. Аҳвол шу тарзда кетар экан у 2000 йилга бориб дунёдаги иккинчи ўлик денгизга айланади. У ердаги сўнгги ўзгаришлар ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида Оролни асраш қўмитасининг раиси Пирмат ШЕРМУҲАММЕДОВ мухбиримиз саволларига қуйидагича жавоб берди.

— Биз ҳозирда ҳамма соҳада, ҳар бир қадамда бир тал мўаммога дуч келямиз. Ошкоралиқдан фойдаланиб ҳар ким ўз дардини айтиб ҳайқирмоқда. Уни тинглаб улгурмасингдан янада кучлироқ ҳайқириб келиб урилади. Кўпчилик бунга кўникиб бўлди. Албатта, Орол фожеаси халқлар тақдирида, келажағида ҳали биз тасаввур этмаган мусибатлар келтириб чиқаради. Шундай бўлса-да, бу тўғрида қоп-қоп гап айтилиб бирор жиддий амалий иш қилинмаганлиги учунми, одамлар бу ҳақда тинглашдан, сўзлашдан зериккандай туюлади. Немис ёзувчиси Фридрих Клингер шундай деган экан: «Кимки умумий фалокат дақиқаларнда ватан ҳалоскорлигидан бошқа бирон-бир хаёлга борса, у озод давлатда яшашга ҳақли эмас». Орол фожеаси аввало бизга тегишлидир. Шундай дамда жим туриш мумкинми!

— Орол тақдири дунё миқёсида кўриб чиқиляётган бир пайтда мен унинг фожеаси кўламини ўз юртдошларимга изоҳлаб бермоқчи эмасман. Қорақалпоғистонда ёш болакайлар ҳам бу тўғрида ташвишланиб гапирмоқдалар. Одатда фалокатни аввало катталар ҳис этишади. Агар уни болалар ҳам сезибдими, демак, бу унинг нақадар даҳшатлилигини билдиради.

— Журналхонлар Орол тўғрисида маълум тасаввурга эга, бу улардан келаётган хатлардан маълум. Сиз «фалокат маскани»даги энг сўнгги ўзгаришлар ҳақида маълумот берсангиз. Жумладан ўша ердаги табиий муҳит, шароит ва денгизга қанча сув етиб бораётганлиги тўғрисида нималар дея оласиз!

— Тўғриси, ижобий ўзгариш сезиларсиз аҳволда. Сув масаласига келсак, у деярли денгизга етиб келмаяпти. Масалан, ўтган йили умуман сув тушмади. Орол сатҳи 14,5 метрга пасайиб кетган. Ундаги умумий сув ҳажми 400 км³ ни ташкил этиб, 36 минг км² ни эгаллаб турибди. Бир литр сувдаги туз миқдори 33 граммгача етган. Балиқчилик ва сув транспорти ўз аҳамиятини бутунлай йўқотиб бўлди.

Орол бўйи об-ҳавосида жиддий ўзгариш юз берган: қиш совуқлиги яна 1,5—2,5 даражага, ёз жазирамаси ҳам ўртача меъёрдан шунча даражага ошди. Вегетация, яъни экин мавсуми даври 10—15 кунга қисқариб кетди. Ҳар йили сув қуриган жойлардан 75—100 миллион тонна заҳарли туз кристаллари 300—500 километргача чоратрофга тарқалмоқда. Денгиз қуриши давом этаверса бу рақамлар янада даҳшатли тус олади.

— Уқтин-ўқтин матбуотда Оролбўйи аҳолисига тиббий ёрдам бериш, уй-жой ва экологик муҳитни яхшилаш борасида турли қарор, ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида хабар берилади. Олдинга ташланадиган ҳар бир қадам учун биттадан қарор чиқариш шартми! Мен гапни ўша ерлик маҳаллий халқ тақдири билан боғламоқчиман. Иттифоқда ўтказилган охириги аҳоли рўйхати бўйича баъзи Сибирь халқлари — алеут, негидал, ороқлардан бир неча ўн киши, фин-угор группасига мансуб саамлардан эса атиги тўрт киши қолибди. Агар йўқолаётган халқлар учун «Қизил китоб» ташкил этилса, бир неча йилдан сўнг қорақалпоқлар ҳам шу китоб рўйхатига кириб қолиши мумкинми!

— Ҳозир бизда қочоқларнинг яна бир хили — экологик

қочоқлар юзага келган. Мавжуд оғир яшаш шароити туфайли кўпчилик ўз она-юртини, аждодлари қабри қолган ерни иложсиз ташлаб кетмоқда.

Орол бўйи ва асосан Қорақалпоғистонда социал вазият оғирлашиб кетди. Аҳолининг шимолдан жанубга кўчиши натижасида қишлоқ ва овуллар ҳувиллаб қолган. Турли тарафга тарқаб кетиш, қорақалпоқларнинг этник бирлигининг, миллий бутунлигининг йўқолишига олиб келади. Кўпчилик аҳолининг Хоразм воҳасига кўчиб келиши мавжуд шароитни яна ҳал мураккаблаштирамоқда. Ахир, оддий чучук сув анчайин танқис бўлиб қолган.

Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида баҳор, ёз ва куз ойлари тушдан сўнг кишилар танасининг очик жойлари — юз, бўйин ва қўлларида оғриқ бошланади. Кўзлар қизариб, узоқ вақт азоб беради. Аҳолининг 70—90 фоизи турли касалликка чалинган. Улим даражаси ҳақида гапирмасам ҳам бўлар...

— Асримиз бошидаёқ академик Л. Берг ўз монографиясида (1908 йил) Сирдарё ва Амударё Орол денгизининг бутун ҳавзасини 29100 йилда тўлдирганлигини қайд қилган экан («Экономическая газета», 1989, № 35.). Шунча узоқ муддатда юзага келган денгизни бор-йўғи 30 йилда шу аҳволга олиб келдик. Биз буни юмшоққина қилиб «хўжасизлик» деб баҳоляймиз. Бундай ноқўрликка СССР Сув ҳўжалиги вазирлиги ва унга қарашли ташкилотлар қандай муносабатда бўлмоқда!

— Мен сизга қуйидаги фактни келтириб ўтай. 1913 йилда чор Россияси даврида Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиб, бутун Туркистон ўлкаси бўйича 2978 минг гектар ер суғорилган. Ҳар бир гектар ерга ўртача 6775 м³ сув сарфланган. 1955 йили, Совет ҳокимияти даврида эса, Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳурияти бўйича суғориладиган ерлар 7255 минг гектарга етказилиб, бир гектар ерга ишлатилган сув миқдори 5550 м³ ни ташкил этди. Оролга бу пайтда 60 эмас 32 куб километр сув туша бошлади. 1989 йилда бу ҳол қуйидаги кўринишга эга бўлди: суғориладиган ерлар — 8 миллион гектар, бир гектар ерга ўртача сув сарфлаш миқдори — 12500 м³. Денгизга сув келиш бутунлай тўхтади.

Ҳозир ҳам Амударё ва Сирдарё сувидан ҳар ким ўз билганича фойдаланмоқда. Хўжайин кўп, бироқ мавжуд аҳвол учун жавоб берувчи бирор кишини ёки ташкилотни топа олмайсиз. Урганчда Амударё сув ҳавзаси бошқармаси, Тошкентда эса Сирдарё сув ҳавзаси бошқармаси тузилган. Сув тармоқларига тегишли барча ишлар шу бошқармалар орқали ҳал этилиши керак. Бироқ, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон жумҳуриятлари бунга бўйсунмаяптилар. Шунинг учун Оролнинг ҳуқуқий мақомини ишлаб чиқиш зарур.

Сўнгги 20 йил ичида Урта Осиё бўйича ҳеч бир гидроизоляциясиз минглаб ариқ ва каналлар қазилди. СССР Сув ҳўжалиги вазирлигининг айби билан кейинги 20—25 йил ичида йилига 32—34 куб километр сув исроф қилинди. У Оролга ҳар йили зарур бўлган сув ҳажмига тенг. Бу «донор» сиёсат бошида Сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари ўртоқ П. Пўлатзода турган эди. Маълумки, у Нукусда Оролга бағишланган йиғинда денгизнинг «чиройли ўлиши» тарафдори эканлигини билдирди. Ушбу вазирлиқнинг яна бир ножўя ҳаракатидан бири коллектор — дренаж сувларидан 10 куб километрини Сирдарёга ва 8 куб километрини Амударёга оқизиши бўлди. Ахир бу сувлар таркибида заҳарли кимёвий моддалар (пестицид, гербицид ва бошқалар) бор-ку! Уни Орол бўйи аҳолиси истеъмол қилмаяпти. Бу 4 миллиондан ошиқ ўша ерли аҳоли учун ягона ичимлик сув манбаи. Ҳозирги кунда ошқозон раки, тиф, гепатит билан касалланиш ўн баробар кўпайиб кетди. Утган йили биргина Ўзбекистоннинг ўзида гепатит билан касал-



«Ҳамма яхши нарса болаларга» — шу заҳарли кўлмак ҳам.

ланганлар сони 280 мингтага етди ва улар учун 11 миллион сўм сарф этилди.

— Биз кўпинча оғир жиноят қилганлар ҳақида «улар тарих олдида жавоб берадилар» дея таскин топгандек бўламиз. Мен учун бу мавҳум тушунча. Айбдорларни топиб конкрет жазолаш мумкин бўлган шароитда фалокат интиҳосини кутиш нотўғри. Лекин бизда бундайларни жазолаш ўрнига янада юқори лавозимга кўтариб юборишади.

— Тўғри, вазият ҳозир шунга бораяпти. Биз авлодларга айбдорларни топиш масаласини эмас, Оролни соғ-омон етказишимиз керак.

— Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга буриш тўғрисидаги фикр ҳамон таклиф этилмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Бу анчайин мураккаб масала. У кўп маблағ ва вақт талаб қилиши аниқ. Шундай бўлса ҳам бу таклифдан ҳозирча бутунлай воз кечиш керак эмас деб ўйлайман. Баъзи чет эллик мутахассислар, жумладан профессор Миклин ҳам шу фикрни қўллаб-қувватламоқда.

— Мана, дунёдаги мовий денгизлардан бири «ўлик денгиз» номини олиш арафасида. Бу ўринда мен

шоир Муҳаммад Солиҳнинг куйидаги сўзларини келтириш ўринли деб ўйлайман: «Агар бу ер бизнинг еримиз эканлигини бир зум ҳис қилсак эди, агар «ватан» сўзи биз учун фақат сўз бўлмаганда эди, агар биз бу ерни, бу халқни ўзимизни — лоақал ўз мансабимиз ва манфаатимизни севганчалик сева олсак эди, биз бугун бу қадар мушкул аҳволда қолмаган бўлар эдик».

Оролни шу куйга тушиб қолиш сабаблари сизнингча нимада!

— Бунда энг аввал сўғориш системасининг нотўғри қурилганлигини қайд қилиш лозим. Пахта яккаҳоқимлиги бу — иккинчи бало. Кам ҳосилли пахта майдонларидан аллақачон воз кечиш керак эди. Мана шу икки офат натижасида учинчиси юзага келди. Кимёвий дорилардан кўр-кўрона фойдаланиш сабабли дренаж сувлари заҳарланди. Дарёдан сўғориш учун олинаётган бутун сув ҳажмининг ярми кераксиз чиқинди сифатида очиқ жойларга оқизиб юборилади ва бир қатор заҳарли кўлчалар юзага келди. Бу, бутун регион учун хавф келтиради. Айтаман десангиз сабаб кўп, бироқ, яхшиси кучни кўпроқ мавжуд ҳолни бартараф этишга қаратган тузукроқ.

— Жумҳуриятимизда Туямўйин, Кампирровот, Чордара, Қайроққум каби ўнлаб сув омборлари мавжуд ва янгилари режалаштирилмоқда ёки бунёд этилаяпти. Бизга шунча сув омборлари зарурми!

— Йўқ, бизга бунча кўп сув омбори зарур эмас. Уларнинг ҳаммаси ҳам аниқ режа асосида амалга оширилган деб бўлмайди. Бу масалани қайта кўриб чиқиш керак. Хорижда сув омборлари тоғ этагида қурилади. Сув дарёдан эмас, тоғдан оқиб келади.

Туямўйин сув омбори ёнидан Тошҳовуз канали қурилаяпти. Бу Хива обидаларига таъсир этмай қолмайди.

— Матбуотда Оролга сув келтириш бўйича энг яхши лойиҳалар учун конкурс эълон қилинган эди. Лекин орада анча вақт ўтса-да, натижаси кўпчиликка маълум эмас. Лойиҳалар ичида амалга ошириш мумкин бўлганлари борми!

— Конкурс бўйича 70 та лойиҳа таклиф этилди. Биз шундан учтасини танлаб олдик. Уларда пахта ва шолч майдонларини қисқартириш, баъзи сув омборларидаги сувни дарёга оқизиш ва оқава сувлардан фойдаланиш каби турли йўллар кўрсатиб ўтилган. Лойиҳалар зарур ташкилот ва идораларга юборилди, бироқ ҳанузгача тайинли жавоб йўқ.

— Сиз боя Орол масаласини халқаро миқёсга олиб чиқиш керак деган гапни айтдингиз. Кўпчилик чет эллик мутахассислар ёрдам бериш истагида эканлигидан хабардормиз. Бироқ Орол улар учун ҳамон «ёпиқ зона» бўлиб қолмоқда. Нима учун хорижий мутахассислар, журналистларнинг у ерга боришига рухсат беришмаяпти!

— Тўғри, хорижий мутахассислар орасида кўмаклашиш истагида бўлганлар оз эмас. Америкалик олим, профессор Миклин Оролни қутқариш кўмита аъзолигига кирди. У яқинда Орол фондига 50 доллар ўтказди. Шунингдек, яна 32 нафар чет эллик кўмитамиз аъзоси бўлиш тарафдори.

«Ёпиқ зона» масаласига келсак дарҳақиқат биз ҳозирча профессор Миклиннигина Оролга олиб боришга муваффақ бўлдик. Француз, инглиз, голланд, фин, АҚШ ҳамда «Би-би-си» телекомпания журналистларининг у ерга боришига рухсат беришмади.

Яна бир муҳим хабар шундан иборатки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти икки йил давомида Оролдаги аҳволни ўрганиб чиқиш ва зарур лойиҳалар тузиш борасида Иттифоқимиз билан ҳамкорлик қилишга келишди.

Умуман, ҳали руҳимиз тетик. Оролни яшаб қолишига умид ва ҳаракат қилиш лозим. Энг муҳими ҳам шу.

Сўхбатдош: Рустам БОЙТУРА.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ УЗОҚ ЙЎЛИ

«Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли жумҳурият сифатида бошқа жумҳуриятлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қилади»,— дейди биринчи президентимиз И. А. Каримов. Чиндан ҳам, мустақиллик ғояси бағоят кенг кўламли. Муҳтарам журналхонларни бугунги давра суҳбати билан танишишга таклиф этарканмиз, суҳбат иштирокчилари унинг айрим жиҳатлари устида қисқача тўхталиб ўтишганини олдиндан айтиб қўйиш лозим. Ижтимоий-сиёсий, иқти-

содий, маънавий мустақиллик муаммолари ҳақида журналнинг кейинги сонларида бир қатор мақола, суҳбатлар ёритамиз. Сизнинг улар ҳақидаги мулоҳазаларингиз битилган мактублардан ҳам эълон қилишни режалаштирганимиз. Бугунги суҳбатдошлар — Тошкент Халқ хўжалиги институтининг доценти, тарих фанлари номзоди Шоди КАРИМОВ, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, таниқли шоир ва публицист Хуршид ДАВРОН ва «Фан ва турмуш» журналининг ижтимоий фанлар бўлими муҳаррири САИД МУРОД.

САИД МУРОД: Мустақиллик ҳақидаги суҳбатни фикрлашдаги номуақиллигимиздан бошлашга тўғри келади. Мураккаб даврда яшаймиз деймиз — фикрларимизда эса бу тўлиқ акс этмайди: бир қолипда, кўпинча мавҳум тушунчаларни сўзлаймиз. «Мураккаб»нинг нималиги номаълумлигича қолаверади. Фикрлар хилма-хиллиги зарур деймиз — яна бир хил, чайналган сўз тизмаларидан нарига ўтмаймиз. «Хилма-хиллик» нимадалиги кўринмайди. Чўлпоннинг адабиёт ҳақидаги сўзлари билан айтганда, «ҳаммаси бир хил, бир хил, бир хил!» Ўзбек матбуотида, жумладан «Фан ва турмуш»да ижтимоий мавзуда берилаётган жиддий мақолалар ҳам бу «касаллик»дан холи эмас.


Ҳали мустақил фикрлашга ўрганмай туриб, ўзгалар мулоҳазасини тинглай олиш кўникмасига эга бўлолмаймиз. Чунки шундагина ўзгалар фикрига баҳо беришимиз мумкин. Ўзгалар фикрини тинглай олмайдиган киши эса умри бўйи ўзи билан ўзи гаплашиб ўтади.

Зеро бу хусусий ҳодисани жамият ҳаётида ҳам кузатиш мумкин. Яккахоқимлик — диктатура [у хоҳ буржуа диктатураси бўлсин, хоҳ пролетарнат диктатураси — мазмун ўзгармайди] асосида бошқариладиган тузумларда ҳокимият «ўз овозини» эшитиб ана, «халқ овозини» эшитаяпман дейди, билатуриб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдайди, халқдан бу ёлғонни қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Натижада халқ бу сиёсий найрангбозликка қисман учади, қисман эса сиёсатга умуман ишонмай қўяди, кўпчилик фуқаролар бўлса ўз ҳаловатини ўйлаб, «даразадан ташқаридаги» ҳаётга бутунлай бефарқ қарайди, оломонга айланади. Сталин, Хрушчев, Брежнев тузумида сиёсат мана шу қиёфасиз ва «денгиз каби чексиз» оломонга таяниб амалга ошириб келинди. Ундаги мустақил, соғлом фикрли оддий кишилар бу «чексиз денгиз» қаърига ном-иншонсиз ғарқ бўлди.

Анча-мунча «тўқчилар»га кўкрак тутганлари ҳам охир-оқибатда бу «табий офат»га дош беролмади. Лекин оломон — аслида оломон эмас, жамиятнинг, миллатларнинг касалланган аъзосидир.

ШОДИ КАРИМОВ: Аҳолиси ҳозир 300 миллионга яқинлашган Совет мамлакатининг «буюк» раҳбарлари ўз халқини алдаш, ваъдобошлиқда ким ўзди пойғаси ўйнадилар: «СССР да социализм асосан галаба қозонди», «Эндиги вазифа аста-

секин социализмдан коммунизмга ўта бошлашдан иборатдир» [И. В. Сталин]; «СССР да социализм тўла ва узил кесил галаба қозонди», «СССР коммунизм қурилишининг авж олдирилган даврига кирди», «СССР да 80-йилларда коммунизм жамияти қурилади» [Н. С. Хрушчев]; «СССР да ривожланган социалистик жамият қурилди» [Л. И. Брежнев]. Совет жамияти КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан эътиборан



Шоди КАРИМОВ

ўз тараққийётининг мутлақо янги босқичига қадам қўйди — бу қайта қуриш босқичидир. Бош котиблик лавозимига ўтирган М. С. Горбачев алданганлар кўзини мошдек очди. В. И. Лениндан кейинги олий раҳбарларнинг биронтаси ленинча йўлдан бормаганлиги, СССР да социализм деформацияга учраганлиги, у Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган илмий режа асосида қурилмаганлиги ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлди. СССР да капитализмда ҳам йўқ бўлган даҳшатли казарма усулидаги социализм қурибмиз. Энди биз «дунёда энг адолатли ва фаровон социализм қуришимиз» керак экан; «КПСС — иккилоб партияси, қайта қуриш партияси», «Қайта қуриш — бу жуда узоқ давом этадиган жараён, биз ҳали унинг бошлангич нуқтасида турибмиз». Кимга дод

дейсан! Худога дод солганинг билан худо сени тингламайди, чунки сен худодан юз ўгириб бўлгансан, ўз «худо»ларингни яратганинг, аммо улар сени бошлаб алдашди. Сўнги нажот — қайта қуришда. Аммо, мана, беш йил бўлаяптики, қайта қуриш йўлида қилинаётган жонбозликларнинг ҳам натижаси кўринмай турибди. Социалистиксиёсий, ижтимоий-сиёсий, миллий муаммолар чигаллашмоқда, берилаётган қурбонлар сони ортиб бормоқда, умид учқунлари эса ҳамон кўринмайди... Қачонгача номуақиллик давом этади, деб ўйлайсан киши.

Хуршид ДАВРОН: Биз мустақиллик ҳақида сўзларканмиз, миллий мустақилликнинг ўзи нима, деган савол туғилади. Энг содда тарзда изоҳламоқчи бўлсак, бу — ҳар бир миллатнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб ўз яшаш тарзини белгилаши демакдир. Ҳар бир инсон, унинг ким бўлишидан қатъи назар, миллатнинг эмас, балки ўз иродасини билдириши мумкин. Фақат миллатгина муайян одамларнинг хоҳиш-иродасини белгилай олади. Жумҳуриятимизда узоқ вақт давом этган ўзбекона миллий хосликка қарши олиб борилган кураш охир-оқибатда «буюк галаба»га олиб келгани, ўзлари мансуб бўлмиш миллат қадриятларини ерга топташга уринган бир тўда одамларнинг аянчли мағлубияти сабабларини мана шу қонуниятдан изламоқ керак.

Албатта, мен ҳар қандай одам, у хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ эзувчи, хоҳ эзилган миллат вакили бўлсин, унинг хоҳиш-иродаси маълум маънода муайян миллат иродаси билан вобаста эканини рад этмоқчи эмасман. Тил ва маълум миллат маданиятига мансублик инсоннинг туғма хислати бўлмай, балки унинг қайси миллий шароитда яшагани билан изоҳланади. Ҳар бир инсон муайян миллий-маданий шароитда шакллангани учун ҳам, маълум бир маданиятга мансуб бўлади. Икки тил доирасида шаклланган одамларнинг кўпчилиги бари бир, охир-оқибатда ўзларини маълум бир маданият вакиллари деб кўрсатишларини жуда кўп социологик тадқиқотлар исботлаган.

Маданий-маиший мустақиллик ҳамisha иқтисодий мустақиллик замирида яратилади. Чўнтаги куруқ ота фарзандлари маънавиятини шакллантирувчи воситалар [кино, театр ва ҳоказолар]ни эмас, энг аввал уларнинг қоринни тўйдириниш ўйлаганидек, иқтисодий жиҳатдан бақувват

бўлмаган жумҳурият ҳамisha маънавий омилларни иккинчи даражага суради. Уз навбатида миллатнинг маънавий жиҳатдан сустлиги унинг иқтисодий тараққиёти орқага кетишига сабаб бўлади, яъни миллатнинг иқтисодий тараққиёти унинг маънавий ривожига билан боғлиқ бўлиб чиқади. Аммо маънавий омилларни инкор қилган иқтисодий ўсиш тарафдорлари ҳамisha ёхуд кўпича буни тан олишмайди. Мана шундай аҳвол СССРнинг, жумладан жумҳуриятимизнинг бугунги тўхтамада ҳам кўзга ташланмоқда.

Шоди КАРИМОВ: Деярли барча социалистик мамлакатлар ўз конституцияларидан компартиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги моддани олиб ташлади. Болтиқбўйи жумҳуриятлари ҳам худди шу йўлдан бориб, ўз эътиқодлари бўйича адолатли йўлни изламоқда. Мамлакатдан сўнг, биринчи бўлиб, бизда бу ўзгаришлар амалга ошди. КПСС ва Совет давлати арбобларининг йўл қўйган хатолари оқибатида марксизм-ленинизм мафкура сифатида ўзининг халқлар олдидаги тарихий вазифасини бажара олмади, КПСС эса совет жамиятининг «раҳбар ва йўналтирувчи» кучи эканлигини исботлай олмади.

Марксизм-ленинизм ғоялари ва дунёқараш руҳида тарбиялаш соҳасида совет жамияти мафкуравий тармоқлари олиб борган сиёсий-тарбиявий ишлар кишиларни темир одам — роботларга айлантириб қўйди. Бу «робот»лар уч тонфага бўлинади. Биринчи тонфадагилар келажакда «боғи эрам» жамиятини қуришга эътиқод тўғрирагидан марксизм-ленинизм таълимий асосларини ва улар ишининг оташини давомчиларидир. Бирдан-бир ва «энг тўри» назарияни фақат шу, «бу юк зотлар»гина ярата олади. Бу «юлғу йўлбошчилар» қиёмага етган ўз назарий илмий хулосалари билан совет халқини «коммунизм чўққилари сари» бошлади. Иккинчи тонфага эса жумҳурият, ўлка, вилоят, шаҳар, ноҳия раҳбарлари ва уларнинг жойлардаги ижрочи дастурлари кирди. Бу тонфага кирган «робот»лар йўлбошчи ва раҳбарлар назарий асослаб берган ва инкор этиб бўлмайдиган «ноёб ғоя»нинг омма томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлашдан иборат программасида ишлашди. Уларни эса ижодий фикрлаш асосида мустақил иш олиб боришдан мутлақо маҳрумдир. Чунки улар фақат «махсус» программа асосидagina ишлайдилар-да! Учинчи гуруҳга кирувчи «робот»лар — фақат қора меҳнат учун яратилган халқдир. Бу тонфадагилар умуман мустақил фикрлаш қобилиятига эга эмас. Ана шу тариқа роботларча турмуш тарзи оқибатида совет жамиятида, жумладан бизда нисонлар ўзининг тирик жон эканлигини, ўзида мустақил тафаккур — қудратли куч борлигини, ўз ижодкорлиги, яратувчанлигини унуттиш даражасигача бориб етди. Унинг «бу юк»лиги, «яратувчан куч»лиги, «қўллари олтин»лигини упуғларимиз минбардан оғиз кўпиртириб сўзлашарди. Бу фидокорона меҳнат «Ватанининг порлоқ келажак, халқ, яъни ўзининг фаровон турмуши, шохона яшashi» учун қилиниши керак эди. Ҳаётда кўр-кўрона, онгсиз нитилиш кучайди, халқ манфаати ўрнига худбинлик, шахсий манфаат биринчи ўринга кўтарилди. Чунки «биз учун юқоридега ўйлайдиганлар бор». Ўзбекистон ҳудудидаги «роботлаштириш» ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

«Ватан пахта мустақиллигига муҳтож», деган буйруқ келди марказдан. Энди кўзимиз пахтадан бошқа нарсанни кўришга ожизлик қилди. Ҳамма ёқин пахта якка-ҳокимлиги эгаллади. (Ахир, халққа пахта-



Хуршид ДАВРОН

дан бошқа гўшт, сўт маҳсулотлари, сабзавот, хўл мева, полиз маҳсулотлари ва ҳоказолар керакми! Аммо ким ўйлайди бунини! Робот механик хизматдан нарига ўтолмайди-ку! Хуллас, барча миллий жумҳуриятлар ягона партия, ягона давлат, ягона мафкура — марксизм-ленинчи илмий дунёқараш, коммунизм жамияти қуришдан иборат ягона мақсад тақозоси билан ўзлигини, миллийлигини унуттиш даражасига келди. Ҳамма масалада — сиёсатда, иқтисодда, режалаштиришда, маданият соҳасида нигоҳимиз марказдан бошқа жойини кўришга ожиз бўлиб қолди. «Меҳнатқаш робот»лар эса фақат меҳнат қилиб, «қаҳрамонлик мўъжизаларини» яратди. Ахир уларга «адолатли коммунистик жамият» ваъда қилишган-да. Улар қанча кўп тер тўкса, афсонавий «боғи эрам» шумчалик тез бунёд бўлади-да. Менда ҳам тафаккур бор, мен ҳам ўз инсоний ҳуқуқим, имоним, эътиқодим, маслағим, ор-номусимни ҳимоя қилишим керак, деган ўйлар «меҳнатқаш робот»ларини аста тарк эта бошлади. Айниқса бу ҳол ўзбеклар учун хос бўлди. Сиёсий онг, сиёсий қураш маданиятини ўзларида шакллантириш тўшунчалари ҳозир ҳам «меҳнатқаш робот»лар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. (Бу ҳақда ўйлайдиганлар ҳам бор, албатта, лекин сўз улар ҳақда эмас.)

Илм-фанга, ўқишга қизиқиш, умумий сиёсий маданиятни оширишга нитилиш йўқолди, чунки қўлларча итоат, «юқорининг буйруғига кўр-кўрона сажда қилиш устун мавқега эга бўлди. Ленин бир пайтлар саводсиз киши сиёсатдан четда туради, деб лўнда гапни айтган эди. Шу бонс ўтмишда империалистик босқинчи давлатлар ўз мустамлакаларидаги халқлар, хусусан маҳаллий ишчилар синфининг сиёсий-маънавий онгини ўстиришга қарши сиёсат юритган, маориф тармоқларини ривожлантиришга, фан-техниканинг турли соҳалари бўйича маҳаллий кадрлар етиштиришга тўққинлик қилган, турли йўллар билан бу халқларни ҳар томонлама қоронғуликда сақлашга интилган. Сиёсий саводсиз ва зулматда яшаган халқ қўл-оёғи кўринмас кишилар билан боғланганлигини билмайди, уни бошқариш, идора қилиш осон.

САИД МУРОД: Ярим чин, ярим эртақнамо бир фильмда африкалик ниқилобий йўлбошчи ақинларининг «уруш бошланди» деган хабарига: «Мен ўйлаяман — бу ҳам бир уруш!» — дейди жавобан. У ҳақ гапни айтади. Одам бутун умр урушга гирифтор қилинган — у ўйлайди. Тарихнинг кескин бурилиш давларида у ўн

баравар, юз баравар урушга гирифтор қилинган. Қайта қуриш — Тарихнинг ана шундай саҳифаларидир.

Биз бу бурилиш томонга, яъни Тарихга ҳали юз ўнгирганимизча йўқ. «Жаннатга йўлдан воз кечилгани оғизда ва босма машиналар орқали эътироф этилмоқда [Атеистлар шунича йўлдан буён қурашиб келган жаннатнинг нафақат «у ёқда», «бу ёқда» ҳам чўпчак экани ниҳоят тан олингандек.]. Бироқ ҳаётда онгимизга шу қадар сингдирилган чўпчаклар борки, улардан воз кечтиш учун «III жаҳон уруши»да қатнашшимиз, яъни УЙЛАШИМИЗ керак аввало. (Умуман, бу «жаҳон уруши» тинч йўл билан давом этмоқда, унда нафақат Шарқий Европа мамлакатлари, ҳатто бутун Африка қитъаси «ғолиб» келди, яъни том маънода сиёсий, маънавий, иқтисодий мустақиллигини қўлга киритди; ҳозир бу жараёнлар кечаётган юртлар бармоқ билан санарли даражада қолди). Уйлаш деганда бу ўринда ҳар қандай қотиб қолган, тараққиёт учун очикдан-очик тўққинлик қила бошлаган, кишилик тарихи аллақачон бошидан кечириб бўлган ақидалардан бутунлай воз кечган ҳолда, ҳар қандай чекланишлардан ҳоли, мустақил, энг муҳими, соғлом фикр юритиш тарзини кўзда тутаётгирман.

Биз ёпиқ система тарбия берган кишилармиз (бунинг биздан ҳеч ким сўрамаган). Епиқ системанинг мафкуравий сарҳадлари ҳам «хитой девори» каби ўралган, яъни чекланган. Бугунги қайта қуриш жараёнининг «жони» — сиёсий фикрлар хилма-хиллиги бўлса-да, у бояғи сарҳадлардан ташқари чиқолган, чекланганликдан қутулган эмас.

Агар бугун ҳам чекланган «хитой девори»га бошимиз ҳар қадамда тақ этиб тегаверса, бу деворни «аяб», бошимиз пўла бўлаверса, охири нима бўлади! Қачонгача қўлларимизни боғлаб ташлаган турли «изм»лар измида бўламиз! Одамзод ўзи табиатан чекланган бўлса, ҳар қандай илгор қарашлар ҳам маълум даврга келиб чекланишга юз тутса-ю, буларнинг устига юз эллик йилча илгари шаклланиб, аллақачон қотиб қолган, ақидага айланган қарашлар ҳали турғилмасимиздан бизни «кўтиб» турса, бунга нима дейиш мумкин! Ҳозирги даврда қачон яшаймиз! Улгандами! Шарқий Европа мамлакатларида 1989 йилнинг кузида бўлган ниқилобий ўзгаришлар тажрибалари шунинг кўрсатдики, жамиятда ниқилобни амалга ошириш учун аввал алоҳида бир таълимот, доктрина ишлаб чиқиш, кейин уни татбиқ этиш шарт эмас экан. Халқ миллий онгининг уяғонлиги (биздаги каби) ҳали ҳеч нарса бўлмади, халқларда сиёсий онг, сиёсий қураш тажрибасининг етилиши ҳозирги жараёнда муҳим роль ўйнашини яққол намоён этиди. Умуман, биринчи гапда ҳали айтилган, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган яроқсиз ақидалардан тўлиқ воз кечтиш керак. Уйлаяманки, биз яқин орада ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий хурофотлардан қутулишимиз кераклигига кучли эҳтиёж сезамиз, улардан форғ бўлишга астойдил бел боғлаймиз ва Тарих қошига очик юз, соф кўнгли билан пеш-воз чиқамиз. Ҳозир эса унга қарашга ботинаолмаямиз. Унга орқа ўнгириб турибмиз. Тарих олдида гуноҳдор халқимиз.

Хуршид ДАВРОН: Жумҳуриятнинг оғир иқтисодий, аяқли экологик, тушунч юқимой аҳволидан боши қотган катта-кички раҳбарлар иқтисодий ислоҳин бугунги кунининг бош мақсади деб билишмоқда.

Фақат иқтисодий юқсалми жумҳуриятдаги таингликни бартараф қилади, бўм-бўш дўконлар озик-овқат, саноат моллари билан тўлдирилса жуда кўп салбий

хатти-ҳаракатлар ва муаммолар ўз-ўзидан ҳал этилади, деб ўйлайди улар. Маълум маънода бу тўғридек кўринади. Аслида шундаймикан! Йўқ, албатта. Қорин тўйган фуқаролар табиятидаги жоҳиллик ва шифқатсизлик бу билан йўқолмайди. Уларнинг табиятида жузъий ўзгариш юз бериши мумкин, холос. Аммо ёвузлик ва жоҳиллик заҳарлаган табият ўзини сақлаб қолаверади. Қуруқ чою нон билан кун кўраётган шахс олдига эртага тўкин дастурхон ёзишимиз билан унинг онгига жиддий ўзгариш юз бермайди.

Шундай экан, инсонга ҳар томонлама — ҳам моддий-иқтисодий, ҳам маданий-маънавий таъсир ўтказиш бугунги ислоҳларнинг бош хислати бўлмоғи даркор. Жумҳурият иқтисодининг марказга қарамлиги, бу иқтисоднинг ҳар бир босқичи марказга боғлиқлиги ўз навбатида миллий маданият ривожининг ҳам жумҳурият халқи хоҳиш-иродасига эмас, аксинча яна марказга қарам бўлиб қолишига олиб келади.


Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташикл этилиши, Ўзбек Совет қомушининг яратилиши, Тошкентда қандай театр барпо қилинишигача бўлган масалаларнинг деярли ҳаммаси халқнинг истаги ёки зарурати оқибати сифатида эмас, балки марказ томонидан белгиланган қарор у қўрсатмалар асосида амалга оширилганини яқин ўтмишимиздан яхши биламиз. Ҳозиргача барча муҳим масалаларни ҳал қилиш шу даражада қолиб кетмоқда.

«Иқтисодий мустақиллик ўз ёғида қоврилиш, ўз қобилигида қолиб кетиш эмас. Бу — умуминсоният тажрибасига зид ҳодиса.

Иқтисодий мустақиллик — жумҳуриятимизнинг табиий, иқтисодий, демографик (аҳолининг кўпчилиги) каби ва бошқа имкониятларидан халқ ҳаётининг равнақи учун тенг ҳуқуқлиқ асосида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун иложи борича кеңроқ фойдаланишдир». Биринчи президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида шу ҳаққоний сўзларни айтди.

Шоди КАРИМОВ: Болтиқбўйи жумҳуриятлари иқтисодий мустақиллик байроғини биринчи бўлиб кўтариб чиқиди. «Экстремист» ёрлиғини олган уч жумҳурият охири-оқибатида иқтисодий мустақилликни қўлга киритди. Ўз қардошларининг иқтисодий мустақиллигига тўғаноқ бўлган, ўзининг миллий тенг ҳуқуқлиқлигини оёқ ости қилган айрим Урта Осиё ва Қозғистондан сайланган СССР халқ депутатлари сўзини эслашга одам уялади. Ўзимизнинг одамлар бўлгани учун, ҳар ҳолда. Литва Компартияси ўзининг ХХ съездида КПСС дан мустақил партия сифатида ажралганини эълон қилди, ўз ҳаракат дастури ва низомини қабул этди. Литваликлар бундан ҳам олға қадам ташлаб, ўз тарихий давлатларини тиклашди.

Сийёсий мустақиллик талаб қилиш яхшими ёки ёмон! Аниқроғи, литваликлар ҳақми ёки йўқ! Бу муаммони илмий-назарий жиҳатдан тўғри тушуноқ ва баҳоламоқ учун Лениндек одил, холисона жасоратга эга бўлмоқ керак. Бу фазилат у бошлиқ ёш Совет Республикасига 1917 йилнинг декабрида Украинанинг, шу йилнинг 18 декабрида Финляндиянинг, 1918 йилнинг 29 августига поляк халқининг мустақиллиги ҳуқуқини эътироф этишга имкон берди. Лениннинг холислигига тан бериш керак. У 1917 йил декабрь ояида «Украин халқига манифест ва Украина радасига ультиматив талаблар» номли мақоласида шундай ёзган: «Россия Республикаси таркибига кирган ёки киришни истаган миллатлардан биронтасининг ҳам миллий мус-



САИД МУРОД

тақиллигини чеклаб қўядиган ҳеч қандай ҳаракат қилмаймиз». Бундай тadbир ҳақиқатан ҳам оммани байналмилалчилик руҳида амалий тарбиялашга хизмат қилади. Ўз миллий мустақиллиги учун ҳаққоний кураш олиб бораётган литвалик қардошларга бошқа қардош миллий жумҳуриятларнинг тазийқ ўтказиши ленинча сийёсатга зиддир. Ахир, қолаверса, бу ш литвалик қардошларимизнинг ўз миллий, ички иши эмасми!

Қаердаки, социал-миллий адолатсизлик бор экан, у жойда халқлар ўртасида байналмилалчилик тарбияси бесамарадир. Шоир ва публицист Муҳаммад Солиҳ ҳақ гапни айтади: «Дунёда бирор бир халқ байналмилал бўлса, бу ўзбек халқидир. Дунёда бирор бир саховатли халқ бўлса, ўзбек халқича бўлар». Аммо ана шу ўта байналмилалчиликни, ўта саховатни суйистеъмол қилиш керакми! Амалда худди шундай бўлаётир. Мустақил суверен жумҳурият сифатида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сийёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари чеклаб қўйилган. У марказнинг ижозати бўлмаса биронта қонуни ёки қарорини мустақил қабул қила олмайди. Ҳатто оддий битта китобни чиқариш учун ҳам Москвадаги амалдорнинг имзосини олиш даркор. Ўзбекистон ССР Конституцияси СССР Конституциясининг кўчирмасидан иборат, холос. Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам мустақил жумҳурият, давлат сифатида ҳаракат қилолмайди, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси эмас. СССРда — Ташқи ишлар вазирлиги энг катта вазирлик, Ўзбекистонда эса энг кичик вазирлик — Ташқи ишлар вазирлигидир. Бу сийёсий муаммоларни ҳал этмай туриб, қандай қилиб мустақиллик ҳақида сўзлаш, байналмилалчилик тарбияси олиб бориш мумкин!

Биз ҳисоб-китобимизни тўғри йўлга қўйишга одатланмаган боқибегам халқимиз, қанча сўмлик маҳсулотни қаердан олаёلمиз-у, қанча сўмлик маҳсулотни қаерга, кимга жўнатаётганлигимизни билмаймиз, уни бевосита халқаро бозордаги олдиберди савдосига чиқаришга ҳаракат қилмаймиз. Жумҳуриятимиз бойликлари бамисоли дарёдек марказга «оқиб» кетаяпти. Ахир бойликларимиз ҳам чексиз эмас, ҳисоби бор-ку! Келажак авлодлар олдига ким деган одам бўлаамиз!

Жумҳуриятимиз 1991 йилдан иқтисодий мустақилликка ўтади. Агар пахтамиз, тилламиз, пилламиз, қорақўлимиз, мевачеламизга ўзимиз нарх қўйиб сотсак ана шундагина биз мустақил бўлаамиз. Агар марказ яна сийёсий тазийқини ўтказса, гинг десанг Фарғонани эслатиб қўяман

деса, бундай мустақиллик яна тобеликка олиб боради. Ахир бизнинг советлар жамиятида иқтисод — бу сийёсат-ку! Халқимизнинг ярим қашшоқ ҳолда яшаётганлиги сир эмас, қорин тўймаган ўзбек эртаю кеч қора меҳнатда бели букчайиб, турли касалликларга бардош беролмай, силласи қуриб бормоқда. 1987 йилда Ўзбекистонда 286 мингга яқин киши юқумли сариқ касаллигига дучор бўлди, 18 мингдан зиёд киши ичбуруғ касали билан оғриди, 142 минг киши бошқа хил кчак касалликларига йўлиқди. Ногиронлар сони жумҳуриятимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 42 минг кишига кўпайиб бормоқда. Лоқайд, ўз қадр-қимматига, соғлиғига, миллий гурурига бефарқ қарайдиган бирорта халқ ўзбекчалик бўлмас!

САИД МУРОД: Мустақиллик, ҳурфикрлик, ҳақиқий ошкораликка бўлган таъқиқчилик жамиятнинг соғломлаштиришга қарши нарса бўлмаса керак. Мафқурасини олма онгига ҳар қандай йўл билан зўрлаб сингдирадиган тоталитар тузумларда, ёпиқ жамиятда таъқиқчилик чексиз ҳокимиятга эга. Бу куч умумий кўринишда цензура сифатида ифодаланади.

Чиндан ҳам, цензуранинг мавжудлиги виждонли, ҳалол кишиларнинг хусусий эркин қарашларини ҳақоратли шубҳа остига қўяди. Ўз фуқароларининг эркин фикрлашига тўсқинлик қиладиган ҳокимият — фақат диктаторлик тузумидир; бу ҳол социализм учун ҳам, капитализм учун ҳам хос эмас.

Биз «отдан тушса ҳам, эгардан тушмаган» ана шу цензура тўсқинларидан ҳали тўлиқ қутула олмадик. Ҳеч қандай давлат сирни бўлмаса-да, журналистонларимиз бутунлай ўқий олмай қолган ёки катта ва кичик ҳажмда «қайчилаб» ташланган мақолаларни санаб ўтирмайман. Фақат шунинг айтмоқчиман: ҳозирги мавжуд маҳаллий цензура шундай ҳаракатлари билан жумҳуриятимизда қийинчилик ила кечаётган чинакам демократик жараёнларга зид фаолият юргизиб келди. У — газета-журнал, нашриёт ходими, раҳбарияти кундалик хизмат фаолиятида ҳали ҳам тез-тез дуч келаётган зўр тўсқиндир.

Хуршид ДАВРОН: Жумҳуриятнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиши уни маънавий қарамликдан ҳам халос этади, деб билишимиз ва шунга интилишимиз зарур. Токи биз шунинг англамас эканмиз, ишимиз ўнглианиши қийин. Бироқ, иқтисодий мустақилликка интиланган жумҳурият ва миллат, юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздек, маънавий ривожланишининг ҳам муҳимлигини англаган ҳолда ҳар иккала омилнинг баробар юксалишига имкон яратмас экан, бир кун келиб, боши берк кўчага қириб қолганимизни билмай қолишимиз тўрған гап.

Бугунги шароитда жумҳурият маданий-маънавий мустақиллигининг ўсиши учун энг зарур вазифалар нималардан иборат! Бунинг учун аввало маориф, матбуот, радио-телевизиё, кинематография ва санъат соҳасида жуда жиддий ислоҳларни амалга ошириш керак бўлади. Мен берилган имкониятнинг кичиклигини англаган ҳолда, фақат бир соҳада — маорифда қилиниши зарур ислоҳнинг айрим томонлари ҳақида фикр юритмоқчиман.

Маорифда ислоҳ кераклиги ҳақида гапирганда мен бутун мамлакатда қилиниши кўзда тутилган, аслида эса амалга ошмай, чала қолган мактаб ислоҳотини назарда тутаятганим йўқ. Мен бу ўринда миллий педагогика аъаналарини тиклашни, миллий заминдан ўзилмаган дарсликлар яратишни, миллий хусусиятлар эътиборга олинган мактаблар барпо қилишни кўзда тутаяман. Бутун мамлакатда «бир қолипда

ОЗОД ХАЛҚ

● Халқ ўзини бошқаришга ўргангандагина етук фуқаро бўлишга муносибдир. Озодлик аввало ўз-ўзини бошқаришга қодирликдир. Ўз-ўзини, фикр ва ҳис-туйғуларини, ўз ички «тўполон»ларини бошқаришга ўрганган кишиларгина бошқаларни, ўз мамлакатини бошқара олади.

● Халқ ўз мақсадларини, ўз куч-имкониятларини фақат давлатдагина амалга ошира олади; ўз давлати томонидан ҳимоя қилинмаган халқ бошқа халқларнинг куллик асорати остига тушиб қолади. Лекин давлат қум каби ҳар тарафга тўзғиб кетгувчи бўлиши мумкин эмас, у ўзининг аниқ чизги ва ўлчамларига эга биллур каби бўлиши лозим. Давлатни яратиш, асраш ва ривожлантириш халқдан тобланган феъл-атвор, характер, кучли ирода талаб этади. Халқнинг характерсизлиги унинг давлати мавжудлигини хавф-хатарга қўяди ва уни куллик асорати остида қолиш хавфини юзага келтиради.

● Демократия эса халқнинг ўз-ўзини бошқаришга, халқ феъл-атворининг олимақом даражасига асосланади. Узида куллик руҳи мавжуд бўлган, ўз-ўзини бошқаришни хоҳламайдиган ва зўравонликларга кўниккан халқ демократияга қобилмас, у бунга етилмаган. Демократия жасоратга, умумий ишга муҳаббат қўйишга асосланади, деб сабоқ берганди Монтескье. Агар халқнинг қалбида бу жасорат, умумий ишга бу муҳаббат бўлмаса, демократия мустабиллик томонга ўзгаради.

● Демократияга ўтиш, бутун халқнинг у ёки бу синфга мансублигидан қатъи назар, ўз-ўзини бошқаришга ўтиш демакдир. Демократия бутун бир халқнинг фуқаролик ва сиёсий етукилигидир. Демократияни, ҳозир бизда кўр-кўрона қилишаётгандек, буржуазияга қарши қўйиш мумкин эмас. Демократия бутун халқнинг олий ҳокимиятидир.

● Демократияни ишчи синфи ёки деҳқонларнинг ҳукмронлиги сифати-

да тушуниш мумкин эмас. Пролетариат диктатураси озчиликнинг кўпчилик ўстидан зўравонлиги бўлур эди ва у моҳиятига кўра демократия учун зарарли, ғайрихалқчилликдир, у халқ мустақиллигига тажовуз этади, унга қарши суиқасд уюштиради. Озод халқ бирор-бир синфнинг диктатурасига сабр этолмайди.

● Кулликда узоқ яшаган бутун бир халқнинг демократик давлатчилик шаклига ўтиши энг аввал халқни тарбиялаш, онги, маърифати ва маданиятини ошириш, маънавий-руҳий уйғониши вазифаларини қўяди.

● Халқ фақат ўз миллий бирлигини ва ўз давлатида, ундан ташқарида ҳам, бошқа халқлар ва давлатлар олдида ҳам ўз яхлитлигини тушуниб етгандагина озод халқ ва етук фуқароликка муносиб бўлади.

Николай БЕРДЯЕВ,
таниқли рус файласуфи.
(«Родина» журнали, 1990 йил, 1-сон.)

қўйилган» дарсликлардан, мактаблар тузилишидан, дарс бериш усулларидан [албатта, энг илғор аъёналарни сақлаган ҳолда] қатъиян воз кечиб, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидаги аъёналарни ўрганиши, уларнинг ютуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш йўлидан бориш керак. Шу кунгача совет мактабларида ҳукмрон догматик тарбия ва илм бериш усуллари жамиятимизга, унинг фуқароларига жиддий зарар етказганини кўрсатиш учун биргина мисол билан чекланмоқчиман. Масалан, адабиёт дарслари икки омил: назарий ва хрестоматик дарсликлар асосида олиб борилади. Назарий дарслик ўқувчининг мустақил ривожини учун бирон-бир имкон қолдирмайди, яъни программада ўтилиши шарт бўлган асарлардаги ҳамма қаҳрамонларнинг қай бири ижобий, қайсини салбий образ эканлиги олдиндан белгилаб қўйилган. Фарҳод, Йўлчи, Кўкан, Отабек — ижобий қаҳрамон, Мирзакаримбой, Зайнаб, Ҳомида, Қаландаров — салбий қаҳрамон... Ҳўш, шундай бўлса, ўқувчининг ўзи асарни, қаҳрамон табиатини англаб етиши учун қандай имкон қолади! Ун йил давомида тайёр кўрсатмалар асосида фикр юритишга кўниккан шахс умрининг охиригача мана шу осон йўлдан — килларнингдир фикри билан яшашга, ишлашга ўрганиб қолмайдими! Бутун жамиятимиз тарихи бунинг оқибатлари қандай фожяларга олиб келганини кўрсатмадими! Шунинг учун ҳам бугун жар ёқасида турмаяпмизми! Шундай экан, адабиёт дарслари фақат бадий асарнинг мутолааси ва ўқувчилар мустақил баҳс юритиши йўли билан қаҳрамонларнинг, асарларнинг салбий-ижобий томонларини билиб, энг муҳими, англаб олишлари учун имкон яратмоғи керак. Бундай аъёна ўзбек жадидлари тузган мактабларда, ундан олдин ва кейин жуда кўп давлатлардаги мактабларда амалга оширилгани маълум.

Маориф соҳаси учун хизмат қилиши мумкин бўлган исломга бўлган қарашимиз ҳам жиддий тарзда ислоҳ қилиниши ҳақида ҳозир кўп гапирилмоқда. Биз миллий

маънавиятимиз қадриятлари айнан мана шу омил таъсирида шаклланиганини тан олмасдан иложимиз йўқ. Шундай экан, ундан тўлақонли фойдаланиш имконларини излаб топмоғимиз керак. Бу фаолият дин намояндаларининг ваъз айтиши билангина чегараланиб қолмасдан, тарбия ва маърифат воситаси сифатида ҳам кечмоғи зарур.


Шоди КАРИМОВ: Ҳозир матбуотда номустақиллигимизнинг бир белгиси — Ўзбекистоннинг ҳамон СССР учун хом ашё базаси бўлиб қолаётганлиги масаласи ёритилмоқда. Шаҳарларда кўпроқ рус тилида сўзлашувчи аҳоли истиқомат қилишини биламиз. Шаҳарларда яшаётган ўзбекистонлик маҳаллий аҳолининг асосий қисми озиқ-овқат етказиб беришга мўлжалланган соҳаларда ишлайди: ошпазлик, қабобпазлик, сомсапазлик, нонвойлик, кўкатлар сотиш, писта фурушлик ва ҳоказолар. Кейинги пайтда сариқ камзул кийиб, кўча супуриб юрган фаррошлар айниқса ўзбеклар ҳисобидан кўпайди. Уларни кўриб, ҳар бир соф виждонли кишининг юракбағри эзилмаслиги мумкин эмас. Чунки аҳолининг бу тонфаси ҳавас қилиб эмас, балки малакасизликдан шу касбни танлашга мажбур бўлган. Бу, албатта, жумҳуриятда олиб борилган адолатсиз миллий сиёсатнинг кўзга яққол ташланиб турган оқибатларидан биридир. Ўзбекларнинг 80 фоиздан кўпроғи қишлоқларда яшайди. Санаятда маҳаллий аҳолининг бандлиги 20—27 фоиздан ошмайди. Ана шу ҳаётий далиллардан сўнг ижтимоий-сиёсий савиямиз пастилиги ва жамият сиёсий ҳаётига бефарқлигимизни ким ҳам тушунайди! Жумҳурият аҳолисининг сиёсий-маданий савиясига қараб жумҳуриятга раҳбарлик қилаётган партия-ҳукумат раҳбарларининг савиясига ҳам баҳо берамиз. Жумҳуриятимиздан сайланган СССР халқ депутатлари фаолиятининг сустилиги сабаблари ҳам ойдинлашади. Ўзбекистондаги норасмий халқ ҳаракатларининг ҳам умумхалқ ҳаракати тарсини ололмаётганлиги ва ўз қобилигига ўралиб ётганлигининг моҳиятини тушунамиз. Негаки, қайтариб айтаман,

ана шу жараёнларнинг барчаси халқимизнинг умумий ижтимоий-сиёсий савияси доирасидан ташқарида эмас. Қаердаки халқнинг ижтимоий-сиёсий савияси паст бўлса, ўша ерда худбинлик, шўхратпарастлик, шахсиятпарастлик, шахсий манфаатни халқ манфаати, миллий манфаатлардан устун қўйиш ҳоллари илдиз отади. Бундан маъмурий-бўйруқбозлик аппарати ходимлари ўз манфаатлари йўлида «муваффақият» билан фойдаланиб келишади. Бу ҳол яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш чоғида ҳам намоён бўлди. Баъзи жойларда ўша, эски «синалган» усул қўланди. Жумладан, Тошкентнинг 35-сайлов округидан Мухаммад Солиҳ номзодига муқобил этиб таниқли давлат арбоби Н. А. Муҳитдинов номзоди қўйилди. Нуриддин Акрамович халқимиз ўртасида катта обрўга эга, у кишини ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Муҳитдиновнинг халқ ўртасидаги ана шу обрўсидан фойдаланиб, Мухаммад Солиҳ билан «ҳисоб-китоб» қилмоқчи бўлишди. Аммо, доно — ҳаммаша доно, нодон — ҳаммаша нодон. Нуриддин Акрамович бу сафар ҳам ўз номига, ўз эътиқодига содиқ қолди, у таниқли шоир ва публицист Мухаммад Солиҳ билан беллашмади, ўз номзодини қайтиб олди ва бу билан юксак сиёсий маданият эгаси эканлигини намоён қилди.

САИД МУРОД: Якунида сўхбатимиз бошида айтилган фикрга қайтдик: мустақиллик ҳақидаги ўйлар номустақиллигимиз ҳақидаги дардларимиздан бошланади. Дардларимиз эса умумий. Умумий дард ҳаммамизни бирлаштиради, унинг олдида барча тенг. Сўхбатимиздаги фикр-мулоҳазалар журналхонларини ҳам эътиборсиз қолдирмайди деб ўйлайман. Чунки улардан редакция олаётган мактубларда бугунги ўйларимизга ҳамоҳанг фикрлар сероб, хилма-хил мулоҳазалар кўтишга асос бор.

Сизларга эса серқирра ва мазмундор сўхбатингиз учун ярим миллион нафар журналхонлар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

ЎРТА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ



Ўрта денгизда сувости силкинишлари ва вулқонлар отилиши натижасида вужудга келган оролча.

КЕМАДА Босфор бўғози орқали Мармар денгизига ўтаётганимизда сувнинг шу йўналишда бирмунча тезлик билан оқаётганини кўрдик. Аввалига денгизлараро бу оқим вақтинча, шамол туфайли вужудга келгандир деб ўйладим. Сувдаги ташландиқ қоғозлар, консерва банкчалари, яшиқлар ва ўлган балиқлар ғувиллаб ўтиб бораётибди. Демак, Қора денгиз суви Мармарга оқаяпти. Кемамиз оҳиста-оҳиста Истамбул манзилига кириб бораёпти ҳамки, оқим давом этиб турибди. Кема дарғаси ва денгизчилар билан узоқ суҳбатлашдим. Бутун умри денгизда ўтган дарға Феликс Зинько менга «Ўрта денгиз кўёши ва соялари» китобчасини совға қилди. Менинг саволларимга қисман бу китобда жавоб берилган экан.

Минг йиллар давомида Қора денгиз суви сатҳининг ўзгармаслиги сабаблари, россиялик иккинчи ранг капитани Степан Макаровни жуда кўп ажаблантирган ва у гидрологик тадқиқотлар олиб боришга киришган. Натижада 1881 йили Қора денгиз ва Мармар денгизи орасида доимий икки оқим мавжуд эканини тажрибаларда аниқлаган. Буларнинг бири баъзан сезилмайдиган, кўпинча ҳаммага кўринувчи юқориги оқим бўлиб, асосан Қора денгиздан Мармар денгизи томон йўналади (баъзан бўлиб турадиган кучли шамол ва довулларни ҳисобга олмасак албатта). Иккинчи оқим аксари йўналишда, яъни Мармар денгизидан Қора денгиз томон йўналган бўлиб, у Макаров тадқиқотларидан 105 йил кейин — 1986 йили олимлар томонидан аниқланди. Бу оқим сирли равишда — юзадаги оқимга қарши йўналишда ҳаракатлангани ҳолда Қора денгиз остонасида мустаҳкам сув ости қояларига дуч келиб юқорига кўтарилар ва мавжуд оқимга қўшилиб кетар экан. Шундай қилиб, Босфор бўғозиде икки денгиз сувлари доимий алмашилиб тураверади. Денгиз сувларига ҳаракат бағишлаб, уларни тозалаб турувчи табиат қонуниятларига қойил қолмай иложимиз йўқ, албатта. Шуниси ажабланарлики, икки денгиз орасида неча минг йиллардан бери юз бераётган алмашувдан қатъий назар ҳар икки денгиз ўз табиий рангини ўзгартирмай сақлаб турибди. Қора денгиз сувларининг ўзига хос тўқ зангори ва иккинчи денгизнинг табиий мармардек товланишлари кишини ўзига ром этади.

СУВ ОСТИДАГИ ЗОВУРЛАР

Ўрта денгиз остида қавланган зовурлар мавжудлиги маълум бўлди. Зовурларнинг узунлиги бир ярим, чуқурлиги эса ярим метргача боради. Француз олимлари сув ости телевидениеси ҳамда махсус фотография усулларини қўллаш орқали қизиқарли маълумотларни қўлга киритишди. Зовурлар китлар томонидан қазилган бўлиб, асосан Корсика ороли атрофида жойлашган. Балиқчилар мана шу ерларда финваллар (кит балиқлари) кўп учрашини ҳикоя қилишади. Бир ойноманинг хабар беришича, финваллар сув ости лойқаларида яширинган денгиз жониворларини топиб ейиш учун лаҳм қазиб, лой-пойи билан ютиб юбораверади. Аввало денгиз остида йиртқич китларнинг излари топилди. Бу китлар ёриб кўрилганда эса ошқозонидан денгиз ости лойқаси чиқди. Чехословакияда бундан йигирма йиллар чамаси илгари дарё тубидан олиб қуритилган лойқаларни балиқ ва товуқлар талашиб еганининг гувоҳи бўлганман. Китлар лойқасеварлигидан ўзининг севимли озуқаси бўлган кальмарларни қувиб кетаётганда очик жағлари билан тегиб кетибми ҳосил қилган зовурлар уларга қарашли десак, фан олдида яна бир жумбоқ пайдо бўлади. Гап шундаки, китларнинг икки ярим минг метр ва ундан ҳам чуқур жойларга шўнғиши ҳали фанга номаълум эди. Демак, жумбоқларни аниқлаш борасида илмий кузатишлар давом этади.

СУВ ОСТИ СИЛКИНИШЛАРИ

Ўрта денгиз сувлари остида кўплаб ер силкинишлари бўлиб туриши аниқланган. Денгизнинг шарқий қирғоқларида кўтарилиб турган тоғлиқлар, сув узра бўй чўзиб турадиган атолллар, сув остидаги камгак ва асрий жарликларнинг юзага келишига вулқон ва сув ости силкинишлари сабаб бўлади. Оврупо қитъасининг энг кучли ер силкиниш-

лари Урта денгиз қаъридагина содир бўлиши амалан исланди. Денгиз ости ер силкинишлари ороллар ва қиргоқ мамлакатларига катта талафот келтиради. Силкинишлар вақтида юзага келувчи цунами ва тўлқинлар вайронгарчиликлар сабабчидир. Милоддан аввалги 1628—1626 йилларда Тир оролида отилган кучли вулқон сув остидаги силкинишлар билан бирга рўй берган. Бу дахшатли ҳодиса туфайли бронза давридаги юқори даражада ривожланган крит-микен маданияти бутунлай йўқ бўлиб кетган. Крит ороли атрофидан ўтиб кетаётганимизда унга ёпишган ва ўша даврдаги вулқон отилмасидан вужудга келган Тирасия ва Аспрониси оролчаларида (ҳодиса рўй берган жойдан 78 мил нарида) чўғнинг совиган ўсимталарини кўришга муяссар бўлдик. Вулқон отилиши бир нави, унинг оғзи очилиб кетиб, жуда катта суви унинг қаърига тушиб буғланиши натижасида вужудга келган портлаш орқасида Санторин оролининг кули кўкка совурилган. Инжилдаги «Миср Зулмати» ҳикояси шу дахшатли ҳодисага бир ишора бўлса ажаб эмас. Зеро ўша пайтда дунёга машҳур бўлган Санторин ороли Миср қирғоқларидан атиги саккиз юз километр ораликда бўлган. Вашингтондаги Смитсон институти олимлари Д. Стенли билан Г. Шэн Нил дельтасидан бурғилаб олинган лойқани текширганларида ўша вулқон кули намуналарини топишга муяссар бўлишди. Бу портлашнинг нақадар кучли бўлганини қуйидаги маълумотлардан тасаввур этиш мумкин: овоз тўлқини ер юзини бир неча марта айланиб чиққан, бу овоз бир неча минг километр узоқликда жойлашган Ҳинд океани ва Тинч океанидаги оролларда ҳам эшитилган. 1813 йилги Кракатаудаги портлаш Санторин портлаши олдида ҳеч гап бўлмай қолган. Ваҳоланки кейинги портлаш вақтида ҳам жуда катта зарар кўрилган. Санторин портлашида жуда юқори ҳароратли чўғ сувга тегиши натижасида сув водород билан кислородга парчаланганки, орол тупроғини кўкка совур-

ган. Бу дахшатли ҳодисани Атлантида билан ҳам боғлайдилар. Бу ҳақда юнон зилзилашунос олими Гланопулос билан археолог-ёзувчи Э. Бэкон «Атлантида. Афсонадан ҳақиқат сари» асарини ёзишган.

Урта денгиз остида рўй берувчи силкинишларни тадқиқ этишда совет олимлари ҳам иштирок этишмоқда. Бундан уч йил аввал бошланган илмий кузатувларда сув ости сейсмографлари ёрдамга келди. Салкам икки километр чуқурликка туширилган бир неча сейсмограф бир ҳафта ичида тўрт юздан ортиқ ер силкинишини қайд этди. Силкинишлардан учдан бир қисмининг маркази ҳам топилди. Асбоблар қўшни Тинч океанда бўлиб ўтган ер силкинишларини ҳам сезди. Ваҳоланки шу вақт ичида Грециянинг ер устидаги сейсмографлари ҳаммаса бўлиб иккита силкинишни қайд этган. Олинган маълумотлар чуқурроқ таҳлил қилинганда яна элликта кичик силкиниш маркази аниқланди. Шу вақтга қадар сув ости силкинишлари фақат 30-60 километр чуқурликдагина рўй беради деб қараларди. Янги қурилмалар эса силкинишлар икки километрдан йигирма беш километр чуқурликкача бўлган масофаларда рўй беришини қайд этди. Бу кузатувлар денгиз харитасига ўзгартиришлар киритди.

Биз юнон олимлари билан мулоқот ва мунозараларимиз давомида ватандошларимизнинг тажрибалари ҳақида сўзлаб бердик. ЎзССР Фанлар академиясининг академиклари Ғани Мавлонов ҳамда Абдимубди Султонхўжаев ва бошқаларнинг ер силкинишлари олдида ер ости сувларида инерт газларнинг кўпайиши бўйича қилган ихтиролари ҳақида гапирдик. Улар бундан буён ўзбекистонлик олимлар билан илмий ҳамкорлик қилиш ниятларини билдириб қолишди.

Қудрат АХМЕРОВ,
Тошкент Политехника институтининг профессори.

қурама

ҚОН БОСИМИ НИМАЛИГИНИ БИЛМАЙДИГАН ХАЛҚ

Венесуэла чегарасидан унча узоқ бўлмаган Амазонка ҳавзасидаги чекка бир тропик ўрмонда яшовчи яномам қабиласининг ҳиндулари умуман стресс нималигини ва гипертония қандай касаллиги-



ни билишмайди. Бразилиялик врач Жайро Мансила ҳиндулар яшайдиган бу қишлоқ ҳаётини, аҳоли емишларини ярим йил кузатиб, ўрганиб чиқди. Умуман, шаҳардагига қараганда табиат оғушида тинч кечаётган бу ҳаёт анчагина соғломдир. Масалан, Бразилиядаги аҳолининг йигирма фонзга яқини қон босими юқорилигидан шикоят қилади, яномам ҳиндуларини эса бу касаллик четлаб ўтган. Улар учун туз ва ёғ бутунлай бегонадир. Ҳиндулар ўз таомларини маҳорат билан тайёрлайдилар. Улар гўштни ёғи бутунлай эриб битгунга қадар пиширадилар. Бу уларнинг соғлом бўлишининг бир йўли бўлса, иккинчидан, ҳиндулар ўз жамоаларидаги ишларни йўлбошчиларига итбат қилган ҳолда осойишталик билан ҳал қилдилар.

БИР АСРЛИ БАЛЬЗАМ МОЙИ

Улик денгизнинг қирғоғида 1947 йили Библиянинг қимматбаҳо қўлёмаси топилган эди. Машҳур ғорлардан бири яна ҳаммани хурсанд этди, салкам бир метр чуқурликдан пальма барги билан ўралган ва оғзи пўкак билан беркитилган сопол кўзача топилди. Исроиялик археолог Йозеф Патрик кў-



римсизгина бу идишининг ичи мой билан тўлдирилганлигини маълум қилди. Мой текширилганда пўкак атрофида қотиб қолган ёғ кўзачанин оғзини зич ёпиб жипс беркитган. Шунинг учун ҳам мой жуда яхши сақланган. Катта Плиний қўлёмасини кўздан кечириб чиққан археолог ва кимёгарлар бу идишда оддий ўсимлик мойидан оғирроқ махсус бальзам мойи борлигини айтишди. Ҳақиқатан ҳам бальзам мойининг томчиси сувга ботиб туради, оддий мой бўлса сув юзиде ёйилиб кетади. Қадимги бальзам комифор турига оид тиканли бута мевасидан тайёрланган, ҳозир бу бута йўқолиб битган.

Ғордан топилган қўлёмалардан бирида Қуддус аҳолиси милодий етмишинчи йиллардаги Иуда кўзғолонини бостириш пайтида кўп миқдордаги бальзамни яшириб қўйганлиги айтилган. Эҳтимол, бу идиш ўша яширин бойлиқнинг бир қисмидир.

СЕЛЕН МОДДАСИ ЕТИШМАСА

Ғарбий Германиянинг Майнц шаҳри олимлари юрак-томир касалликлари кучайишининг сабабларидан бири вужудда селен моддасининг етишмаслиги эканлигини аниқлашди. Коронар склерози, миокард инфаркти ва гипертония (қон босими кўтарилиши) билан касалланган юздан ортиқ беморлар текшириб қўрилганда, селен моддаси соғлом кишиларникига қараганда жуда ҳам кам миқдорда эканлиги маълум бўлди. Шунингдек селен концентрацияси юрак мушакларининг ҳолати билан ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланди.



қурама

Илмий-техник инқилоб инсоният олдига бир қатор мураккаб масалаларни кўндаланг қилиб қўйди, шулардан бири атроф-муҳит муаммосидир.

Атроф-муҳит ҳақидаги билимлар етарли бўлмагани ҳамда қўлланилаётган техника ва технология экологик жиҳатдан соф эмаслиги оқибатида инсоннинг ҳўжалик фаолияти бир қатор заҳарли газлар атмосферада тарқалишига сабаб бўлаётир. Масалан, расмий маълумотларга қараганда, атмосферага ҳар йили дунё бўйича 210 миллион тоннадан кўпроқ ис гази, 50 миллион тонна ҳар хил газсимон углеводородлар, 260 миллион тонна олтингургурт оксидлари, 50 миллион тоннадан кўпроқ азот оксидлари,

салбий таъсир кўрсатгандагина ҳаво ифлосланди деймиз. Бунини билиш учун эса ҳаводаги бегона моддалар аралашмаси меъёр сифатида қабул қилинган, йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдори билан таққосланади.

Ҳаво ҳавзасининг ифлосланишига мамлакатимиз, шу жумладан жумҳуриятимиз ҳам ўз «ҳиссасини» қўшиб келмоқда. Масалан, СССРда 1987 йили ҳавога чиқарилган олтингургурт ангидриди 36 миллион тоннани ташкил этган бўлса, шундан 616 минг тоннаси Ўзбекистон ҳисобидандир.

Жумҳуриятимизда 1987 йили чиққан 3 миллион 416 миң тонналик зарарли газларнинг қарийб 60 фоизи автотранспорт, қолгани эса саноат ва халқ ҳўжалиги тармоқлари «улуш»ига

газларнинг бешта асосий тури бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни кузатиш мумкин:

— жумҳуриятимиз бўйича барча хил зарарли газларни тутиб қолиш ёки зарарсизлантириш даражаси жуда паст. Натижада атмосферадаги заҳарли газлар миқдори меъёрдагидан анча юқори. Масалан, 1989 йил март ойида Олмалиқ шаҳри ҳаво ҳазасида олтингургурт ангидридининг миқдори меъёрдагидан 5 марта, ис газиники эса 4 марта ортиқ бўлган. Худди шу даврда Фарғона шаҳрида олтингургурт ангидриди меъёрдагидан 2, ис гази — 8, чанг — 15 марта кўп бўлган.

— Энг юқори заҳарлилик хусусиятига эга бўлган азот ва олтингургурт оксидларини зарарсизлантириш

ҲАВО—ЧИҚИНДИЛАР УММОНИ ЭМАС

икки миллиард тоннадан зиёд кулсимон чиқиндилар чиқарилади. 1980 йили ер юзиде яшовчи ҳар бир киши ҳисобига қазиб олинган минераллар ва тоғ жинслари 27 тоннани ташкил этган ва шундан 2 фоизи маҳсулотга айланган бўлса, қолган 98 фоизи чиқинди сифатида ҳавога қўшилган.

Заҳарли моддаларнинг тарқалишига олиб келаётган сабаблардан яна бири халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қўлланаётган аксари кимёвий бирикмаларнинг биосферада рўй берадиган жараёнлар оқибатида заҳарли моддаларга айланишидир. Ҳозирги вақтда қўлланаётган 600 миңг кимёвий бирикмадан 40 миңга зарарли, 12 миңга ўта заҳарлидир. Улар ҳар хил сабаб туфайли ҳаво, сув, тупроққа ўтиб, атроф-муҳитни ифлослантирмоқда, табиатни заҳарламоқда.

Маълумки, инсон нафас олмай 5 дақиқадан кўп яшай олмайд. Унинг ҳавога бўлган ўртача эҳтиёжи бир кеча-кундузда 12 куб метрни ташкил этади. Бу инсон бир кеча-кундуз давомида истеъмол қиладиган озик-овқат маҳсулотлари миқдоридан бир неча баробар кўп. Шу сабабли ҳаво ҳавзасини заҳарли моддалардан химоя қилиш ҳозирги ва келажак авлод учун ўта муҳим вазифадир.

Ушбу мақолада атмосферанинг ҳар хил чиқинди газлар билан ифлосланишини камайтириш борасида кафедрамизда олиб борилган баъзи илмий тадқиқотларнинг натижалари ёритилган. Аввало икки саволга тўхталишни лозим топдик. Қай маҳалда ҳаво ифлосланди деймиз ва у қандай қилиб билинади? Жумҳуриятимизнинг ҳаво ҳавзаси ҳозир қандай аҳволда?

Ҳаво таркибининг қабул қилинган меъёрдан ҳар қандай чекинишини ифлосланиш деб қараш мумкин. Атмосферадаги бегона моддалар муайян аралашмада, маълум муддатда инсон ва ҳайвонот соғлигига, ўсимлик ва ашёлар ҳолатига, атмосфера хоссаларига ва баъзи нафосат омилларига

тўғри келади. 1988 йилги маълумотга кўра, атмосферага чиқариб юборилаётган газларнинг аксарият қисми энергетика — 22,2 фоиз ва газ саноати — 26,0 фоиз тармоқларига тўғри келади. Жами 850 та саноат корхонаси қарийб 65 миңг чиқинди газ манбаларидан ҳавони ифлослантиради, шундан 52 фоизи тозалаш ёки зарарсизлантириш қурилмаси билан жиҳозланмаган. Чиқинди газ манбаларининг аксарияти Фарғона (19558 та) ва Тошкент (12908 та) вилоятларида жойлашган.

Жумҳуриятимизда чиқинди газ миқдори бўйича нисбатан оғир экологик ҳолат Тошкент (434,18 миңг тонна), Қашқадарё (277,86 миңг тонна) ва Фарғона (175,88 миңг тонна) вилоятларида вужудга келди. Ҳисоб-китобга кўра, 1987 йили вилоятлардаги саноат корхоналари томонидан ҳавога чиқарилган зарарли ва заҳарли газлар миқдори жон бошига 150 — 211 килограммни ташкил этди.

Тошкент вилоятидаги саноат марказлари (Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Ангрэн, Тошкент) чиқинди газларининг салмоғи жумҳуриятиникининг қарийб 24 фоизини ташкил қилади. 1988 йили Олмалиқ саноат корхоналари 166,24 миңг тонна, Ангрэн — 68,78 миңг тонна, Чирчиқ — 18,21 миңг тонна, Бекобод — 21,18 миңг тонна ва Тошкент — 49,88 миңг тонна чиқинди газни атмосферага чиқарган.

Олмалиқ шаҳри саноат корхоналарининг чиқинди газлари Тошкент вилоятиникига нисбатан 38 фоизни ташкил этади. Фарғона вилоятида эса 80 фоиз чиқинди газ Фарғона шаҳар ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига тушади.

Ташландиқ газлар таркибида азот, олтингургурт оксидлари, углеводород, ис гази, чанг ва бошқа хил заҳарли кимёвий бирикмалар мавжуд. Агар жумҳуриятимиз ҳавоси ифлосланишини юқорида қайд этилган заҳарли

даражаси бор-йўғи 17,4 ва 40,3 фоизни ташкил этади.

— Заҳарли газлар бешта асосий турининг жумҳурият саноат марказлари бўйича тақсимланиши шунини кўрсатадики, олтига саноат марказида (Навоий, Чирчиқ, Фарғона, Тошкент, Ангрэн, Бекобод) азот оксидлари; Олмалиқ, Фарғона, Тошкент, Ангрэн саноат марказларида олтингургурт ангидриди; Фарғона, Андижон саноат марказларида газсимон углеводородлар кўплаб миқдорда ҳавога чиқиб ётибди.

Заҳарли газлар ажралиб чиқишининг олдини олишда ёнилғини заҳарли моддалар ҳосил қилиши мумкин бўлган қўшимчалардан тозалаб ишлатиш, манбанинг ўзида ёнишни ёки технологик жараёни сошлаб туриш энг юқори самара беради. Масалан, ҳавога ташланадиган олтингургурт ангидридининг 70 фоиздан ортиғи ёнилғи ёнишидан ҳосил бўлади, шунинг учун ёнилғини олтингургуртдан тозалаб ишлатиш атмосфера ифлосланишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Кафедрамиз олимлари томонидан қилинган таҳлил шунини кўрсатадики, агар жумҳурият халқ ҳўжалигида ишлатиладиган ёнилғи олтингургуртдан тозаланмас экан, 1990 йилнинг ўзида ҳавога чиқариб юбориладиган газ (олтингургуртга нисбатан олганда) қарийб 645 миңг тоннани ташкил этади. 2010 йилга бориб эса фақат табиий газ, кўмир ва мазут ёқилганда ташланадиган газ 950 миңг тоннадан ортиқ бўлиши кутилади.

Ёнилғидан олтингургуртни ажратиб олиб ишлатишнинг нафақат атмосфера муҳофазасида, балки саноатни олтингургурт билан таъминлашда ҳам аҳамияти катта. Бинобарин, табиий газ ва кўмирдан олтингургуртни имкони борида тўлароқ ажратиб олишнинг қулай ва арзон усулларини яратиш жоиз.

Ҳаво ҳавзаси ифлосланишининг

олдини олишда заҳарли газларни манбанинг ўзида йўқ қилиш биринчи навбатдаги, лекин ҳал қилиниши кўп ҳолларда мумкин бўлмаган масаладир. Шунинг учун заҳарли газ ҳосил бўлишининг олдини олиш билан бир қаторда заҳарсизлантирадиган ёки газни заҳарли аралашмалардан тозалайдиган қурилмалар яратиш лозим. Бунда қўлланадиган усуллар заҳарли газнинг физик ва кимёвий хоссаларига, миқдорига ва шу sanoat корхонасидаги шароитга боғлиқ.

Ташландиқ газни хоҳ айрим заҳарли моддалардан, хоҳ уларнинг аралашмаларидан кам энергия сарф қилиб, нисбатан паст ҳароратда, меъёр даражасида тозалашда катализ усули қўл келади.

Бу ўринда кафедрамиз олимлари ишлаб чиққан ва sanoatнинг турли тармоқларида жорий этилиши режалаштирилган баъзи ишларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Аввало таркибида ис газ, газсимон углеводородлар ва олтингургурт ангидриди бўлган чиқинди газларни заҳарсизлантириш ва тозалаш хусусида. Бундай газлар нефтни қайта ишлаш sanoati, энергетика ва бошқа қатор sanoat тармоқларида чиқинди сифатида ҳавога чиқарилади. Таркибида бир пайтнинг ўзида ўзаро физик ва кимёвий хоссалари бўйича кескин фарқ қиладиган учта газни тозалашда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида икки босқичли катализ усул яратилди.

Биринчи босқичдаги катализатор иштирокида ис газ ва газсимон углеводородлар, карбонат ангидрид ва сув буғигача тўла оксидланади. Олтингургурт ангидриди қисман библинчи босқичда, асосан эса иккинчи босқичда олтингургурт (VI) оксидига айланади. Уни енгил ютиладиган газ бўлганидан сув ва бошқа суюқлик ёрдамида тўтиб қолиш осон. Биринчи босқичда кам миқдорда палладий ёки платинали, иккинчи босқичда ванадийли катализатор қўллаш мумкин. Бу усул учун алоҳида катализатор тайёрлаш талаб қилинмайди. Бунда нефтни реформинг қилишда ишлатилган ва шу жараён учун яроқсиз бўлган алюминий-платинали ёки ишлаб чиқарилиши sanoat кўламида йўлга қўйилган, палладийли катализатор ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш sanoatда қўлланадиган ванадийли катализаторни ишлатиш тавсия қилинади.

Лаборатория ва тажриба қурилмаларида олинган натижалар асосида битум ишлаб чиқариш sanoatда чиқинди газларни тозалаш қурилмасининг лойиҳаси яратилди ва sanoat кўламида жорий қилинди.

Нефтни қайта ишлаш натижасида ҳавога чиқарилаётган газ кўп компонентли бўлиб, таркибида бир пайтнинг ўзида 4 хил заҳарли газ мавжуд. Уларнинг миқдори меъёрдагидан бир неча баробар кўп. Лекин кези келганда шунини таъкидлаш лозимки, тегишли ташкилотлар томони-



Кимё технологияси лабораториясида чиқинди газларни азот оксидларидан тозалашнинг лаборатория қурилмасида тадқиқот олиб борилаяпти.

дан ишлаб чиқилган меъёр айрим-айрим газларнинг таъсирини алоҳида ўрганиш натижасида белгиланган. Ваҳоланки, ҳавода бир неча хил заҳарли газ бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлиб, миқдори меъёрдагидан пастлигига қарамай, таъсири кучлироқ бўлади. Шу сабабли ҳамда атмосферада заҳарли газлар маълум миқдорда йиғилганини ҳисобга олиб, меъёрларни қайта кўриб чиқишни экологиядаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаш лозим.

Энди таркибида формальдегид бўлган чиқинди газларни зарарсизлантириш масаласига ўтайлик. Формальдегидни ҳавога чиқарадиган манбалардан бири Тошкентдаги «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Бу ерда мебель плиткаларига фенол-формальдегидли қатрон шимдиришда ва шу қатронни тайёрлашда газсимон формальдегид ажралиб чиқади. Корхонадаги вентиляция бу газни ҳаво билан қўшиб сўриб олиб атмосферага ташлайди. Бунда умумий ташландиқ газ миқдори соатига 100 минг куб метрдан ортиқ бўлиб, ҳар куб метрда 60—340 миллиграмм миқдорда формальдегид бор. Манба аҳоли зич яшайдиган жойда бўлгани учун ҳам ўта зарарлидир.

Ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатадики, формальдегид 380—400 даража ҳароратда кам миқдорда — 0,05 фоиз палладийга бўлган алюминий оксиди асосидаги катализаторда безарар моддаларга осонгина айланади.

Шу ўринда журналхон эътиборини яна бир саволга жалб қилмоқчимиз. Хоҳ формальдегиддан, хоҳ бошқа заҳарли газлардан тозалаш даражаси неча фоиз бўлиши керак ва у нималарга боғлиқ? Маълумки, газнинг тарқалиш даражаси миқдorigа, ҳароратга, шамолнинг тезлиги ва йўналишига, мўрконнинг баландлигига боғлиқ. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам атмосферанинг ерга яқин қатламидаги заҳарли газ миқдори меъёрдагидан кўпайишига йўл қўймастик керак, бунинг учун эса санитария талабларига жавоб берадиган даражада тозалашга эришмоқ керак.

Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, заҳарли газнинг нисбий миқдори қанчалик юқори бўлса тозалаш даражаси шунчалик юксак бўлиши керак. Масалан, баландлиги 14 метрли мўркондан соатига 150000 куб метр миқдорда чиқарилаётган ҳар куб метр газда 10 миллиграмм формальдегид бўлса, санитар тозалаш даражаси 28 фоиз, 300 миллиграмм бўлса 97,6 фоизни ташкил этади. Sanoat кўламида жорий этилган зарарсизлантириш қурилмасида эришилган тозалаш даражаси санитар тозалаш даражаси талабларига мутлоқ жавоб беради. «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасида ташландиқ газдаги формальдегиднинг халқ хўжалигига келтирадиган зарарини камайтиришдан ва арзон катализаторни жорий этишдан олинган соф иқтисодий самара 350 минг сўмдан ортиқ.

Таркибида азот оксидлари бўлган газларни зарарсизлантириш устида сўзлаганда шунини таъкидлаш керакки, sanoatда азот оксидларининг асосий қисмини азот ҳамда нитрозил сульфат кислотаси ишлаб чиқарувчи гидрометаллургия цехлари ҳавога чиқаради.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида азот кислотаси ишлаб чиқариш sanoati учун паст ҳароратдаги тозалаш усули, нитрозил сульфат кислотаси ишлаб чиқариш учун икки босқичли тозалаш усули яратилди. Бунда қайтарувчи газ сифатида водородли чиқинди газлар ёки табиий газга сув буғи билан ишлов берилганда ҳосил бўладиган газлар аралашмаси қўлланиши мумкин. Усулнинг афзаллиги шундаки, кимёвий жараён натижасида ҳеч қандай қўшимча заҳарли газ ҳосил бўлмайди, жараён нисбатан паст ҳароратда бошланади, водород сарфи эса стехиометрия меъёридан анча паст бўлади.

Азот оксидларидан тозалашнинг икки босқичли усули Италиянинг «СНИА вискоза» фирмаси томонидан тавсия этилган ва капролактама ишлаб чиқаришда қўлланиши кўзда тутилган, лекин ҳали ишга туширилмаган қурилма ўрнига таклиф этилди. Азот оксидларини шу усулда қайтартириш учун тозаланаётган газнинг таркибида мавжуд бўлган циклогексан ишлатилади. Қўшимча қайтаргич газ эса иккинчи босқичдан олдин берилади. Лаборатория ва тажриба-sanoat кўламида ўтказилган тадқиқотлар бу усулнинг юқори самарадорлигини тасдиқлади. Бунда газ бир пайтнинг ўзида уч заҳарли қисм: азот оксидлари, газсимон циклогексан ва ис газдан тозаланади.

1990 йили ишга туширилиши режалаштирилган sanoat қурилмаси соатига 20 минг куб метр газни тозалаш қувватига эга бўлиб, халқ хўжалигига бир йилда келтирадиган ижтимоий-иқтисодий самараси 410 минг сўмни ташкил этади.

Атроф-муҳит муҳофазасида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш корхо-

АЖДОДЛАРИМИЗ МАЙМУНДАН ТАРҚАМАГАН

«Одам маймунми ёки фаришта! Милорд, мен буткул фаришталар томонидаман». Инглиз табиатшунос олими Ч. Дарвиннинг эволюцион назарияси вужудга келгач, Англия давлат арбоби ва ёзувчи Б. Дизраэли юқоридаги фикрларни айтиб, ўзини ва маслакдошларини овутиганига бир асрдан ошди.

Ч. Дарвин таълимоти биологияда инқилобий ўзгариш ясабгина қолмай, айна чоғда асрлар мобайнида жумбоқ бўлиб келган муаммо — одамнинг пайдо бўлиши ва шаклланишини илмий асосга йўналтирди. Бироқ, бир аср муқаддам бўлганидек, ҳозир ҳам бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда ҳам одамзоднинг аждоди маймун дейишни ўзига раво кўрмай келаётган одамлар кўп.

Уларни тинчлантириш учун даставвал шуни айтмоқчиман: Ч. Дарвин 1871 йилда нашр этилган машҳур «Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиши» асарининг бирор жойида одам тўғридан-тўғри маймундан келиб чиққан, деган фикрни асло айтган эмас; у одам қандайдир мўъжиза бўлмай, балки ҳайвонот олами қонуний ривожланишининг маҳсули эканини,

сут эмизувчилар турига мансублигини исботлашга уринган. Одам «скелетидаги барча суяклари маймун, кўрсичқон ёки тюлень суякларига жуда ўхшаб кетади», деган эди у.

Ч. Дарвин яна ушбу масалага ҳам эътиборни жалб этган: «Танаси ёки кучи катта-кичиклигига нисбат бериладиган бўлса, одам маймуннинг камчил тури, чунончи шимпанзе ёки шунга ўхшаш горилладанми келиб чиққанлигини биз билмаймиз». «Шунинг учун ҳам, — деб тахмин қилади у, — одам учун нисбатан кучсизроқ шакллардан вужудга келиш ниҳоятда афзал эди». Ч. Дарвиннинг фикрича, жисмоний жиҳатдан кучли эмаслик, зарур даражада югура олмаслик, табиий химоя қуролининг йўқлиги ва бошқалар, биринчидан, одамнинг ақлий қобилиятини, иккинчидан, яқинларига ёрдам беришга қаратилган муносабатларни тақозо этарди. Одамнинг пайдо бўлишида мия эволюциясининг ҳал қилувчи роли ҳақида Ч. Дарвин бундай дейди: «Одамнинг қадимий аждоди ақл жиҳатидан ва, шунингдек, эҳтимолки, ижтимоий хислатлари жиҳатидан, ҳеч шубҳасиз, ҳозир мавжуд бўлиб турган энг дағал

ёввойи одамлардан ҳам куйи турган; аммо унда ваҳшиёна хислатлар, чунончи дарахтларга чиқиш ва ҳоказолар аста-секин йўқолиб, ақлий жиҳатдан ривожланиш асосида яшаш ва ҳатто фаровонликка эриша олганликларини англаб етиш қийин эмас».

Дарвин одам «қандайдир куйи шаклдан», «одамсимон маймундан», «одамнинг маймунсифат аждодидан» каби ибораларни қўллаш тасодифий ҳол эмас. Чунки унинг ихтиёрида замонавий табиётшунослик фанлари эга бўлган илмий далиллар йўқ эди. Биобарин, олим бу масалаларда тахмин қилишдан бошқа воситага эга эмас эди. Аммо Дарвиннинг қарашларида зинҳор-базинҳор одам маймундан тарқалган, деган маъно йўқ.

Дарвиннинг кузатиш ва интуицияга асосланган, даврнинг жуда кучли синовларидан ўта олган эволюцион таълимоти бир жойда қотиб қолмади, албатта. Унинг назарияси ҳозиргача фан оламида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, олимларни изланишга, одамнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий ҳақиқатни топишга даъват этади.

Айниқса Ф. Энгельснинг инсоннинг ҳайвонот оламини ажраб чиқишида меҳнатнинг ҳал қилувчи роль ўйнаганини исботлашга қаратилган таълимоти фан учун янги уфқ очди. Ч. Дарвиннинг машқ қилиш ва машқ қилмаслигининг организмга таъсири тўғрисидаги қондаси Ф. Энгельс томонидан ривожлантирилиб, меҳнат тўғрисида сут эмизувчиларнинг махсус тури ҳайвонот оламидан ажраб чиққанлиги материалистик диалектика нуқтаи назаридан асосланди.

Тўғри фикрлар асосида фаолият йўналишини белгилаш ижтимоий тараққиётга қанчалар зарар етказганини қайта қуриш ва ошкоралик даври бошлангач, равшанроқ тасаввур эта

наларнинг чиқиндиси — фосфогипс — ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Фосфогипс қайта ишланганда олтингурт оксидларидан ташқари ис газни ва фтор бирикмалари ҳам ажралиб чиқади. Олтингурт оксидларидан сульфат кислотасини катализ усули билан олишда фтор бирикмалари ишлатиладиган катализаторларни жуда тез заҳарлайди. Кафедрамиз олимлари фосфогипс куйдирилганда ҳосил бўладиган газларни сульфат кислотасига қайта ишлашнинг янги усулини яратишди. Бу усулга асосан газлар аралашмаси аввал фторга чидамли, темир оксидли катализатордан ўтказиб юттириш минорасига юборилади. Натижада газ жараённинг кейинги босқичларига фтордан тозаланиб боради. Бу усулни амалга ошириш учун фторга чидамли катализаторлар яратилди ва жараённинг технологик параметрлари ўрганилди. Сульфат кислотаси ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида ишлатиладиган олтингуртнинг фосфогипс куйдиргандаги чиқинди газларга алмаштиришдан келадиган фойда одатдаги қувватга эга

бўлган битта цех миқёсида 630 минг сўм самара беради.

Ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш борасида бажарилган ишлар таҳлили муҳим бир хулосага олиб келди. Саноатда ҳеч қандай чиқинди бўлмаслиги керак, унинг бир тармоғидаги чиқинди модда бошқа тармоғида хом ашё сифатида ёки атроф-муҳитга зарарли бўлган чиқиндиларни зарарсизлантириш учун ишлатилиши мумкин.

Саноат зоналарини лойиҳалаштиришда ушбу хулосага амал қилиш газсимон, қаттиқ ва суяқ чиқиндилар миқдорини кескин камайтириш имконини беради. Юқорида қайд этилганлар ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилишда бажарилган ишларнинг бир қисми, холос. Жумҳуриятимизда мавжуд 65 минг манбадан ташланаётган миллионлаб куб метр газни заҳарсизлантириш учун эса кенг кўламда тадқиқот олиб бориш талаб қилинади.

Тадқиқот ўтказиладиган лабораториялар кўп соҳали бўлиши лозим, чунки ҳар бир манбада чиқинди газни тозалаш учун ўзига хос усул ва

технологияни қўллашга тўғри келади. Бунда асосий ўринлардан бирини экологик катализ эгаллайди.

Жумҳурият Фанлар академиясида ва олий ўқув юртларида катализ ва экологик катализ лабораторияларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумҳуриятимизда шу йўналишда асосли тадқиқот ўтказадиган биронта илмий лаборатория ва бўлим йўқлиги кишини таажжубга солади. Чунки бу муаммоларни ҳал этишда бир қолипдаги ечим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳар бир ватанпарвар киши биз келажак авлодларга қолдиришимиз керак бўлган энг қимматли мерослардан бири бокира табиат, шу жумладан соф ҳаво бўлмоғи кераклигини ёдидан чиқармаслиги зарур.

Абдулла ДАДАХУЖАЕВ,
Тошкент Политехника институтининг
Чирчиқ факультети декани, техника
фанлари доктори,
профессор.

«Одам маймундан тарқомаган, одам нимадан пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди»,— деди биология ўқитувчимиз. Илтимос, шу мавзуда мақола ёритсангиз.

Хуршида ОТАМУРДОВА,
Фориш ноҳиясидаги Учулоч қасабасидан.

бошладик. Илмий фикрлар, ҳатто илмий фаразларни ўзгармас ҳақиқатлар сифатида қабул қилиш, айниқса фанда номи чиққан арбоблардан ўрганиш ўрнига уларга сиғиниш илмий тафаккур ривожини йўлида жуда катта ғов эканини англаш вақти келди. К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз таълимотлари ақида (догма) эмас, балки ҳаракат учун қўлланма эканлигини кўп марта таъкидлашгани бежиз эмас. Улар ижодий характерга эга бўлган ва шу жиҳатдан илгариги барча фалсафий системалардан фарқ қиладиган ўз таълимотларини ақидага, ўзига хос сиғиниш манбаига айлантириб юбориш хавфи борлигини сезишган кўринади.

Ф. Энгельс «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли» очеркининг дастлабки қисмини 1876 йилда ёзган ва чалалигача қолдирган; 19 йил бадалда уни яна қўлига олиб, охирига етказиб қўйишни лозим топмаган. Афтидан, бунга етарли илмий далиллар йўқлиги сабаб бўлгандир. Фақат вафотидан бир йил ўтгач, журналда ана шу асар тугалланмаган, чала бўлса-да, чоп этилган. Ф. Энгельс ўз асарида «...биз маълум маънода одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтирди, деб айтмоғимиз керак», дейди. Илмий адабиётларда, хусусан тарғиботчилар томонидан Ф. Энгельснинг «маълум маънода» деган писандаси бир четга суриб қўйилиб, гўё одамни тўғридан-тўғри меҳнат яратган, дейиш даражасига бориб етилди. Шунга кўра, гўё маймун тик турган, сўнгра олд оёғи — қўлларини ишга солиб, тош ёки ёғоч қурол ёрдамида ҳаёт кечиришга ўтгач, унда онг пайдо бўлган ва шу тариқа у меҳнатга киришиб кетган ва жамият бўлиб яшаш натижасида ҳозирги замон одамга айлангану қолган! Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳозирда кенг тарқалган бу тасаввур ислом ва насроний динларида ҳудо томонидан Одам Атони вужудга келтириш «усули»дан жуда кам фарқ қилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида одамзод қаерда вужудга келгани фан учун аниқ бўлмаган. Бинобарин, Дарвин ҳам, Энгельс ҳам тахмин қилишга мажбур бўлишади. Сўнгра, Энгельс одам тўғридан-тўғри маймундан келиб чиққан, деган қатъий фикр билдирмайди, балки «одамсимон маймунларнинг жуда тараққий қилган насли» ҳақида мулоҳаза юритади. Яна, Энгельс «Дарвин бизнинг ота-бобола-римизни тахминан тасвирлаб берди»

дейди, аммо илмий асослади, демайди. Ф. Энгельс одамнинг маймундан сифат жиҳатидан фарқ қилишига эътиборни жалб этади: «Суюк ва мускулларнинг сони ва умумий жойлашуви ҳар иккаласида бирдек бўлса-да, ҳатто энг дастлабки ёвойи одамнинг қўли ҳеч бир маймун қила олмайдиган юзларча ишларни бажаришга қобил бўлган. Бирорта маймун ўз қўли билан ҳатто энг қўпол тош-пичоқни ҳам ҳеч қачон ясаган эмас». Демак, дастлабки қўпол тошқурол ясашга ва ундан фойдаланишга ақли етган аждодларимизни маймун деб бўладими!

Ф. Энгельс «Биринчи чақмоқтош одам қўли билан пичоққа айлангунгача, эҳтимол, шундай узоқ давр ўтиши лозим бўлгандирки, унга нисбатан бизга маълум бўлган тарихий давр жуда қисқадир», дейди. Бу фикрлар ҳам тахминга асосланган. Чунки у даврда табиётшунослик фанлари мазкур масалаларга ойдинлик киритиш учун энди илк қадамлар қўяётган эди. Шундай бўлса-да, Ф. Энгельс биринчи тош қурол вужудга келгунга қадар жуда узоқ давр ўтганини тахмин қилади.

Ф. Энгельс ҳам, Ч. Дарвин ҳам бевосита бўлмаса-да, билвосита одамнинг ҳайвонот олаmidан ажраб чиқишида мия ва унинг функцияси бўлган онгинг роли борлигини эътироф этишган. Лекин уларнинг ихтиёринда ҳозир маълум бўлган одамсимонлар ва маймунлар, улар эволюциясини аниқлаш имконини берадиган археологик топилдиқлар — бош ва тана суюклари йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар ҳайвонот олаmidан ажраб чиқа бошлаган мавжудот, айниқса унинг бош суюғи қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввурга эга эмас эди.

«Охириги ҳайвон» билан «биринчи одам» ўртасидаги чегарани аниқлашга уриниш беҳуда машғулот бўлур эди. Қазилма бош ва тана суюклари, аждодларимиз ишлатган меҳнат қуроллари ёрдамида ҳозирги замон одами эволюцияси ҳақида илмий хулосалар чиқариш мумкин. Булар асосан XX асрда топилди, илмий таҳлил қилина бошлади.

Дастлаб оддий тошдан иш қуроли ясашга ва унинг ёрдамида озиқ-овқат топиш, ўзини ҳимоя қилишга ўргана бошлаган одамсимонларни австралопитек (жанубий одам) дейилади. Улар 4—5 миллион йил муқаддам яшаган. Энг қадимги австралопитекларнинг бош мия ҳажми 350 куб сантиметр бўлиб, кейинчалик 450—750 куб см. га етган, яъни ҳозирги одамсимон маймун — горилланинг миясидан анча кенг бўлган. Явадан топилган калла суюғи ҳажми 800 куб см., питекантропларда 750—900 куб. см., синантроп [хитой одами]да 915—1225 куб. см., Африка неандерталида 1610 куб. см. бўлган. Ҳозирги одамнинг бош мия ҳажми ўртача 1446 куб. см. Шунинг айтиш керакки, иш элементлари учун бош мия ҳажмидан кўра унинг тузилиши муҳимдир. Одам мияси ниҳоят-

да мураккаб тузилишга эга бўлиб, шунга мувофиқ ундаги ассоциациялар ҳайвонларникидан тубдан фарқ қилади. Ассоциациялар мия фаолиятининг асосий, марказий механизми ҳисобланади.

Ер юзиде 2 миллион хилдан зиёд организм мавжуд. Уларни бир-биридан бевосита келиб чиққан дейиш нотўғри. Табиат ўзи янги турларни вужудга келтириш қобилиятига эга. Агар шундай бўлмаганда, организмлар турлари бармоқ билан санарли бўларди. Турлар ва улар ичидаги организмларни бир-биридан бевосита ўсиб чиққан деб қараш эволюцион назарияни соддалаштириш бўлур эди. Ухшашлик айнанлик эмас, зеро айнанлиқнинг ўзида ҳам тафовут мавжуд. Ухшашликка материалистик диалектика нуқтаи назаридан ёндашилмаса, кулгили хулосалар чиқиши мумкин. Чунки, эчкидан мол, эшакдан от, сичқондан каламуш, мушукдан йўлбарс эволюцион тараққиёт тўғрисида келиб чиққан, деган тасаввур юзага келиши мумкинки, бу илмга хилофдир.

Сут эмизувчилар орасида маймун организмнинг тузилиши муайян маънода хатти-ҳаракати (табiiй қуроллардан ҳам баъзан фойдаланиши, товуш, юз ифодаси ёрдамида алоқа қилиши, мантиқий фикрлаш унсурини эгаллиги ва ҳоказолар) жиҳатидан одамга ўхшаш жиҳатлари бор. Шу ўхшашликка таяниб, одам бевосита маймундан, унинг олд оёғини ишлатиб тик туриши ва қурол ишлатиши самараси ўлароқ келиб чиққан дейиш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Барча ҳайвонлар «меҳнат қилиб» озиқ-овқат топади, баъзилари бошпана қуради, айримлари ҳимоя учун тош ва таёқдан фойдаланади. Содда тарзда бўлса-да, айримлари овоз чиқариб ўзаро алоқа қилади. Масалан, отда 100 га яқин товуш, тўтқишда 500—600 тача «сўз» ифодаси борлиги аниқланган. Бироқ, уларнинг меҳнати, иш қуролларидан фойдаланиши, «тиллари» ҳам борлиги, баъзилари икки оёқлаб бемалол юра олиши организмларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмаган. Чунки уларнинг бундай хатти-ҳаракатларида нисонга хос онглилик йўқ.

Хулоса шуки, одам сут эмизувчи ҳайвонлар турининг махсус шаклдир; экологик ўзгаришлар тўғрисида мия яримшарларида содир бўлган жиддий ўзгаришлар аста-секин бутун организмнинг ўзгаришига, ўз навбатида организмнинг яшаш учун курашга мослашуви миянинг тобора ҳажми жиҳатидан кенгайиб, структура жиҳатидан мураккаблашишига сабаб бўлган. Сўнги ўн минг йилликлар ичида одам мияси ҳажми ўзгармаса ҳам, аммо унинг тузилиши мураккаблашиб борган, чунки ақлий меҳнат салмоғининг ошиб бориши мия машинининг тобора ортишига олиб келган.

Иброҳим КАРИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

РУС ШОВИНИСТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ КАДРЛАР

1917 йилги Октябрь қуроли қўзғолони миллий, мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш, миллатлар ва элатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлини кўрсатиб бергани билан, бу тарихий воқеа инқилобчиларнинг кўпгина орзумидларини рўёбга чиқара олмади. Албатта, бунинг сабабларини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Туркистон ўлкаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда аҳолининг миллий таркиби сонига мутаносиб равишда вакиллик қилишга риоя этилмади. Бу эса, партиянинг миллий сиёсатига зид бўлиб, аҳоли кўз ўнгига янги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эски мустамлакачилик сиёсатини давом эттиряпти, маҳаллий миллат ва элатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилмади, деган тасаввурнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Шу боис РКП (б) Марказий Комитетининг 1919 йил 10 июль куни «Мутаносиб вакиллик тўғрисида» қабул қилган қарори тарихига тўхталиб ўтмоқчимиз. Энг аввало, мазкур қарор В. И. Лениннинг шахсий иштирокида қабул қилиниб, унинг тўлиқ матни 1919 йил 12 июлида Туркистон Компартияси ўлка Комитетига ва ТАССР Марказий Ижроия Комитетига радио орқали етказилди. Ушбу қарорда жумладан бундай дейилган эди: «... Коммунистик партиянинг XII съездида қабул қилинган дастурга асосан ва ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг Шарқдаги сиёсати манфаатларини кўзда тутиб, Туркистондаги маҳаллий аҳолини давлат фаолиятига кенг жалб этиш зарур. Барча маҳаллий кишиларнинг партияга мансуб бўлиши шарт қилиб қўйилмай, балки номзодларнинг мусулмон ишчи ташкилотлари томонидан кўрсатилиши билан қаноатланиш керак. Ўлка мусулмон ташкилотларининг розилигисиз мусулмонларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш тўхтатилсин, қарама-қаршиликни вужудга келтирадиган ҳар қандай низоларга йўл қўйилмасин. Туркистоннинг илғор рус пролетариати ўзининг инқилобий бурчини бажаради, Марказий ҳукумат томонидан белгиланган мақсадларини амалга ошириш учун бутун чораларни кўради, деб умид қиламиз. Бу қарорнинг бажарилиши тўғрисида хабар қилинг. Россия Коммунистик партияси Марказий Комитети».

Мазкур қарор чоризмнинг собиқ мустамлакаси ҳисобланган Туркистон халқларини давлатни бошқариш ишига кенг жалб қилиш мақсадида қабул қилинган эди. Бунга сабаб шуки, Туркистон Компартияси ва Совет ташкилотлари ленинча миллий сиёсат асосида маҳаллий аҳолини жумхуриятни бошқариш ишига жалб қилиш масаласига эътибор бермай, бу ишга панжа орасидан қараб келди, натижада халқ орасида Совет ҳокимиятга қарши норозилик кайфияти уйғонди. Гап шундаки, Октябрь инқилоби пролетариатнинг социалистик ҳаракати билан бирга миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, мустамлакачилик ва ижтимоий зулмдан тўлиқ озод бўлиши, миллий-озодлик инқилоби шиори остида ғалаба қозongan эди. Мазкур инқилобда қатнашган ички инқилобий кучларнинг энг муҳим мақсадларидан бири ўз ўлкасининг хўжайини бўлиш, уни бошқариш эди. Афсуски, бу мақсад инқилобнинг илк йилларида амалга ошмади. 1917 йил 15—21 ноябрида ўтган Туркистон ўлкаси Советларининг III съезди Туркистон Халқ Комиссарлари Советини тузди, унга 7 большевик ва максималист, 8 сўл эсер сайланиб, ҳаммаси европали шахслар бўлиб, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, тили, бу ерда таркиб топган иқтисодий-сиёсий муносабатларни, диний анъаналарнинг кучли эканини билмайдиган, тасодифий кишилар эди. Улар кейинчалик ўтмишда тарихан ташкил топган муносабатларни емиришга киришганда ҳеч нарса билан ҳисоблашмади, босиб олинган мамлакатда ғолибинг хоҳиш-иродаси мажбурий, қабилида ҳаракат қилишди. Маҳаллий аҳоли янги ижтимоий қурилиш йўлини, ҳаётни ўзгартириш ишини дарҳол бошқаришга қодир бўлмаган пода... деб ҳисоблашди.

Энди Туркистон ўлкаси Советларининг III съездида қайтайлик. Мазкур съезд ўлкада Совет ҳокимияти ишчи ва деҳқон депутатлари қўлига ўтади, деб эълон қилди. Лекин Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советига маҳаллий аҳолидан бирор киши сайланмади. Бунинг устига бу съезд большевиклар ва максималистлар фракцияси тақдим қилган нотўғри резолюцияни қабул қилди. Бу резолюцияда «маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли» улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги ҳақида ёзилган эди. Бунинг устига ўша пайтда ўлкада майда мулк эгалари партияси бўлмиш сўл эсерлар партиясининг таъсири кучли бўлиб, улар ҳаммадан кўра кўпроқ шовинизм ғояси билан захарланган эди.

Бундай салбий ҳолат 1918 йил январидан ўтган ўлка Советларининг IV съездида ҳам давом этди. Сўл эсерлар партиясининг бошлиқларидан бири, ўта шовинист К. Я Успенский очикдан-очик бундай деди: «Уртоқ мусулмонлар! Шунинг билангизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва, тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак!» Сўзларидан маълум бўлиб турибдики, у миллатлар ва элатларнинг тенгҳуқуқлилиги тўғрисидаги ленинча миллий сиёсат ўрнига шовинистик сиёсатни илгари сурган.

Туркистон большевик ташкилотларининг занфлиги, улар сафларини мустамлакачилик, шовинистик унсурлар ҳамда миллатчилар булғанлиги туфайли миллий масалада жиддий хатолар бўлди. [Туркистоннинг Ўлка партия ва Совет органларига кўплаб ўрнашиб олган бу унсурларга қарши курашиш узоқ вақт давом этди.] Маҳаллий аҳоли вакилларини партия ва Совет органларига жалб қилишдан, Туркистоннинг Совет Мухторияти деб эълон қилинишдан воз кечтириш шу жумладандир. Бундай нотўғри сиёсатни тузатиш [энг аввало миллий масалада] мақсадида марказдан бир неча марта тегишли кўрсатмалар берилди ва бошқа чоралар кўрилди.

Шовинизм босмачиликка қарши кураш баҳонасида миллий адоватни кучайтириш, рус қулоқларининг Монстров бошчилигидаги отрядини қуроллантириш, маҳаллий меҳнаткашларни ўлкани бошқариш ишидан четлаштиришда, партия ва совет ташкилотларидаги бошқарув ишларига фақатгина русларни қўйишда ёрқин кўринди. Шовинизмга жавоб сифатида миллий буржуа миллатчилиги вужудга келди. В. И. Ленин «Великорус шовинизмининг разил ва ифлос хурофотларини» фош қилиб ташлаб, бундай деб ёзган эди: «... биз великорус коммунистлари, ўз ораимиздаги великорус миллатчилигининг энг кичик кўринишларини ҳам жуда аёвсизлик билан таъқиб қилишимиз керак, чунки бу кўринишлар, умуман олганда, коммунизмга хиёнат».

Шундай шовинистлардан бири А. А. Казаков бўлиб, у 1919 йил 24 майида мусулмон коммунистларининг I-Ўлка конференциясида бундай деган эди: «Туркистон жумхуриятида 95% мусулмон ва фақатгина 5% руслар яшайди ва шу 5% фойз бутун ҳокимиятни деярли ўз қўлида ушлаб турибди. Шундай қилиб, озчилик ҳукмронлиги давом этмоқда. Лекин бу вақтинча ҳол. Мусулмон дунёси тайёр бўлгач, биз жумхуриятни бошқариш ишини унга топширамиз. Биз уларга ёрдам берамиз». Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси Казаков ва унинг аторфидаги шахслар маҳаллий аҳоли меҳнаткашлари ҳокимиятни бошқаришга «тайёр эмас» деган асоссиз уйдирмани ишга солди. Бошқа тоифадаги шовинистлар эса, ўлкадаги маҳаллий аҳоли орасида пролетариат йўқ, шу боис ўлка аҳолисини инқилобий жараёнга жалб қилиш мумкин эмас, деган асоссиз, нотўғри фикрни илгари сурди. Ана шундай шовинистлардан бири П. Г. Константинопольский 1919 йил июнида ўтган Туркистон Компартияси III съездида бундай деди: «Очик айтманки, Туркистонда пролетариат йўқ, яримпролетарлар бор, эзилган йўқсиллар бор, эзилган деҳқонлар бор, наза-

римизда, бу омма тарихий жараёни илгари сурадиган... инқилобий куч бўла олмайди». Съезд делегатлари шовинизм томон оғиб кетган П. Г. Константинопольский фикрини фош қилиб ташлади. 1919 йилнинг ўрталарида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 15 аъзосидан атиги 2 кишигина маҳаллий халқ фарзанди эди, холос.

Партия қурилишида ҳам европалик коммунистлар кўп ўринни эгаллаб келганлар, шу боис мутаносиб вакилликка рноя этилмаган, маҳаллий аҳоли меҳнаткашлари орасидан партия сафига қабул қилинганларни партия ташкилотларида раҳбар органларга жалб қилиш нисбати бузилган. Европаликлар аҳолининг атиги 5 фоизини ташкил қилган ҳолда, 1918—1919 йиллари ТКП сафидаги умумий коммунистларнинг 50 фоизи бу тоифага мансуб эди. Улка коммунистларининг I съездида (1918 йил 17—25 июнь) сайланган ТКП Марказий Қўмитасининг 7 аъзоси орасида биргина Низомиддин Хўжаев бор эди, холос. 1918—1919 йиллари кўпгина вилоят, шаҳар, уезд партия қўмитаси аппаратда маҳаллий миллат коммунистлари сайланмаган эди.

1919 йил майида I мусулмон коммунистларининг конференцияси мусулмон пролетариати икки томонлама — бир томондан Мадаминбек босмачиларининг ҳужумига, иккинчи томондан Совет ҳокимиятининг айрим аралаш отрядларининг тазйиқига дуч келди; маҳаллий аҳолини, биринчи галда мусулмон пролетариатини йўқ қилишга киришган арман дашноқлари партиясининг бебошлиги ва шафқатсизлиги кучайиб, бундай шароитда партия ташкилотларининг маданий-оқартув ташкилотлари тўғрисида кўринишида ишлашига тўғри келди.

Шовинистлар каби босмачиларининг ҳам заҳарли тиғи энг аввало мусулмон коммунистларига қарши қаратилди, 1918—1919 йиллари Туркистон Қўмитасининг кўпгина йирик шаҳарларидаги ташкилотлар аъзолари қуролланмаган эди. Улканинг давлат фаолиятининг эмас, балки партиявий ишни бошқаришга ҳам маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан коммунистлар етарли даражада мутаносиб вакиллик асосида жалб қилинмаганди. Бу эса халқ оммаси кўз ўнгиде янги тузум эски мустамлакачилик тартибининг давом эттираяпти, деган фикрини тўғдирди, мана шу ҳол босмачилик ҳаракатини келтириб чиқарган сабаблардан бири бўлди. Шовинистлар ерли аҳолини саводсизлик ва маданиятсизликда айблаб, унинг жумҳуриятни бошқаришга уқув етишмайди, деган асоссиз уйдирмани ишга солди. Ҳақиқатда эса Россия аҳолиси билан ерли аҳолининг маълумот даражасида деярли фарқ йўқ эди: 1897 йили Россияда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотида кўра, Россияда аҳолининг саводхонлиги — 21 фоиз, Туркистонда эса 19,55 фоиз бўлган.

Шовинистлар маҳаллий аҳолига, улар орасидан партия сафига кирганларга шубҳа билан қарар, фикри билан ҳисоблашмас, биргаликда ишлаш ўрнига уларни ҳар қандай воситалар билан ишдан четлаштиришга уринарди. Ленин йўлланмаси билан ўлкага келган П. А. Кобозев ерли аҳоли орасидан чиққан коммунистларни, моҳир ташкилотчиларни совет қурилишига жалб этишга ҳаракат қилди, лекин бу вазифани охирига етказишда у танҳолик қилди. 1919 йил 15 апрелида В. И. Ленин номига Тошкентдан юборилган телеграммада П. А. Кобозев «шахсан мудофаа позициясини эгаллашга мажбурман, чунки раҳбарликка суқилиб кирган буюк давлат шовинистлари маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини совет қурилишига жалб қилишни истамайдилар», деб таъкидлаган эди.

Бу ерда Совет ва партия қурилишида ерли халқларнинг миллий турмуш тарзи, иқтисодий шароити, тили, маданияти билан ҳисоблашмаслик низоларга сабаб бўларди. Шу жиҳатдан олганда, Туркистонда миллий давлат қурилиши мумамоси 1924 йилгача тўла ечилмай қолди.

Мутаносиб вакиллик тўғрисидаги ленинча принцип И. В. Сталин ва унинг теварагидаги шахслар томонидан бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули ҳукмрон бўлган даврда ҳам, ундан кейинги, айниқса, турғунлик мафкураси ва психологияси ҳукмрон бўлган йилларда ҳам бузилган эди. Бу ҳақда жумҳуриятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида инкор этиб бўлмайдиган кўплаб рақамларни, далилларни келтириш мумкин. Бу принцип бузилганлиги

нинг асосий сабабларидан бири жумҳурият номи билан аталган миллат тили — ўзбек тилининг бошқаришдаги вазифаси мутлақ чекланганлигидадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов УзССР Фанлар академиясида 1989 йил 28 ноябрь кўни бўлиб ўтган кенгашдаги нутқида ғоят тўғри таъкидлаб ўтганидек, «раҳбарларнинг анчагина қисми ҳозир ҳам кўп миллатли меҳнат коллективларини бошқариш учун етарли кўникмага, одамларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига, уларнинг кайфиятига, миллий омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш қобилиятига эга эмас.

Илгари биз бунинг негадир сезмас, ҳатто бундай вазиятга тоқат қилардик. Аммо ҳозир ана шу масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ҳаводек зарур, партия комитетларининг мафкуравий фаолияти бу фаолиятнинг шакли ва усуллари ана шу масалалар асосига қурилади. Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш ақидалар ва эски андазалардан ҳоли этилиши керак, биз янги ғояларни, қарашлар ва ёндашувларни кутмоқдамиз. Бизга тарих тўғрисида, миллатлараро соҳадаги муносабатларни ривожлантиришнинг реал жараёнлари ҳақида, ҳозирги вақтда кўзга ташланаётган қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келишига нималар сабаб бўлганлиги тўғрисида, аччиқ бўлса ҳам, холис ва тўла ҳақиқат керак».

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми қабул қилган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» [КПССнинг ҳаракат дастури]да «Кадрлар сиёсати совет кишиларининг Конституцияда белгилаб қўйилган гарантиялари ва ҳуқуқларига рноя этилиб ўтказилиши керак. Мамлакатда ва ҳар бир республикада яшаётган барча халқларнинг, ўз-ўзидан равшанки, одамларнинг ишчанлик ва профессионал фаолиятларини эътиборга олиб, ҳокимият, бошқарув, суд ва прокуратура органларида, хўжалик ва ижтимоий-маданий муассасаларга, жамоат ташкилотларига раҳбарликда вакиллик қилишларига интилиш, шу халқларнинг умумиттифоқ совет ва жамоат органларидаги иштирокни кенгайтириш зарур», деб кўрсатилади.

Ўзбекистонда партия, совет, давлат, жамоат ташкилотларида ишлаётган кадрлар ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз. Ҳозирги вақтда барча жабҳаларда бошқарув ишига лаёқатли, билимдон, истеъдодли ташкилотчи бўлган миллий кадрларнинг бир бутун авлоди етишиб чиқди. Бу муваффақият миллий ўз-ўзини англашнинг ўсганлигидан далолат бериб, кадрлар масаласига бутунлай янгича ёндошиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан тўлиқ воз кечишини тақозо қилади.

Ўзбекистон ўзбеклар диёри, лекин бу диёрда турли миллат ва элатлар ҳам яшаб келмоқда, уларнинг ҳар бири миллий таркибининг сонига мутаносиб келадиган вакилликка эга бўлиши лозим. Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда ана шу мутаносиб вакиллик принципи рноя қилиш ҳозирги қайта қуриш даврининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу объектив зарур бўлган вазифани англамаслик миллий сиёсатда салбий оқибатларга олиб келади. Аҳоли миллий таркиби сонига яраша мутаносиб вакиллик масаласи сўнгги йиллардаги кўпгина ҳужжатларда акс этган.

Ҳозирги вақтда партия қўмиталарида иккинчи котиб масаласи кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Утмишдан мерос қолган ва муайян маънода маҳаллий коммунистларга ишончсизлик аломати ҳисобланган иккинчи котиблик лавозимига конкрет ёндошиш зарур. Бу лавозимни қишлоқ жойлардаги район партия қўмиталарида суний равишда сақлаб қолингалиги ҳозирги қайта қуриш талабига жавоб бермайди. Гап шундаки, одатда иккинчи котиблар маҳаллий аҳоли тилини, маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини, турмуш тарзини яхши билимайди. Шу боис улар бу жойларда умумий ишнинг олдга силжишига самарали ёрдам бера олишмайди. Лекин маҳаллий коммунистлардан ўзининг фаоллиги, ишчанлиги, қатъияти ва истеъдоди билан танилганларни, шунингдек, европалик коммунистларни

(Давоми 19-бетда)

ДАРЁ ЛИБОССИЗ КОЛСА

Орзимурод РАХМАТУЛЛАЕВ,
СамДУ география факультети доценти.

ЕР ЮЗИДАГИ ҳамма дарёлар ёқасида намликни сезувчи қалин дарахт ва буталар, ям-яшил ўтлар ўсиб ётади. Улар дарёларнинг бошланишидан охирига қадар қирғоқлар бўйлаб ўзига хос гўзал манзара ҳосил қилади. Урта Осиё дарё соҳилларидаги қамиш, чий, буталар ва дарахтлар ўсиб ётган жойларни тўқайзор деб юритамиз. Улар дарё ўзанини ҳар иккала томондан либосдек ўраб туради. Тўқайзорларнинг дарёлар учун аҳамияти бениҳоя каттадир.

Аввало уларнинг мустаҳкам томирлари қирғоқлар емирилишидан сақлайди, атрофидаги чанг ва турли ифлослардан дарё сувини ҳимоя қилади. Сувни буглатувчи шамол кучини сусайтиради ва сояси билан бугланишни камайтиради. Илгари кенг майдонни эгаллаган тўқайзорлар дарё сувини йил бўйи тартибга солиб турган, яъни дарёда сув кўпайганда бир қисм сув тўқайга ўтган, камайганда эса шу сувни тўқай дарёга қайтариб берган. Тўқайзорлар дарё сувини тозаланини сақлаб туради.

Зарафшон дарёси ҳозиргидек каналларга таралмасдан, ўзининг табиий ўзанидан оққан пайтлар ёз ойлар тошиб атрофни сув босган, натижада бу жойлар қалин тўқайзорлар билан қопланган. Ҳозир деҳқончилик қилинадиган Самарқанд, Бухоро ва Қорақўл воҳдаларининг қарийб ярим ери бир вақтлар тўқайзорлар билан банд бўлган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар кўп. Масалан, қадимги юнон тарихчиси Курций Руф Спитамен бошчилигидаги кўзгочлончиларнинг қалин тўқайзорларда яшириниб, тўсатдан Искандар Зулқарнайн аскарларига ҳужум қилиб катта талафот етказганини ёзиб қолдирган. Утган асрнинг охирида ҳам Зарафшон водийсида тўқайзорлар катта майдонни эгаллаган. Бу тўғрида бутун водийни кезиб, 1863

йили Самарқандга келган венгер сайёҳи Армени Вамбери шундай ёзиб қолдирган: «Зарафшон водийсида ўзбекларнинг қипчоқ ва хитой уруғлари яшайди ва улар амирга яхши итоат қилишмайди. Бу уруғларни амир тартибга қақира олмаслигининг сабаби — улар дарё соҳилидаги қалин тўқайзорлардаги хилват жойларни яхши билишади».

Россия Туркистонни босиб олгунга қадар (1868 йил) дарё ёқаларидаги пастқам зах жойларга шולי экилар ва вилоятда шולי экиладиган майдон пахта майдонига нисбатан анча кўп эди. Россия учун шוליга нисбатан пахта зарур эди. Шунинг учун ҳам зах ерлар қуритилиб, чангалзорлар қирқилиб, ўзлаштирилиб, пахта майдонларига айлантирила бошланди. Инқилобдан кейин дарё соҳилида зовурлар қазилиб, ботқоқликлар қуритилди, зах ерларнинг нами қочирилди, чангалзорлар йўқотилиб экин экилди.

Шунинг эътирофи этиш керакки, кўпгина хўжаликлар, кўп йиллар мобайнида пахта планини яширинча ер ҳисобида бажариб келишди. Натижада имкони борича деҳқончилик учун ноқулай деб ҳисобланган ерлар пахта учун ўзлаштирилиб, то дарё қирғоғига қадар чигит қадашди. Дарё ёқасидаги тошлоқ, шўри чиқиб ётган, пахта учун мутлақо яроқсиз ҳисобланган ерларда пахта экилганини жуда кўп кўрганмиз. Колхоз раҳбарлари: «Бу унумсиз ерларга пахта экишининг нима кераги бор!»— деган саволимизга: «Бир кило бўлса ҳам планга ёрдам»,— деб жавоб беришарди. Бир неча йилдан кейин бу яширинча ерлар ҳам колхоз ер фондига қўшилиб, колхоз яна «ўзлаштириладиган» ер ахтаришга тушарди. Шу йўл билан Зарафшон водийси тўқайзорлари буткул барҳам топди. Самарқанд вилоятида фақат Жомбой қўриқхонасидагина тўқайзор қолган. Агарда бу қўриқхона ташкил қилинмаганда эди, ҳозирги тўқайзорлар ўрни турли ташкилотларнинг қурилишлари ёки экинзорлар билан банд бўлар эди. Унда авлодларимизга дунёда фақат Зарафшонда учрайдиган тустовуқлардан бири — олтиранг Зарафшон тустовуғини ҳам, бебаҳо доривор ўсимлик — чакандани ҳам ва умуман ўзига хос табиатли тўқай манзарасини ҳам кўриш насиб қилмас эди. Бу соҳада шу дарё ёқасида қўриқхона ташкил қилиб, тўқайзорни сақлаб қолиш учун жонбозлик кўрсатган барча кишиларга, айниқса Самарқанд давлат университетини биология ва география факультетларининг олимларига қанча миннатдорчилик билдирсак оз. Агарда фурсатни озгина бой берсакми!!

Шу ерда яна бир муҳим масала устида фикр юритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Зарафшоннинг кўп жойларида дарё ўзанини кавлаб чуқурлатиб ва торайтириб канал шаклига келтирилмоқда. Бундан мақсад сувни тежаш. Бу ишнинг фойдасидан зарари катта. Чунки дарё тағидаги қум — шағалга сингган сувлар бошқа томонга ўтиб кетмайди; уларнинг бир қисми шағал ва қум тағидан оқиб дарёнинг қуйроқ қисмидан чиқиб яна дарёга қўшилади. Ерга сингган бошқа сувни эса биз артезиан қудуқлар билан оламиз. Дарёдаги сувнинг у қирғоқдан бу қирғоққа урилиб қум-шағалларни оқизиш, шулар орасидан оқшининг сувни тозалашда аҳамияти каттадир. Қум, шағал, лой сувни турли ифлословчи унсурлардан тозаловчи табиий филтёр ҳисобланади. Агар дарёни канал кўринишида тасаввур қилсак, унга қанча ифлос моддалар тушса, шунинг ҳаммаси тўғридан-тўғри Зарафшоннинг қуйи қисмига етиб боради. Демак, сув табиий ўзанидан оқши керак. Сув қум, лой, шағал орасидан оқиб, юзлаб тонна кимёвий моддаларни шулар орасида қолдириб, қуйига маълум даражада тозаланиб боради. Агар биз дарёнинг табиий йўлини ўзгартирсак, уни табиий тозаланишдан маҳрум этамиз. Ҳозирги кунда дарё сувига қанча нарсалар тушиб ифлосланаётганлиги эса ҳаммамизга маълум.

Дарё соҳилидаги табиий яшил майсазорлар, чакалзорлар атроф-муҳитга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Тўқайзорлардаги турли қушлар, ҳашарот ва баъзи бир ҳайвонлар экинзорларни турли зараркунандалардан тозалаб туради. Фойдали ҳашаротдан бу ерда хонқизил, олтинкўз, орнус йиртқич қандалалари, қаттиқ қанотлилар туркумига кирувчи тугмача қўнғизлар ва сассиқ қўнғиз, трихограмма, афеленус, габробракон, чивинлар кўплаб учар эдики, улар атроф экинзорлардаги турли зараркунанда

ҳашаротга қирғин келтирар эди. Кимёвий дориларнинг самолётлардан сепилавериши натижасида дарё соҳилидаги бу фойдали ҳашарот ҳам деярли қирилиб кетди. Ва аксинча айрим паразит ҳашарот кескин кўпайди. Тўқайсева қушларнинг фойдаси ҳақида гап юритмасак ҳам бўлади. Лекин бақанинг фойдаси ҳақида бир неча сўз айтиш лозим. Дарё тўқайзорларида ботқоқлар, кичик-кичик кўлмак сувлар кўплиги ва турли ҳашарот мўлллиги бақалар учун қулай шароит яратади. Бақалар жуда кўп ҳашаротга қирғин келтиради. Қушлар кундуз куни ов қилса, бақалар кечаси овга чиқади. АҚШда ҳар бир бақанинг 20—30 доллар фойда бериши, бир йил мобайнида эса 1 миллиард долларлик наф келтириши ҳисоблаб чиқилган. Сабзавот далагарини ҳашаротдан тозалаш учун ГДРда бақаларни махсус жойларда кўпайтириб кейин экинзорларга қўйиб юборишади. Демак, тўқайзорларни тикласак, экин далаларининг посбони ҳисобланган бақаларнинг кўпайиши учун йўл очган бўламиз. Бундан ташқари, тўқайзорлар турли фойдали ҳашаротнинг кўпайиб атрофга тарқаладиган табиий лабораторияси сифатида хизмат қиларди.

Кейинги йиллари Жомбой қўриқхонасининг тустовуқ жўжалари ичида майиб-мажруҳ нимжонлари кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мутахассислар бу сепилаётган захарли дорилар натижаси эканлигини айтишмоқда. Ҳақиқатан ҳам сепилаётган кучли дорилар тустовуқ озиқланадиган дарахтларнинг мевалари (жийда, чаканда, дўлана ва ҳоказо)ни, турли гиёҳларни захарламоқда. Ез ойлари деярли ёғин ёғмаслиги туфайли захарли дорилар то куз ёмғирингача дарахт барглари ва меваларида ҳам, ўт-ўланларда ҳам сақланиб қолади. Шулар билан озиқланадиган барча ҳашарот, парранда ва бошқа ҳайвонлар захарланмоқда. Юз минглаб гектар пахтазорлар устига сепилаётган минглаб тонна дориларнинг воҳада яшаётган кишиларга таъсири қандай экан! Бизда захарли дорилар ривожланган капиталистик мамлакатларга нисбатан 15—20 марта кўп ишлатилиши ва бунинг устига қуруқ иқлим шароитимизда уларнинг ҳавода, ерда, ўсимликларда узоқ муддат сақланиб туриши ҳисобга олинса, тустовуқлардаги майиб-мажруҳлик инсонга ҳам яқинлашяптимикан деган савол хаёлан кетмайди.

Тўқайзорларнинг яна иккита фойдали томони ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Агарда дарё ёқасидаги тўқайзорлар майдони кенгайса, бу жойлардан кишилар ёз ойлари дам оладиган ажойиб манзилгоҳ сифатида фойдаланишлари ҳам мумкин. (Шундай дам олиш зонаси ҳозир Панжакент шаҳри яқинида ташкил қилинган). Дарё ёқасида ҳовузлар қазилса, улар дарёдан қум-шағал орқали сизиб ўтадиган тиниқ сув билан тўлиб туради, қалин соя берувчи тўқай дарахтлари, табиий ям-яшил эич ўтлоқлар, ёз давомида гуллаб турадиган анвойи ўсимликлар дам олувчилар кайфиятини кўтарувчи ва ҳузур бағишловчи муҳим омиллардир. Манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазиб йўли билан тўқай табиатини янада жозибали қилиш мумкин.

Боши 17-бетда

ноҳия, шаҳар, вилоят партия қўмиталарига коммунистларнинг ўзлари демократик асосда, бир хил қоида асосида сайлашлари мумкин. Энг муҳим, демократик, ошқора йўл билан сайланганларга коммунистларнинг ҳам, халқнинг ҳам ишончи катта бўлади.

Булунғур ноҳия партия қўмитасининг иккинчи котиби Валентина Николаевна Усмонова — рус аёли, у Самарқанд Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган, ўзбек тилини, маҳаллий шароитни жуда ҳам яхши билади. У шу жойда, коммунистлар, жамоатчилик кўз ўнгида вояга етган, моҳир ташкилотчи бўлиб етишган. Бундайларни, албатта, партия қўмитасининг иккинчи котиблигига юқоридagi талаблар асосида сайласа арзийди. Шунинг таъкидлаш лозимки, умуман, жумҳуриятнинг барча шаҳар ва ноҳияларида тажрибали, халқ манфаатларини ҳимоя этадиган, ишбилармон кадрлар бор, уларни партия, совет ташкилотларига мутаносиб вакиллик асосида сайлаш лозим.

Мутаносиб вакиллик принципи бўйича кадрларни тан-

ҳозиргача жумҳуриятимизда меҳнаткашлар дам оладиган масканлар жуда кам. Дам олишни ташкил қилиш учун ташкилотлар узоқ тоғлардан жой қидириб юришади. Агарда дарё тўқайзорларининг ҳамма табиий шароитидан тўғри фойдаланиб, дам олиш масканлари ташкил қилинса, дарё соҳили кишиларнинг ороми учун, соғлиқ-саломатлиқни тиклаш учун хизмат қилади.

Агар тўқайзорлар тикланса, Зарафшон водийси жуда катта миқдорда чаканда меваси етказиб берадиган плантацияга айланади.

Мутахассисларнинг ёзишича, чаканда меваси ўзининг шифобахшлик хусусияти бўйича меҳригидан қолинмайди, у «наҳорндори хазинаси» деб таърифланади. Чаканда мойи дарахтда кўп касалликларга даво бўлади.

Мамлакатимизда чаканда мойига талаб ҳозир 1 фонз қондириб келинмоқда. Ана шундай ажойиб шифобахш бута Зарафшон дарёсининг ўрта ва юқори қисмларида ўсади. Агарда Ўрта Зарафшонда тўқайзорлар тикланса, бу ердан ҳар йили катта миқдорда чаканда меваси тайёрланиши мумкин. Дарё ёқаларидаги захкаш тошлоқ ерларга бир неча йил тегилмаса, чаканда, жийда ва бошқа буталар тезда ўз-ўзидан тикланади. Биз дарё ёқасида ҳар нисала қирғоқдан 200—300 метр кенгликдаги жойни тўқайзор учун ажратишни зарур деб ҳисоблаймиз. Агарда дарёнинг бир қирғоғи тик ва баланд бўлиб, тўқайзорларнинг табиий тикланиши мумкин бўлмаса, дарёнинг иккинчи паст қирғоқ томонидан 300—500 метр кенгликда жой қолдирилиши керак. Бу жойларда бир неча йил ичида тўқайзорлар ўз-ўзидан тикланади.

Шунинг таъкидлаш керакки, ҳозир дарё суви тозалигига эътибор кам. Дарё ёқасига хоҳлаган машина эгаси хоҳлаган чиқинди-ивирсиқни ташлаб кетади. Дарё ёқасида тўкилиб-сочилиб ётган шиша синиғи, резина, пластмасса бўлаклари, кимёвий дориларнинг идишлари, мой аралаш ҳар хил ивирсиқлар, хуллас шаҳар ахлатхонасидаги ҳамма нарсани учратиш мумкин. Тураржойлардан, саноат корхоналаридан, пахта далаларидан чиқадиган оқавалар ҳам дарёга ташланаётир. Автомашиналар, тракторлар дарёда ювилади. Шағал, қум олувчи экскаватор ва машиналар ҳам ўз хоҳишича ишлайди. Умуман дарё ўртада қолган эгасиз мулкни эслатади.

Зарафшон воҳасида 4 миллионга яқин аҳоли яшайди. Шу аҳолининг тирикчилиги, саломатлиги, келажаги дарё суви билан, унинг тозалиги билан боғлиқ. Шундай экан, биз дарёни кўз қорачиғидек эъзозлашимиз керак. Табиатнинг бу бебаҳо хазинаси ва ҳаётимизнинг асоси бўлган сув қадрига биз ҳали етганимизча йўқ. Исрофгарчиликдан сув танқислиги, ифлосланишдан эса касаллик кўпаймоқда.

БИЗ ЮҚОРИДА тавсия этган муҳофаза масаласи катта муаммоларимиз юзасидан билдирилган кичик тавсияларимиздир. Тўқайзорларни тиклаш ва улар асосида муҳофаза зоналарини Зарафшондагина эмас, балки ҳамма дарёларимиз соҳилларида бунёд этишимиз керак.

лаш ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, миллатчилик ва шовинизмга йўл қўймасликда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир масала. Марказдан ёки Россиянинг турли бурчакларидан партия, совет ёки ҳўжалик соҳасига кадрларни қақришдек ярамас тиланчилик одатига бутунлай барҳам бериш зарур. Бу ўз халқи, миллатини камситиш, ҳақоратлашдир.

Хуллас, мутаносиб вакилликни жорий этиш қайта қуриш, демократия шароитида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ленинча талаб ҳозирги шароитдаги партия миллий сиёсати талабларига ҳам жавоб беради, жумҳурият ҳудудидаги барча халқларнинг манфаатига ҳам мос келади, миллатлараро муносабатлардаги зиддиятларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Акмал АКРАМОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.
Қулмуҳаммад АВЛИЕКУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

ФОЙДАСИ КЎП, ЛЕКИН

ТЕВАРАК атрофимизда муттасил шундай жараёнлар содир бўладики, кўпинча уларга эътибор ҳам бермаймиз. Тебранма ҳаракат шулар жумласидандир. Айтайлик, шамол таъсирида дарахтларнинг қимирлаши, денгиз тўлқинида кемаларнинг тебраниши, механик болғанинг илгарилма-қайтарилма ҳаракати, кўл, денгиз ёки океан сувларининг қирғоққа урилиши, электр ва оҳанрабо майдондаги тебраниш ва ҳоказо. Сайёрамиз ҳамда бошқа осмон jismlарини ўрганувчи астрономия фани ҳам, ер қатламларидаги силкиниш, хусусан зилзилани ўрганувчи сейсмология фани ҳам тебранма ҳаракат назариясисиз иш олиб боролмайди. Ҳатто атом негизидаги жараёнлар асосида ҳам тебранма ҳаракат ётади.

Дарвоқе товуш, иссиқлик, нур, электроҳанрабо тўлқинлар, ҳуллас, атрофимизда содир бўлаётган жамики муҳим физик жараёнлар тебранма ҳаракатнинг турли кўринишларидир. Тебранма ҳаракат электр, радио ва телевидение соҳаларида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бир неча юз километр масофадаги jismlарни радио тўлқинлари ёрдамида аниқлаш, товуш ёзиб олиш, шунингдек, товуш тебраниши каби техниканинг барча мураккаб соҳалари электр ҳамда электроҳанрабо тебранма ҳаракатга асосланган.


Бугина эмас. Жамики мавжудот вужудда ҳам тебранма ҳаракатни кўрамиз: юрак уриши, ошқозон ва ичаклардаги кенгайиб-торайишлар, товуш пардаларининг тебранишлари...

Муҳандис ва қурувчилар ҳам турли иншооту машиналар барпо этишда тебранма ҳаракатни назардан қочирмайдилар. Кемасозлар тўлқинида чайқалиш ва тебраниш ҳолларида, темир-йўлчилар вагон, тепловоз, электровоз, рельслар ва кўприкларнинг тебранишини, учувчилар эса тайёралардаги титраш ҳолатларини албатта ҳисобга оладилар.

Ҳуллас, техника соҳасида тебраниш кузатилмайдиган бирон нуқта йўқ десак муболаға бўлмайди.

Муҳтарам журналхон, тебранма ҳаракатнинг фойдали томонлари билан бир қаторда, зиёни ҳам бор. Чунончи, буг машиналари, газ ва буг турбиналаридаги, электр машиналари ҳамда юритмаларидаги мувозанат йўқлиги, турбиналарда кўпинча гулчак, барабан, роторлар тинимсиз айланиб қолмоқдаки, бундай тебранишларнинг бир қисми пойдевор ҳамда бинонинг силкинишига сарф бўлади. Натижада машина ёки ҳаракатлантирувчи воситаларнинг фойдали таъсири пасайиб кетади.

Ҳатто конструкцияга ўзгариш киритилганда ҳам тебранма ҳаракат таъси-



Тажирибалар шуни кўрсатдики, сунъий ҳосил қилинадиган тебранма ҳаракатга ўргимчаклар парво қилмайди. Агар титраш тўлқинлари такрорланиши ва кучи жиҳатидан пашша ҳосил қиладиган титрашникига тенглашса, ўргимчак дарҳол у томон йўрғалайди.

рида ейилиш содир бўлиши туфайли қурилишининг мукамаллигига путур этади. Маълумки, кучли шовқин, ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини пасайтиради, асабга ёмон таъсир кўрсатади.

Агар машина ва усқуналардаги тебранишлар олди олинмаса, бора-бора улар ишдан чиқиши, дарз кетиши, синиши, баъзан эса катта фалокатларга олиб келиши мумкин. Маълумотларга кўра, машинасозликда юз бераётган воқеа ва бузилишларнинг 80 фонзига зарарли тебранма ҳаракат сабаб бўляпти.

Кучли шамол ва гирдоб таъсирида баланд иморатлар, маёқ ва миноралар, электр ўтказгичлар, корхона мўрилари ва шу кабилар, осмонўпар иншоотлар тебранишдан анчагина шикаст кўради. Маҳобатли телерадио миноралари чўққисининг тебраниш оралиги 2—3 қулочга этади.

Тебранма ҳаракатнинг емирувчи кучи фақат уларнинг тебраниш кенглигигагина эмас, балки унинг қайта тебраниш тезлигига ҳам боғлиқдир.

ТАБОБАТ ходимларининг тадқиқотларига қараганда, узоқ вақт титраш таъсирида бўлган одам титроқ касаллигига дучор бўлади, бу эса асабини, юрак-томир ва ҳаракат аъзоларини ишдан чиқаради. Ундан ташқари, титраш таъсирида одам хаёли паришон бўлади, тез чарчайди ва ишининг унуми бўлмайди, ороми бузилади. Бугина эмас. Титраш ўсимлик оламига ҳам ҳалокатли таъсир этади. Америкалик олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, машиналар катта тезликда юрадиган кўчалар ёқасига

экилган дарахтлар, кўп ўтмай, нобуд бўла бошлаган. Аввалига бунинг сабаби машиналардан чиқаётган захарли тутунда деб ҳисоблашган. Кейинчалик аниқланишича, бу дарахтлар кўчадан тўхтовсиз ўтаётган минглаб машиналарнинг титратувчи таъсирида содир бўлиб, титраш натижасида дарахт илдири билан замин орасидаги боғланиш бузилар экан.

Шу боисдан дунё олимларининг апроф-муҳит — машина — инсон муносабати муаммоларига алоҳида эътибор бераётгани ва бу тадқиқотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан ва маданият соҳасидаги уюшмаси — ЮНЕСКО назоратида турганлиги ҳам бежиз эмас. Яқингинада титраш биомеханикаси деган янги фан пайдо бўлдики, у механика ва математика илмлари ёрдамида титрашнинг тирки зотга таъсири ва инсон аъзоларининг титрашга муносабатини ўрганади.

Инсонни титрашдан муҳофаза қилиш анчайин мураккаб масала.

Ҳозирча титрашнинг инсонга қиладиган физиологик ва руҳий таъсири хусусида узил-кесил хулоса йўқ.

Ҳозирги вақтда титраш таъсирида вужудга келган дардлар кўп бўлгани учун одам ва титраш орасидаги боғланишни ўрганиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шуниси ҳам борки, ҳамма оғир қўл меҳнати ҳам титраш билан боғлиқ бўлавермайди. Ҳар биримиз кунига автобус, метро, тайёра ва бошқа шаброитда титрашга дуч келамиз. Титраш — ерда: йўллар нотекислигидан, машина қисмларининг носоз ишлашидан; ҳавода: шамол оқимининг тайёралар қанотига таъсири оқибатида содир бўлади. Титраш ва тебранишлар айниқса кемаларда одамга кучли таъсир кўрсатади.

Замонавий биомеханиканинг энг муҳим вазифаларидан бири инсонга титраш таъсир этганда вужудга келадиган жараёнларни таҳлил этишдан иборат. Маълумки, тебраниш одам вужудидаги безларда мавҳум ўзгаришлар ҳосил қилади. Бу ўзгаришлар кўплаб рецепторлар орқали, биоэлектрик ёки биомеханик жараёнлар орқали энергияга айланади ва кишида оғриқ ёки ваҳима, зарда ёки эсанкираш ҳолларини юзага келтиради.

Маълумотларга қараганда, эшитилмайдиган инфратовуш тўлқинлари одамни вос-вос касалига дучор қилар экан.

Асримизнинг 30-йиллари бошларида академик В. В. Шулейкин дейгиз тўлқинлари кучли бўлган жойларда инфратовуш тебранишини кашф этган. Унинг тезлиги соатига 1200 километрга етар экан. Соғлом одамлар инфратовушни унча сезишмайди, пе-



Лабораторияларда кукун қоришмаларини майдалаб ва аралаштириб берувчи титратгич мослама.

кин бод касали бор одамлар уни бемалол сезишар экан.

Кейинги пайтларда кучли инфратовушининг вужудга физиологик таъсирини ўрганувчилар ажабтовур ҳодисаларининг гувоҳи бўлишди. Жумладан, Марсель денгиз илмий тадқиқот марказий лабораториясида инфратовуш генератори синовдан ўтказилаётганда, тадқиқ этилаётганлар ўзларини баногоҳ ёмон сездилар. Уларнинг ошқозони, юраги ва ўпкалари титраган. Қўшни лабораториялардаги ходимлар эса кутилмаган номаълум оғриқдан қийналишарди.

Ҳар бир вужудда ўзининг паст частотали тебраниши бор. Масалан, қон алмашинувида. Агар инфратовуш тебраниш даври шунга мос келса, тенглашиш кузатилади, юрак қисқариши анча кучайиб, артериялар ёрилиб кетиши мумкин. Борди-ю инфратовуш йўналиши ўзгарса, қуввати мос келганда қон айланиши ва юрак уриши тўхтаб қолиши кузатилади. Француз олимларининг хулосасига кўра, инфратовуш ҳар вақт хавfli: сустроғи ички қулоққа ёмон таъсир этади, кучлиси эса барча аъзоларни қақшатиб, уларни емиради ва юрак уришининг тўхташига олиб келади. Инфратовуш ўртача таъсир этса, ички аъзоларга зиён қилади, овқат ҳазмини ва мия фаолиятини бузади, киши ланж ва бухуш бўлади.

Тадқиқот ва кузатишлар натижасида мамлакатимизда жаҳонда биринчи бор иш жойларида тебраниш, титрашни чегаралаш бўйича миллий стандарт қабул қилинди.

ТЕБРАНМА ҳаракатни бошқа хил фойдали ҳаракатга айлантиришдан машинасозликда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, кўчар вал орқали ҳосил қилинган айланма ҳаракатни шатун ва кривошип ёрдамида тебранма ҳаракатга келтириш мумкин. Ротация машиналарида, донсовургич ускуналарда, катта сым ғалвирларда, титратгичлар ёрдамидаги саралагичларда ва қадоқлаш машиналарида, тебранма экстракторларда ва майдалагичларда шу усулдан фойдаланилади. Булардан ташқари, мураккаб қурилиш ишларида, кўмир ва маъдан қазихида, метин тош ҳосил қилиш, соатсозлик, зилзилага чидамлилиқни синаш, конларнинг балчиқли қатламга ўтиш, шунингдек, гидротехник ишларда ва қўмлик ерларини шиббалашда, транспорт қисмларида тебранма ҳаракат асқотади.


Нафис ва ўта сезгир асбоблар яшашда таранг тортилган сымдаги тебранишдан фойдаланилади. Механик тебрангич асбобсозлик ҳамда автоматикада муҳим аҳамият касб этади.

Барча поршенли ҳаракатлантирувчи ва юритмалар шундай ишланганки, улардан цилиндрга тушадиган буг ёки ел даставвал поршенда тебранма ҳаракатни, сўнгра эса шатун ва кривошип механизмлари ёрдамида машина кўчарларида айланма ҳаракатни вужудга келтиради.

Агар тебранма ҳаракат машиналари тебраниш тезлиги ҳамда масофани бошқариш хусусиятига ҳам эга бўлса, бунда улардан технологик жараёнларда тўла фойдаланиш мумкин.

Тебранма ҳаракат ёрдамидаги технология жараёнларининг янги услуби халқ хўжалигининг турли соҳаларига кириб бормоқда. Кейинги йилларда электромеханик, айниқса ўз-ўзидан тебраниш хусусиятига эга бўлган тебрангичлардан фойдаланиш имконияти катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумҳуриятимиз олимлари халқ хўжалигининг айрим соҳаларига ўз-ўзидан тебрангичларни татбиқ қилиш ва фойдаланиш борасида муайян ишлар олиб боришяпти. Бунда электромеханик тебратгичлардаги каби марказдан қочиш кучи эмас, балки электроҳанрабо тортиш кучи тебраниш ҳосил қилади. Электроҳанрабо тебратгичларнинг афзаллик жиҳати шундаки, улар қулай ва ишончли, барқарор ишлайди, лекин тебраниш масофаси кичик ва қуввати камроқ.

Ўз-ўзидан тебранишли мосламаларда қаршилиқка сарф бўлган қувват тебранмайдиган манба ҳисобига тўлдириб турилади. Бундай қувватнинг берилиш вақти ва миқдорини шу тебранма мослама маромга солиб туради. Натижада ушбу мосламада доимий сўнмас тебраниш, яъни ўз-ўзидан тебраниш ҳосил бўлади.



Паррандачилик фабрикаларидаги қуруқ ем уюмида ҳосил бўлган равоқни бузувчи титратгич ускуна.

Худди шундай жараён асосида ишлайдиган бир неча қурилмалар Беруний номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Политехника институтининг «Назарий ва умумий электр техникаси» ҳамда «Электр юритмалари ва ўз-ўзидан ростлаш» кафедраларининг мутахассислари томонидан яратилди. Булар жумласига 1 миллиметр ўлчамли геологик жинсларни майдалаб аралаштириб спектрал анализга тайёрлаб бериш учун электро-механик ўз-ўзидан тебранишли титратгич қурилма, тоғ жинслари ва минералларни элаб, майда-йирikka ажратиб берувчи ускуна кукунларни қувурлар орқали узлуксиз узатиб туришга мўлжалланган қурилма, паррандачилик фабрикаларидаги емхоналарда ҳосил бўладиган равоқларни бузгич, кичик-кичик қуйма қисмларнинг киловини тозаллагич, шунингдек, сейсмологик синовлар ўтказишда асқотадиган тебратгич қурилмаларини киритиш мумкинлиги, улардан айримларининг сурати ушбу саҳифаларда берилган.

Мазкур қурилмаларнинг аксарияти фойдаланишга топширилди, айримлари эса синовдан ўтмоқда. Бу ускуналар кам қувват сарфлаши, меҳнат унумдорлигини 4-5 маротаба ошира олиши билан диққатга сазовор. Ўзи ихчам, шовқинсиз бу қурилмалар программалаштириш ва масофадан бошқариш имкониятига эга. Бундай қудратли тебратгич қурилмалар махсус мосламалар ёрдамида бошқарилади.

Тебранма титратгич ускуналар қишлоқ хўжалигида ҳам катта фойда беради. Масалан, бу ускуналар техник воситаларнинг фойдали иш унумдорлигини анча оширади. Ахир бундай машиналар қишлоқ хўжалиги истеъмол қиладиган жами қувватнинг 70 фоизини сарфлайди, бинобарин, халқ хўжалиги иқтисодига катта зиён келтиради-да, тебранма ускуналар эса қувватни анча тежайди.

Титратгич ускуналар, булардан ташқари, экиш, ўғитлаш, майдалаш ва хиллаш, мева-чева йиғиш, ҳосилни қуритиш ва сақлашда, чорвачилик ва паррандачилик, пиллачилик, қишлоқ хўжалик техникасини сошлашда самара келтириб, иш маданиятини анча оширади.

Шуни таъкидлаш керакки, тебранма ускуналарнинг у ёки бу соҳада аниқ қўлланиш кўламлари ҳали назарий жиҳатдан асослаб берилмаган. Шунингдек, тебранма жараёнларда муайян мақбул иш услубини танлаш борасида ҳам тавсия йўқ ҳисоб.

Эндиги долзарб масалалардан бири замонавий титратгич машиналарнинг самарадорлигини оширишни тадқиқ этишдир. Зеро, техникага татбиқ этилган титратгич ускуналар ёки дастгоҳлар истеъмол қиладиган қувватга яраша фойдали наф бермоғи керак.

Марат ТИЛЛАХУЖАЕВ,
техника фанлари номзоди.
Ҳасан МАТЕҚУБОВ, муҳандис.
(Тошкент Политехника институти)

ХАЛҚ КИМ—КИМЛИГИНИ ЯХШИ БИЛАДИ

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ

Журналининг ўтган йилги 11-сонига эълон қилинган «Хўқанди латиф тупроғидаги фожеалар ёхуд тирик гувоҳлар сўзлаганда» номли мақоламга Ўзбекистон ва қардош жумҳуриятларнинг турли бурчакларидан кўплаб мактублар олдим. Муаллифларнинг кўпчилиги Қўқонда юз берган фожеанинг сабабларини чуқур текшириб, халққа қарата ўқотишга буйруқ берганлар ҳамда вазиятга лоқайд муносабатда бўлиб, фожеанинг олдини олмаган шаҳар раҳбарлари жавобгарликка тортилишини талаб қилишган. Маълумки, айрим шахсларга чоралар

кўрилди, ammo Қўқон шаҳар партия қўмитаси ва шаҳар ижроқўмидан расмий маълумот олганимиз йўқ. Улар журналда босилган мақолани ўқиб чиққанларига қарамай, ўз фикрларини расмий билдиришмади. Фожеа рўй берганига бир йил ҳам тўлди. **БИЗ БУГУН БЕГУНОҚ ҚУРБОНЛАРНИ БОШ ЭГИБ ЭСЛАЙМИЗ...**

Энг аввал, журналда Қўқон фожеалари ҳақидаги мақола эълон қилингандан кейинги «ғаройиб воқеалар» ҳақида.

Чортоқ шаҳридан меҳнат ветерани, пенсионер Ҳабибулло Юсупов шундай мактуб йўллабдилар:

«Мақолани ўқиш учун журнал қўлмақўл бўлди. Ammo Тошкент шаҳрида шу мақолани беш-олти нафар ёшлар ҳузурида овоз чиқариб ўқиб берган кишини милиция маҳкамасига олиб боришганини эшитиб, «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» фақат қогозда, бизнинг маҳаллий ҳокимият учун таъсирсиз экан-да, деган хулосага келдим».

МУХТАРАМ ҲАБИБУЛЛО АКА! Бундай маълумот бизга ҳам етиб келган эди. Ҳамма бармоқлар тенг бўлмаганидай, милиция ходимларининг орасида ҳам «дўппини олиб кел деса, калласини қўшиб келадиганлар» йўқ эмас. Бироқ бунинг акси ҳам бўлган. Мақолам чиққанидан кейин, бир милиция офицери кўнгириқ қилиб: «Мақолагини ўқиб чиқиб, муҳокама этдик. Кўпчилик, мақоладаги далиллар тўғриси ва ҳаққоний ёзилган, деган хулосага келди ва сизга раҳмат айтиб қўйишни менга топширди, ўзининг номидан ҳам сизга раҳмат», деган эди.

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Абдуманнон ака Ғойипов [Андрижон вилоятидан] мақолани ўқиганларидан кейин ниҳоятда хафа бўлганликларини самимий ифодалабдилар:

— «Мен Улуғ Ватан урушида тўлиқ иштирок этганман, 1938 йилдан 1946 йилгача армия хизматида бўлганман, икки марта оғир яраландим. 7—8 ойлаб госпиталда ётганман. Не-не ўлимларни, ярадор бўлиб азоб тортишни кўрганмиз. Биз-ку душман билан урушдик. Ammo совет кишини совет қуроли билан ўлдириш ва ярадор қилиш қандай даҳшат! Мен чидаёлмадим, кўзимдан ёш оқиб кетди... Халқини «От!» деб буйруқ берганларни халқ олдида судлашин деб талаб қиламан».

ҲУРМАТЛИ АБДУМАННОН АКА! Фарзандларингиз, ёру биродарларингиз, қолаверса, ўзбек халқининг бахтига соғ-саломат бўлиб юринг. Сиздек ҳақиқий ватанпарвар отахонларимиз борлигиндан хурсандмиз, ёзган хатларингиздан илҳомланамиз ва ҳақиқат юзага чиқишига ишончимиз комил.

Львов шаҳридан М. Йўлдошев мактуб йўллабди. Муҳиддинжон, фикримча, сиз Львов шаҳридаги педагогика институтининг рус тили филология факультетида ўқиясиз. Хатда ёзибсиз: «Мақолани ўқиб, меҳнаткаш ўзбек халқининг ҳеч бир гуноҳи йўқ эканлигига ишончим комил бўлди», деб. Шундай экан, сиз рус талабаларга журналдаги мақолани таржима қилиб беринг. Бу эса байналмилал тарбияга қўшган ҳиссангиз бўлади. Ишончим комил-

ки, улар сизни тўғри тушунишди ва «шундай вақт бўлдики, миллатингни сўраганда айтишга уяласан», деган гапга ҳеч қандай ҳоҳлат қолмайди, аксинча, ўз қадрингизга тушуниб етасиз. Сиз орқали талабалар ҳақиқатни билиб олишди ва ўзбек миллатига бўлган ҳурматлари янада ошадди.

Қардош Туркменистоннинг Керки шаҳридан самимий, чин юракдан ёзилган хат олдик. Унинг муаллифи Умар Аҳмедов бундай деб ёзибди: «Мен асли туркманман, «Фан ва турмуш»ни бир неча йилдан буён мунтазам ўқиб бораман... Биз туркманлар билан ўзбеклар бир-биримиз билан азэлдан иноқ яшаб келганмиз ва бундан-буён ҳам аҳил яшаймиз. Шахсан мен ўзбек йигитлари билан (улар 3 киши) Узоқ Шарқда (Владивостокда) ҳарбий хизматда бирга бўлиб, ака-укадан зиёда бўлиб кетдик. Бирга қайтдик, қайтишда Фаргона, Марғилон ва Қўқонда бўлдик. Ана, у ерлардаги кишиларнинг меҳмондўстлиги-ю одамийлиги! 5 кун бўлиб, ўзбек халқи олижаноб кишилар эканини ўз кўзим билан кўриб, улар номига офаринлар айтдим. Лекин ўтган йили июнь ойида ўша Қўқон деган шаҳарда бўлган фожеаларни эшитиб, бутун вужудимни титроқ босди, қани эди иложи бўлса-ю, ўзбек халқига ҳамдардлимизни билдирсам...»

ҚАРДОШ ДЎСТИМИЗ УМАРЖОН, ўзбек халқига чин кўнгилдан айтган илиқ сўзларингиз учун сиз орқали қардош туркман халқига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўзбек ва туркман халқи қадимдан дўст бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, чунки қон-қардошлигимиз бор, урф-одатларимиз, тилимиз, дилимиз яқин. Қўқон фожеалари бошқа ҳеч қаерда қайтарилмасин, ўқ овозлари, йнги-снги ўрнига хурсандчилик ва дўстлик содалари янгрисин, давраимиз кенгайверсин.

Журналхон Неъматжон Ҳасанов мақолани ўқиб «Гуноҳдорлар изини излаб...» номли шеър ва мактуб ёзиб йўллабди. «Мақолани ўқиб, қалбим яна бир бор ларзага келди. Наҳотки, наҳотки, дейман ўз-ўзимга, В. И. Ленин расми пештоғига осилган бино олдида, Ленин номли майдонда, Ленин авлодларининг оху-зорига қулоқ осми ўрнига, уларга қарата ўқотишса! Сира ақл бовар қилмайди! Яна денг ошкоралик даврида! Уша фожеалар гувоҳларининг ҳикояларини эшитгандик, лекин воқеалар бунчалик тез ривожланиб борганига, мутасаддиҳар эса бунчалик рибекорона ҳаракат қилишига, ўз халқини ўққа тутганда 1905 йилги қонли яқшанбадаги поп Гапондек ўзини панага олишига,

очиги, мақолани ўқимагунча, кимдир қасам ичиб айтганда ҳам ишонмаган бўлардик. Мақоладаги жонли гувоҳлар, воқеалар ичида юрганларнинг гапига ишонмаслик мумкинмас. Умуман, муаллиф айтганидек, Қўқон фожеаларини холис, ҳақиқат кўзи билан кўриб, баҳолаш керак.

ҲУРМАТЛИ Н. ҲАСАНОВ, сиздек соф виждонли мураббийлар талабарчилигимизга таълим берар экан, бизнинг келажагимиз ишончли қўлларда эканлигига аминмиз.

Фаргона вилояти Ленинград ноҳиясидан А. Салимов ўз мактубида Қўқон фожеасини келиб чиқиш сабабларини аниқламоқчи бўлиб, шаҳар партия қўмитаси, милиция ва ижроқўмдаги масъул ходимларнинг лоқайдлигини таъкидлабди, порохўрлар кўпайганини ҳақида, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги кескин тафовутлар мавжудлигини қайғу билан ёзибди.

У масъул ходимлар ҳақида сўзлаб, ҳайрон қолаётганим — кўпларнинг ойлиги оз бўлса ҳам, тағида шахсий янги енгил автомашиналар, дангиллама уйлари бор, дейди ва «мен 180 сўм ойлик оламан, экинзордан ҳам фойдаланаман, ammo зўрға ИЖ-«Юпитер» мотоцикли олдим. Халққа гапирган гапи бошқа, тутадиган иш бошқалар бор! Агарда улар давлатга 10 минг сўм зарар келтирадиган, ўзига юз сўм фойда келтирадиган иш бўлса шуни қилади... Шу ноҳақликни кўриб юрагим қайнаб кетяпти. Сиз ниҳоятда тўғри ёзгансиз. Раҳбарларнинг битта камчилиги орқасида қанчадан-қанча хонадонлар азоб чекиб, қон йиғлаб ўтиришибди. Бу бошлиқлар фақатгина амални ўйлашди, холос. Улар нима учун халқ олдида жавоб беришмайди!»

ҲУРМАТЛИ А. САЛИМОВ, ҳақ гапни ёзибсиз. Ҳар бир раҳбар халқ олдида жавоб бериши керак. Шунда яхши иш қилган бўлса, халқнинг олқишига сазовор бўлади, ёмон ишлари учун эса унга халқ лаънатлар айтади, халқ назаридан қолади. Ҳозир халқимиз оғир уйқудан уйғонган. Халқимиз ким кимлигини яхши билади.

Наманган шаҳридаги вилоят меъмorchилик ва шаҳарсозлик бошқармаси ходимлари номидан Қ. Иброҳимов, Н. Дадахонов, жами 9 киши имзо чекилган мактуб ёзишибди. Улар бундай дейишибди: «Мақола кечроқ бўлса-да, ҳақиқатни очишда катта жасорат билан, ҳаққоний ёритилганлиги учун унинг муаллифига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳайратда қолганимиз шундаки, ёлғон,

ШАҲАР ЭГАСИЗ ҚОЛГАНДИ

Бисмиллахи роҳмани роҳим! Ассалому алайкум муҳтарам ойнома ходимлари! Ушбу мухтасар мактубимда Фарғона мўмин мусулмонлари бошига ёрилган кулфатлар ҳақида ўз фикримни бир оз айтсам дегандим. Узоқ вақтдан буён саробга алданиб келган халқ бирдан кўзғолди. Матбуот дунёда энг одил тузум бизнинг тузум деб жар солар эди. Дунёдаги биздан бошқа мамлакатлар ҳақида фақат ёмон томонлари ёзиларди. Мактаб, тарбия ўчоқлари, ташвиқотчилар ёшларга: ҳақиқатни ёлғиз биз топдик, биздан бошқалар адашган, деб ўқитишар эди. Бунинг устига асрлар давомида одамларни тарбиялаб келган диний тарбия ман қилинди. Унинг ўрнига яроқли тарбия берилмади. Ёшларимиз диний, илмий, сиёсий томондан саводсиз бўлиб қолди. Одамлар орасида руҳий, маънавий, ахлоқий инқироз кучайди, худбин, шахсиятпараст, ҳеч бир муқаддас нарса бўлмаган одамлар сони кўпайди. Буларнинг эпчиллари ҳокимият ўринларини қарийб эгалладди. Тоza, ҳалол одамлар ёлғонни, лаганбардорликни ўзларига эп кўрмай, паст ўринларда қолдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар: «Агар ҳокимият ишлари ноаҳил одамларга топширилса, ўша умматнинг қиёматини кутинлар». Бизнинг ви-

лоятда ҳам худди шундай бўлди. Қувасойда меҳсети турклар андишали ўзбекларни таҳқирлаб келишарди, сабр косаси тўлган ўзбеклар кўзғолди.

Шу можаронинг олдини олиши, тинчтиши керак бўлган раҳбарларнинг айби билан у кенгайиб, кетма-кет фожеаларга айланиб кетди. Амал курсиси азиз бўлган мансабдорлар фожеалар тарқалишига йўл қўйди.

Қўқонда ҳеч қандай фожеалар рўй бермаслиги мумкин эди. Шаҳарга кирган ёшларни қаммай, кўйиб юборилганда, шундай ишлар бўлмасди. Шунини талаб қилиб, халқ милиция маҳкамаси олдига йиғилди, милиция ходимлари курул ишлатгач, отиб ўлдирилганларни кўриб жунбушга келди. Халқ шундан кейингина милицияга қарашли машиналарни, хушёрхонани, ўқ узган милиция ходими Нуъмоннинг волидаси ишлайдиган газета киоскисини ёқишди.

8 июнь куни (эртасига) бомдод номозидан кейин шаҳар ижроия кўмитасига, ундан фирқа кўмитаси томонга бордим. Автобусларда аскарлар ўтиришарди. Бино олдида митинг бўлармиш деган гап тарқайди, анча одам тўпланди. Биринчи котиб Мусабек йиғилганлар олдига чиқиб, озгина сўзлагандан кейин, ўтирган халққа

қарата огоҳлантиришларсиз ўқ узишди, одамлар ҳар томонга қочди, дарахтларга чиққан болаларга ҳам отишди. Ҳарбий вертолётлар одамлар устидан даҳшат солиб учиб юрди, бундан ёш болалар кўриб йиғлади, кечаси ҳам ўқ товуши тинмади. Шаҳар эгасиз қолди икки-уч кун. Агар кўчага чиққан одамларнинг мақсади, марказий матбуотда ёзилганидек, талончилик бўлганда, масалан, бизнинг масжидимиз олдидаги каттақон дўкон ҳам таланерди. Ҳеч ким деярли кўриқламади ва ҳеч ким тегмади.

Бошқа халқ бўлганда разил тухматлар учун жавоб бердирмай қўймасди. Матбуотда чиқиш қилган амалдор борки, ўзбек халқига осилди. Айниқса марказий матбуот халқимизга ўз муносабатини кўрсатди. Ҳозирда эса гўр, алданган ёшлар жабрланиб судланмоқда. Фожеаларнинг асосий сабабчилари жазосиз юрибди. Фарғона фожеалари мафкуравий нуқсонлар, лоқайдлик, халқнинг фарёдига кулоқ солмаслик ҳосилидир. Ўзбек халқини бошқа халқларга қонхўр, ёвуз, ваҳший қилиб кўрсатишди. Бундан ёмони йўқ. Оқибатда ҳарбийдаги аскар йигитларимизнинг тобути келиши кўпайди. Фарғона кўксидеги қонли жароҳатлар ҳали-бери битмайди, уни тезроқ даволаш, дардига малҳам қўйиш керак. Бу йўлда миллатимиздан ва Оллоҳдан мадад кутиб,

МУҲАММАД РАЖАБ,
Қўқон Жоме масжидининг имом хатиби.
1989 йил октябрь.

бўхтон, кўзбўямачилик ила миллатимиз шаънига доғ туширган «Правда Востока», «Совет Узбекистони», «Известия» ва бошқа нашрлар ҳамда Ўзбекистон телевидениеси ўз айбини расмий бўйнига олишларини кутган эдик, аммо улар фидойиларни йўқлигидан бунга журъат эта олишмади. «Фан ва турмуш» журналидаги мақолани ўқиб, уни ишхоналаримизда таҳлил этиб, ҳақиқат борлигини тушундик ва журнал ходимларига, муаллифга бирдамлигимизни ёзма равишда баён қиламиз.

8 июни жумҳуриятимизда мотам куни деб эълон қилишни талаб этамиз ва шу ҳақли талабимизни журналингиз орқали баён этишингизга умид қиламиз.

Хурматли наманганлик дўстлар, Сизларнинг бу талабингизни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Депутатларингиз бу сўзларини ўқиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг илбатдаги сессиясига қўйишларини умид қиламиз.

Каттақўрғон шаҳридан медицина фанлари доктори, профессор Ҳамроқул Ҳамдамовдан ҳам мактуб олиб хурсанд бўлдик. Унда жумладан бундай сўзлар ёзилган: «Ҳақиқат ҳозирча бюрократик ёлдаги папкалар ичида қолиб кетмоқда», деб ўқиниш жуда ҳам ҳақли! Бу борада халқимизнинг ўта андишали, айниқса биз каби зиёлиларнинг ҳам бўшлиги сабабчи эмасмикин?! Ахир Тбилисда бўлган фожеаларда ҳалок бўлган 16 киши ҳақида фақат мамлакат Олий Совети эмас, бутун жаҳон билди-ку! Сизга куч-ғайрат, ижодий омад тилаб Х. Ҳ. Ҳамдамов».

Замонамиз ибисинолари олдида ҳам бош эгамиз. Қўқон фожеаси кунлари ярадорларга биринчи бўлиб бизнинг ўзбек табибларимиз ёрдамга келди, ҳаттоки қалқон ҳам бўлишди, неча-неча йигитларимизнинг жонини сақлаб қолишди.

Журнал идорасига йўлланган мактубнинг уни муҳим ҳужжат даражасида деса арзигулик муаллифи наманганлик жарроҳ

Сиддиққон Қориевдир. У киши бундай ёзган: «Журматли редакция! Мен Наманган вилоятининг кўп соҳали шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлаб келаман. Сизларга ушбу хатни тарих фанлари номзоди Ҳайдарбек Бобоековнинг мақоласини ўқиганимдан кейин ёзишга мажбур бўлдим, чунки жуда қаттиқ таъсирландик.

Мен ва бизнинг шифохонадаги бошқа врачлар 5 июнь куни Тошлоқда ва 7 дан 10 июнгача Қўқон ва Фарғона шаҳарларида жабрланганларга медицина ёрдами кўрсатдик. Журналда жуда тўғри баён этилган, буларни биз ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қулоғимиз билан эшитганмиз. Биз 7 июнь куни Қўқонга кечга яқин етиб борган эдик (биринчи шаҳар касалхонасига). Шу кунги фожеани врачлар бизга айтиб беришди. Лекин эртаси кунги бегуноҳ яраланганларни кўриб, ўзимизни йўқотиб кўяёздик. Бир мисол. Уша куни, чамаси соат 12—13 ларда, мен шергим, жарроҳ Убайдулла Ҳожиматов билан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гаплашиб ўтирган эдик, тўсатдан автоматлардан отилган ўқлар товуши келиб, тахминан беш минутча давом этди. Касалхона йўлагига чиққанимни биламан, бирдан замбилда тахминан йигирма нафарча йигитларни орқама-орқа, дод-вой солиб кўтариб келишди. У пайтни сўз билан изҳор қилиб бўлмайди! Шоша-пиша жароҳатланганларни операция хоналарига тақсимлай бошладик.

Буларнинг ичида бир лўли юрак соҳасига ўқ текканлиги учун аҳволи ҳаддан ташқари оғир бўлиб, бир дақиқадан сўнг жон берди.

Бошқа, чамаси, 20 ёшлардаги йигитча дод солиб ётар, ҳадеб орқам деб, ўтирадиган ерини ушлар, биз эса қон қердан оқаётганини топа олмас эдик. Чап думбасининг орқа чиқарув тешиги яқинида, кўз илғамас жойидан қон оқаётган экан, сонининг ўрта қисмида дўмбоқ ва кўкарган жой бор эди. Шунда биз ўқ орқаси-

дан кириб, ўнг сонидан тешиб чиққанини аниқладик, тезда операция қилиш лозимлигини айтдик. У бўлса: «Мен ўлмайманми? Соғ қоламанми?» — дея юракларимизни эзар эди. Шу пайт чамаси олтмишларга яқинлашган оқ сочли бир бемор «Вой болам, мен сенга бир чеккадан кетгин деган эдим-ку, сенга нима бўлди?», деб йиғлар эди. Биз у кишини ҳам овутирар эдик. Кейин билсам, бу отахон шу касалхонанинг терапия бўлимида камқонлик касали билан даволанаётган экан. Унинг ўғли эндигина овқат олиб келиб берган ва қайтишда шаҳар партия кўмитаси ёнидан кетаётган бўлган, қердан ўқ келиб текканини ҳам билмайди. Ярадор операция бўлди, лекин жароҳат оғирлиги туфайли операциядан кейин кўп ўтмай вафот этди. Операцияни Тошкентдан келган машҳур врачлар қилди. Бу охириги ўлим эмас эди. Уша куни келтирилган беморлардан 6—7 нафари ўлди.

Лекин, биз қанча гапирмайлик ва маҳаллий матбуотда чиқмайлик, бу иш шу ҳолча қолиб кетаверади. Фарғона ва Қўқон фожеаларининг асл сабаби ва сабабчиларини марказий телевидение ва марказий матбуотда аниқ кўрсатиш ва шу орқали ўзбек халқини оқлаш керак. Шундагина байналмилаллик мустаҳкамланади. Агар аҳвол шундай давом этса, бизнинг келажак авлодимиз ҳам тарихда қоралигича қолаверади. Бу ишларнинг амалга ошиши партия ва совет органларида ишлайдиган раҳбарларимиз зиммасидадир».

Ҳа, Сиз ҳақсиз, партия ва совет раҳбарларимизга кўп нарса боғлиқ, бизнинг турмушимиз, ҳаётимиз ҳам...

Мактублар таҳлиliga бағишланган мақолам сўнггида барча муаллифларга чин қалбдан ташаккур айтаман. Ишонганим, Қўқон ва Фарғона фожеалари ҳали кўп жиддий, сертафсилот таҳқиқ этилади. Энг муҳими — бундай фожеаларнинг бошқа такрорланмаслиги. Тадиқотлар шунга хизмат қилиши керак.

«ДУНЁ МАНИМ ДЕГАНЛАР»

Ҳар йили чет эл матбуотида жаҳонда энг бой кишилар — пули миллиарддан кўп бўлганларнинг рўйхати эълон қилинади. Шуниси қизиқки, ўтган йилги 133 кишилик рўйхатнинг бошларида америкалик ёки фарблик миллиардерлар эмас, балки ривожланаётган Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги бойваччалар номи турибди. Қуйида «За рубежом» ҳафталик нашрида ёритилган шу мавзудаги мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Жаҳонда энг кўп сармоёга эга бўлган Бруней султони 1788 ҳонадан иборат саройда яшайди. Унинг гаражи 800 автомобилга мўлжалланган, кондиционер билан таъминланган ҳашаматли отхонасида 250 тулпор сақланади.

Уни пул қизиқтирмайди. Султон жаҳонда энг бой одам, бироқ у бунга ўз кучи билан эришмаган. Ешлигида «бугатти» машинасига ўтириб, тунлар расмий Британия резиденцияси (Бруней Англия протекторати бўлган — Ред.) деразасининг олдидан шовқин-сурон билан ўтишга ишқибоз бўлган. Ҳозир ҳали ҳам шўхлиги қолмаган султоннинг 40 спорт автомашинаси ва битта олти эшикли «рольс-ройс»и бор. У 25 миллиард долларга эга бўлиб, энг бой эркак ва аёллардан ўзиб кетди.

Рўйхатдаги миллиардерлар ёши 33 дан 98 гача. Улар орасида Буюк Британия қироличаси Елизавета II, Нидерландлар қироличаси Беатрикс, бешта давлат бошлиқлари: Бруней султонидан бошқа, Саудия Арабистони қироли, Қувайт амири, Дубай ва Абу Даби вилояти амирлари бор. Бу рўйхатда бирорта африкалик йўқ.

Агар ўзига хос биринчиликнинг «олтин соврини» Бруней султонига насиб этган бўлса, «күмүш медаль» 18 миллиард доллар эгаси, Саудия Арабистони қироли Фахдуга буюрган.

1987 йил октябридаги биржалар инқирози исзис кетмади: бундан аввалги йилги рўйхатдаги 10 нафар миллиардер кейинги йилларда бу сафдан чиқди. Ҳатто нефть қироллари бу инқироздан зарарсиз чиқишолмади: Қувайтдан ас-Сабоҳлар сулоласи ўз пулининг бир қисмини қимматли қозғозларга (облигация, вексель ва ҳоказолар. — Ред.) алмаштириб, бир миллиард долларга камбағал бўлди. Лекин бу оилада ҳали тўрт ярим миллиарди турибди.

Афтидан, биржалар инқирози Осиёга таъсир этмаган. Ҳар йили бойваччалар рўйхатига осиеликларнинг

янги-янги номлари қўшилиб туради. 1988 йилда 9 киши, ўтган йили — 5 нафари қўшилди. Ўтган йили қўшилганлар учун бир умумий хусусият — уларнинг ҳаммаси бир йил мобайнида бойиган. «Янги»лардан бири 84 ёшли тайванлик Тсой Ван Лин дарҳол олтинчи ўридан жой олди. Шолетиштирган камбағал деҳқоннинг ўғли дастлаб ишни кичик дўконда сабзавот ва ҳўл мева савдосидан бошлаган. Ҳозир унинг маблағи 9 миллиардга яқинлашмоқда.

Осиёлик 80 яшар Риндзи Сино денгиз ва йўл транспорти магнати бўлиб, 55-ўринда туради. У Япониядан ташқарига ақл бовар қилмас ғоя — Бразилия территориясининг бир қисмини сотиб олиб, 20 миллион японни у ерга жойлаш ва бу билан мамлакатдаги аҳоли нуфуси масаласини ҳал этмоқчи бўлгани тўғрисида донг таратди. У ҳамма французча нарсани яхши кўргани учун, албатта, Франциянинг бир қисмини сотиб олган бўларди-ку, унга лойиқ бўш жой топилмади.

Тўғри, у Бордо яқинида ўрмон ва тоқзорларга эга. Синонинг бу мамлакатга ишқибозлиги шу қадар кучлики, Японияда энг катта, 300 тонна сув сифмига эга бўлган яхтасидаги экипаж француз денгизчиларининг кийими ва... цилиндр шляпа кияди. Синонинг бу ишқибозлигидан биринчи галда набиралари азият чекади, уларнинг ҳар бирига французча ойланинг номи берилган: Жанвье — январь, Феврие — февраль... Декабрь ҳали туғилмаган. Ундан кейин туғиладиганларини французча кунларнинг номи кутмоқда!

Рўйхатдаги энг кекса миллиардер Тамесабууро Фурукава ҳам япон, у ҳозир 98 ёшда. Бу чол ўзининг юз йиллик тантанасига юртдошлари учун 2000 донна санъат асарини қўйилладиган музей тақдим этмоқчи. Ташқи кўринишидан бу музей Япониядаги энг машҳур ибодатхона — Кинкакудзининг худди ўзи бўлади. Нима учун бу ибодатхонадан нусха кўчираётганини ундан сўрашганда, Сино шундай жавоб беради: «Чет элликлар Японияни икки нарсада рамзийлаштиради: Фудзи тоғи ва Кинкакудзи. Тоғни яра-та олмаганимдан кейин...»

Америкалик миллиардерлар эса ўзларининг «америкача орзу-ҳавас»ларига ҳали ҳам кучли ишонади. Рўйхатда 65-ўринда турувчи Жон Ричард Симлот «Макдоналдс» ресторани учун энг кўп маҳсулот етказиб берувчи бўлиб, картошкадан бойиб кетишининг ҳеч уятли жойи йўқ деб ҳисоблайди. У ахлатга ташлаб юборилаётган картошка пўчоғини ресторанилардай йиғиштириб келиб, чорва молларини боқди. Секин-аста бошланган иш шу даражага бориб етдики, у мамлакатга асосий гўшт етказиб берувчилардан бирига айланди. Симлот картошка ҳосилини ошириш учун эса гўндан ўғит тайёрлаб, унга фосфат қўшиб ерга солди. У нима ишни қилмасин, ҳар сафар омади келади.

Ҳозир микрокомпьютерларга эътибор кучайиб кетди. Бу соҳада 33 ёшли Уильям Гейтс-учинчи катта муваффақиятга эришди, у дунёдаги энг ёш миллиардер ҳамдир. Ҳали болалигида компьютер учун программалар тузган бўлса, ҳозир компьютер программалари жаҳон бозорида бошчилик қияпти.

Рўйхатда «қора дори», мафия «қироллари» ва ағдарилган диктаторлар йўқ бўлса-да, америкалик миллиардерлар Леон ва Гарри Хелмскилар солиқ тўлашдаги «мушук-сичқон» ўйинлари билан машҳур. «Биз солиқ тўламаймиз, уни содда одамлар тўлашди», — дейди Леон Хелмски. Улар ўз бойлигини ҳаммага кўз-кўз қилишни яхши кўришади: уйдаги ювиниш тосининг ичи юпқа олтин билан қопланган, машиналаридаги ҳимоя камарининг тўқаси ҳам тилладан. Шунингдек, улар «охират»ни ўйлаб, Нью-Йоркнинг Бронкс ноҳиясида атиги... 165 квадрат метр келадиган мақбара тайёрлаб қўйишибди.

Фарбий немислар рўйхатда анча-мунча бор. 100-ўринини эгаллаган барон Тиссен-Борнемис қимматбаҳо хусусий суратлар коллекцияси бўйича қиролича Елизаветадан кейин жаҳонда иккинчи ўринда туради (1400 сурат эгаси). У 67 ёшида собиқ «Испания гўзали»га уйланади. Уйланганидан маълум муддат ўтгач, у бир кун и ҳориб-чарчаб Оқ уйда берилган тушлик чоғида ухлаб қолади. Тили заҳар одамлар шу заҳоти унинг хотини бунгача кинода Тарзан ролини ўйнаган актёр Лекс Баркесга тегиб чиққан экан, деган гапларни тарқатишади. Бечора барон, шубҳасиз, ўз кучига ортиқча баҳо берган.

Австралия қитъасининг ягона миллиардери Керри Пакернинг болалиги ҳавас қилмайдиган даражада ўтган. Бир кун коллеждан уйига таътилни ўтказишга қайтганда теннис ракеткасини унутиб қолдиргани эсига тушади. Отаси уни унутган нарсасини олиб келишга мажбур қилади — бу эса поездда 1500 минг километрлик бутун бир саёҳат эди. Баъзи бадавлат оила-ларда пулни, хусусий мулкни қадрлаш учун шундай сабоқ беришади!



БИЛИБ ҚЎЙГАН
ЯХШИ

ҚАНД ДАРДИГА ДАВО ИЗЛАБ



Қитир



Газанда ўт

Ҳозирги кунда кенг тарқалган хасталиклардан бири қандли диабет меъда остидаги эндокрин безлари ишлаб чиқарадиган инсулин гормони етишмаслиги туфайли карбонсув, оқсил ва ёғ моддалари фаолиятининг бузилишидан келиб чиқади.

Айрим кишилар қанд касаллиги қадимда бўлмаган, у кейинги даврда пайо бўлди, деган нотўғри фикр юритишади. Тарихий-илмий маълумотларга кўра, қандли диабет қадимги ҳиндларга маълум бўлган. Улар ҳозирда буни «нон дарахти»дан тайёрланган идишга сув қуйиб ичиш билан даволайдилар.

Милоднинг бошларида юнон олимларидан Арасту бу касалликни диабет деб атаган, бу юнонча сўз бўлиб «ёнидан ўтиб кетиш» деган маънони англатади. Аллома бунда буйрак орқали ўтадиган суюқликни назарда тутган.

Қандли диабет билан хасталанган кишилар доимо врач назоратида бўлиб, асосан кимёвий моддалардан тайёрланган дори-дармонлар билан даволанадилар. (Бизда фақат уй ҳайвонларидан олинадиган инсулин ишлаб чиқарилади, холос).

Кимёвий дори-дармонлар жисмимизнинг бир қисмига тез таъсир этиб наф беради-ю, бошқа аъзоларга (жигар, буйракка) қисман бўлса-да зарарли таъсир кўрсатишини врач ва доришунослар ҳам эътироф этадилар.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ва чет элдаги шифокор олимларнинг илмий кузатишлари қандли диабет касаллигини даволашда кўпроқ табиий биологик фаол бирикмаларга эга бўлган доривор гиёҳлар, мева-чева, сабзавот шарбатлари ва қайнатмаларидан фойдаланишнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Чунки улар кимёвий дорилар каби



Наъматак



бошқа аъзоларга салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча наф беради.

Шу туфайли халқимизнинг доривор ўсимликларга талаби ва эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунончи, Тошкент, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларда ташкил қилинган «фитобар»ларда турли доривор ўсимликлар қайнатмаси ва суртмаларидан ўпка-нафас йўли, юрак, буйрак, жигар, қон босими, қандли диабет касалликларига чалинган беморлар яхши шифо топмоқдалар.

Лекин кўп ҳолларда шифокорлар бундай доривор ўсимликларни, дамлама ва шарбатларни тавсия этмайдилар. Бунга сабаб ўша шифокорларнинг доривор ўсимликлар тўғрисида етарли билимга эга эмасликларидир. Шунинг назарда тутиб қуйида қандли диабет хасталиги учун фойдали бўлган ўсимликлар тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Мамлакатимизда ягона бўлган Москвадаги Бутуниттифоқ доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий текшириш институтининг бир гуруҳ олимлари профессор А. Турова раҳбарлигида қанд касаллигига қарши фойдаланиладиган — черника, ловия мевасининг пўчоғи, манжурия арлясининг илдизи, наъматак меваси, далачой ва газзаёт каби доривор ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган арфазетин деб аталувчи дамлама яратдилар.

Арфазетин препаратининг қайнатмасини ичган бемор қони ва сийдигининг таркибида ортиқча қанд (карбонсув) тўпланмайди, жигар фаолияти яхшиланади, қувватсизланиш ва рухий тушкунликка тушиб қолишдан сақлайди.

Уй шароитида арфазетиндан дамлама тайёрлаш учун сирли идишга 2 пиёла қайнаган сув қуйилади, устига 10 грамм арфазетин солиб, буни бошқа сувли идишга қуйиб 5 дақиқа қайнатилади. Сўнгра қайнатма совитилиб докада сузиб олинади. Сузиб олинган қайнатмага 2 пиёла қайнатиб совитилган сув қуйилади ва ҳар куни 2—3 маҳал ярим пиёладан бир ойгача ичилади. Бундай қайнатмадан бир йилда 3—4 ой давомида ичиб турилса, бу хасталикдан фориг бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, қанд хасталигига дучор бўлган беморлар ўзларининг парҳез таомларига турли хил ошкўклар билан бирга дафна дарахти баргарларидан солиб истеъмол қилиб юрсалар, овқат енгил сингйиди, осон ҳазм бўлади ва камқувватлик, фалажликдан сақлайди. 10 дона дафна баргини 3 пиёла сувда қайнатиб, сузиб олинган дамламадан кунига 3 марта овқатдан илгари ярм пиёладан ичилса, қонда ва сийдик таркибида ортиқча қанднинг йиғилиши камайиб, тананинг меҳнат қобилияти сусайишидан яхши сақлайди.

Агар бемор қони ва сийдиги таркибида қанд миқдори меъёридан ортиб кетиб чанқоқ кучайса, 100 грамм сулини яхшилаб ювиб, 3 пиёла сувда 1 соат давомида қайнатиб сузиб олинади ва кунига ярим пиёладан 3—4 маҳал ичиб юрилади. Муолажанинг бу тури ҳам яхши наф беради.

Дорихоналардаги махсус 145-номерли йиғма чой черника, газанда ўт, қоқиўт илдизи, қирқбўғин, чумчуқ тил каби доривор гиёҳлардан тайёрланган бўлиб беморга кучқувват беради.

Бу чой таркибидаги газанда ўт ва кавар каби гиёҳлар қанд касали билан оғриган бемордаги қон кетишини тўхта-тиб (агар бирор аъзо шикастланса) қон ивишини тезлаштиради.

Таниқли доришунос олим А. Гаммерманнинг таъкидлашича, бу касалликка яна бир даво Ўзбекистондаги адир, йўл ёқаларида судралиб ўсувчи кавар ўсимлигининг сояда қуритилган поя ва баргидан тайёрланган дамламасидир. У беморни бошқа ҳар хил юқумли касалликдан ва турли хил яралар тошишдан сақлайди ёки тошган бўлса, уларни йўқотишга ҳам ёрдам беради.

Доришунос профессор В. Махлаюкнинг маълумотига кўра, қанд касаллигини даволашда черника, ловия қўзоқлари, зиғир уруғи ва сули сомонидан тенг миқдорда тайёрланган йиғма чой наф берад экан, яъни йиғма чойдан 3 қошиқ олиб, 3 пиёла сувда 10 минут қайнатилиб, сузиб олинади ва ундан кунига 6—8 марта ичилади.

Ҳаммамизга маълум кўк чой беморнинг кайфиятини кўтариб, асабларни тинчлантиради, чанқоқни босади, бош, юрак оғригига, айниқса қон босимига дучор бўлганлар

Дуою фотиҳада на деб илтижо қиламиз?

Ойномамиз мухбири Хусниддин УМАРЗОДАнинг Урта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси фатво бўлимининг мудирин Абдулазиз МАНСУРОВ билан сўхбати.

САВОЛ: Одатда, мусулмон халқлари ибодатларда, маросимларда ва турли бошқа муносабатларда қўл очиб дуо ва фотиҳа қиладилар, баъзида она тилида, баъзида эса араб тилида тилакларини сўрайдилар. Сиз диний мутахассис сифатида дуо қилишнинг келиб чиқиши, унинг тартиб ва қондалари ҳамда араб тилида ўқиладиган махсус дуолардан айримларининг мазмуни билан муштарийларимизни таништирсангиз, зеро ойномамиз унвонига келаётган хатларда тез-тез шу ҳақда сўрамоқдалар. Шояд бу билан савобли иш қилган бўлсак. Дуо қилиш ислом даврида вужудга келганими ёки ундан илгари ҳам бўлганми?

ЖАВОБ: Дуо қилиш, Тангридан ўз истак ва орзуларини сўраш — бу қадимдан, яъни ислом динидан олдин ҳам дунёнинг ҳамма халқларида одат бўлган. Бу ҳақда бизга Қуръони каримнинг ўзи гувоҳлик беради. Масалан, Одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Яқуб, Юсуф, Исо каби пайғамбарларнинг Тангрига илтижо қилиб айтган дуолари Қуръонда аниқ иборалари билан келтирилган. Шундан биланмики, дуо қилиш ислом динигача ҳам мавжуд бўлган.

САВОЛ: Қадим пайғамбарларнинг қилган дуоларидан айримларини мисол тариқасида келтири олмайсизми?

ЖАВОБ: Масалан, Одам Ато жаннатда ман этилган дарахт мевасидан еб қўйганларидан кейин афсусланиб тавба этадилар ва Тангридан кечирим сўраб дуо қиладилар. Оллоҳи Таоло тавбаларини қабул қилиб, йўл қўйган хатоларини кечиради. Бу ҳақда Қуръони каримнинг бир неча сура ва оятларида ҳикоя қилинади.

Нух пайғамбарнинг қавми (уммати) имонга келиш, Яратганга сўғиниш ва тўғри йўлга тушиш ўрнига ўта итотсизлик билан Нух алайҳиссаломнинг даъватларига қўлоқ солмайдилар. Аксинча тобора фосиқу фожир бўлиб кет-

Хурматли редакция!

Бизлар «Фан ва турмуш» журналининг бу йилги чиқарган сонларидан чексиз мамун бўлдик. Инсон учун ибратли сўзлар ёзилапти, айниқса, одоб-у ахлоқ, меҳр-оқибат, тарбия, оилавий аҳиллик тўғрисида ёзилган сўзлар ниҳоятда бизга манзур бўлди. Сизлардан ибодат вақтида ва марҳумлар хотирасига фотиҳа ўқилганда айтиладиган сўзларнинг маъносини билишни истардик.

Бозор БАЖИЕВ,
Сирдарё вилояти, Сирдарё ноҳияси,
Охунбобоев жамоат хўжалиги,
2-бўлими.

ганларидан кейин ўз қавмини дуон бад қилишга мажбур бўладилар. Дуон бадларида: «Эй Парвардигор! Мен ўз қавминимни кечаю кундуз ҳақ йўлга даъват қилдим, лекин менинг даъватим уларга фақат салбий таъсир кўрсатди. Мен уларни Сенинг мағфиратингга чақириб дуо қилсам қўл бармоқларини қўлоқларига тикладилар, кийимларига ўралиб оладилар, ўзларининг нотўғри йўлларида давом этадилар ва кибру ҳаволарини янада кучайтирадилар... Эй Парвардигор! Мени, ота-онамни ва уйимга кирган ҳар бир мўъминни ҳамда барча эркак-аёл мўъминларни мағфират қилиб гуноҳларини кечир! Золимларни эса фақат ҳалок қилгин!» (Нух сураси, 5-, 6-, 7-, 28-оятлар).

Шундан кейин Оллоҳи Таоло Нух қавмига машҳур тўфон балосини юбориб ҳалок қилиб юборди. Нух алайҳиссалом ясаган кемага чиққан мўъминлар ва жониворларгина тирик қоладилар.

Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғиллари Исмомл алайҳиссалом билан бирга Тангрининг буйруғи билан Байтуллоҳни қуриб битирганларидан кейин ушбу дуони ўқиганлар: «Эй Парвардигоримиз! Биздан бу ишимизни қабул эт! Зеро Сен дуоларни эшитувчи, доно зотсан! Парвардигоро! Бизиккимизни ўзингга итоткор қилгин! Бизнинг зурриётларимиздан ҳам ўзингга бўйсунадиган мусулмон умматларини чиқаргин! Бизга ҳаж қилиш қондаларини таълим бергин ва бизларнинг тавбаларимизни қабул эт! Зеро Сен тавбаларни қабул этувчи, меҳрибон зотсан!» (Бақара сураси, 127—128-оятлар).

Мусо алайҳиссалом ўз қавмлари бўлмиш Баний Исроил талаблари билан Оллоҳдан кўп нарсаларни дуо қилиб сўраганлар. Масалан, уларнинг устларига соя солиб юриш

Боши 25-бетда

руҳини тетик, бардам қилиб, иш фаолиятини яхшилайти ва танадаги қанд моддаларини изга солади.

Шунингдек, зиркнинг яшил барглари ҳузурбахш таъмага эга бўлиб, кишини чанқаш ва очликдан яхши сақлайди, айниқса қанд касалига чалинганлар учун фойдаси катта. Қолаверса, бундай касалларга оқватланишдан олдин янги сабзи ва бодринг ейишни, қандлавлари шарбатини бироз суюлтириб ичиш маслаҳат берилади. Қорақанд меваси билан чинор пўстлоғидан тайёрланган шарбат ва олма илдизининг қайнатмаси ҳам қандли диабетни даволашда яхши восита экан. Шунингдек янги терилган қулупнай, қора гилос, маймунжон каби мева шарбатларини оқватдан кейин ярим пиёладан истеъмол қилинса, қон таркибидаги қанд салмоғини пасайтиради.

Америка олимларининг фикрларига кўра, бодом ва данак фақат тутқаноққа фойдали бўлибгина қолмай, қанд касаллигига ҳам ижобий таъсири билан дармон бўлади.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино мия, қонтомир, буйрак, ўпка ҳамда қанд касалликлари билан оғриган кишиларни даволашда ёнғоқ мағзидан жуда самарали фойдаланган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, қанд касали билан оғриган кишиларнинг парҳез таомлари асосан оқсил моддалари

кўпроқ бўлган қора буғдой, ловия, нўхот, мош ва девзира гуручлардан иборат бўлиши керак.

Беморга куч-қувват бўладиган ва жисмоний меҳнат қобилиятини кучайтирувчи женьшень илдизининг спиртли тиндирмаси, китир, аралий дамламаси, айниқса лимонўт тиндирмасининг экстрактлари каби дори-дармонлар ҳам борки, улардан врач-эндокринолог маслаҳати билан фойдаланилса, яхши наф беради.

Бундан ташқари, қандли диабет билан хасталанган беморнинг кундалик оқватида кўпроқ қарам, қовоқ, бодринг, бақлажон, кашнич, укроп, петрушка, саримсоқ, кўк пиёз, сабзи, помидор, оз миқдорда хантал бўлиши, кунига 600 граммгача сабзавот истеъмол қилиши керак.

Тенг миқдорда сабзи, қизилча, бодринг шарбатларидан коктейл қилиниб, оқватдан олдин ичилса соғлиқ ва кайфият мустаҳкам бўлади. Чунки шарбатлар сийдикни ҳайдаб, ўт суюқлиги ажралишини тезлаштиради, буйрак, жигар фаолиятини яхшилайти.

Юқорида айтилганлардан хулоса чиқариб номлари тилга олинган ўсимлик ва мева шарбатлари кўпроқ ишлаб чиқарилса, халқ саломатлигини сақлашда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Одилжон ЖАЛОЛОВ,
Андижон Давлат педагогика институтини
доценти, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

учун махсус бир бўлак булутнинг юриши, осмондан тайёр озик-овқат тушиб туриши ва бошқа хоҳишларини Мусо алайҳиссалом Тангридан сўраб берганлар. Дуолари ижобат бўлган.

Юнус алайҳиссалом ўз қавмларининг жабру ситамлари-га бардош бераолмай охири жонларидан тўйиб ўзларини дарёга ташлаганларида бир балиқ ютиб юборади. У балиқни яна бир катта наҳанг балиқ ютади. 40 кун балиқ қорнида ётиб, ўзларининг хатоларини тушунадилар. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам пайғамбар ўз умматини ташлаб кетмаслиги керак эди. Шундан кейин охири ушбу дуони ўқийдилар: «Сендан бўлак ҳеч қандай илоҳ йўқ! Сен барча айбу нуқсонлардан пок зотсан! Мен эса ўзига ўзи зулм қилганлардан бўлдим!» — деб илтижо қилганларидан кейин Ҳақ Таоло нажот бериб балиқ қорнидан соғ-саломат чиқаради. Бу ҳақда Сўфи Оллоёр ушбу байтни айтганлар:

Балиқ қорнида ул соҳиб каромат,
Чила ўлтирдию, чиқди саломат.

Исо алайҳиссалом ўз қавми талабига биноан Оллоҳдан тўкин дастурхон туширишни сўраб шундай дуо қилганлар: «Илоҳий, Парвардигоро! Бизга осмондан бир тўкин дастурхон назил қилгинки, у бизга ҳам ва биздан кейин келадиганлар учун ҳам хурсандлик бахш этсин ҳамда Сендан у бир мўъжиза бўлсин! Бизларга ризқу насиба ато эт! Зеро Сен ҳаммадан карамли ва раззоқсан!» [Моида сура-си, 114-оят].

Бизнинг пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларининг пайғамбарлик даврларида турли муносабатлар билан жуда кўп дуо ва илтижолар билан Ҳақ Таолога илтижо қилганлар ва жуда кўп дуолари билан ўз умматларига таълим берганлар.

Ислом динида дуо қилишнинг аҳамияти тўғрисида гап кетганда табиий равишда бу ҳақда ислом динининг асосий манбан бўлмиш Қуръони каримда қандай кўрсатмалар бор экан, деган савол туғилади. Қуръони каримда Оллоҳи Таоло мўъминларга: «Мендан ҳожатларингни сўраб дуо қилгингизлар, мен ижобат қилай!» деб марҳамат қилади. [Фо-фир сура-си, 60-оят].

САВОЛ: Дуоларнинг энг афзали қайсилар: чунки кўп жойларда бу ҳақда турлича фикр билдиришади. Мухтарам муштарийларимиз Сизни ҳадисларнинг таржимоонларидан бири сифатида яхши танишади. Ҳадисларда ҳам кўп дуо-лар берилган, шундай эмасми?

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, дуо — бу баида билан Тангри ўртасидаги руҳий бир алоқа бўлиб, бу билан инсон даргоҳи илоҳийдан ўзининг хоҳ дунёвий, хоҳ ўхровий ҳожат ва истақларининг раво этилишини илтижо билан сўрайди.

Дуоларнинг ичиде энг афзали ва ижобатга яқинроғи

Қуръони каримда ва Ҳадиси шарифларда таълим берилган дуолардир. Бундай дуоларни «маъсура дуолар» деб аталади. Шуларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамиз.

Дунёдан ўтиб кетган ва ҳаёт юрган мўъминлар ҳаққига қуйидагича дуо қилиш тавсия этилади:

«Эй Парвардигоримиз! Бизларнинг ва биздан олдин имон билан ўтиб кетган барча мўъминларнинг гуноҳу маъсиятларини мағфират этиб, уларга ўз раҳматингдан насиб қилгин! Ҳаёт юрган барча мўъминларга нисбатан дилларимизда гина, ҳасад ёки адоват бўлишидан ўзинг сақла! Албатта Сен ўз бандаларингга меҳрибон ва марҳаматли зот-дурсан!» (Ҳашр сура-си, 10-оят).

Тўғри йўлдан адашиб кетмаслигини сўраб қуйидагича дуо қилиш кўрсатилган:

«Эй Парвардигоримиз! Бизларни рушду ҳидоятга солиб, тўғри йўллаб қўйдинг. Энди зинҳор дилларимизни залолат ва нотўғри йўлларга буриб қўймагин! Ўзингнинг кенг даргоҳингдан бизларга раҳматларингни ато эт, зеро Сен саховат ила ато этувчидурсан!» [Оли Имрон сура-си, 8-оят].

Жаноби Расулulloҳ ўзларининг Ҳадиси шарифларида дуо тўғрисида шунчалик кўп маълумот берганларки, ҳадисларни йиғиб китоб шаклига келтирган муҳаддис олимларнинг кўплари дуо қилишга тааллуқли ҳадисларни алоҳида йирик-йирик тўпламлар шаклида ёзиб қолдирганлар. Улар ичиде ал-Ҳофиз Абдул-Азим ибн Абдулқавий ал-Мунзирий (656 ҳижрий санада вафот этган)нинг «Амапұл явми вал лайла» («Бир кечаю кундузда ўқиладиган дуолар») тўплами энг мўътабар асар саналади.

Бир ҳадиси шарифда айтиладики: «Қайси бир мўъмин Оллоҳи Таолодан ўз ҳожатларини сўраб дуо қилса, Парвардигор ул кишининг учта мукофотнинг бирига бешак эриштиради:

1. Шу қилган дуосини тез фурсатда ижобат этиб, сўраган муддаосини ато этади.

2. Сўраган ҳожатларини бу дунёда раво қилмаса-да, уни охири учун сақлаб қўяди.

3. Шу қилган дуоси шарофатидан баъзи бало, офат ёки мусибатларни даф қилади.

САВОЛ: Абдулазиз ака, дуода шунчалик хосиятлар кўп экан, уни қандай, қайси ҳолатда ва қачон қилиш маъқуллиги, қайси ҳолатларда ва қайси вақтларда дуо қилиш жоиз эмаслиги ҳақида ҳам сўзласангиз.

ЖАВОБ: Албатта. Энг муҳими ҳам шунда. Дуо қилишнинг ўзига хос қонун-қондалари борким, уларга риоя этилмаса унинг мустажоб бўлиши амри маҳол. Лекин бу ҳақда келгуси сафар суҳбатлашсак. Ҳаммаларимизнинг эзгу ниятларимизнинг рўёбга чиқишида Ўзи мададкор бўлсин!



ШУНИСИ
ХАТАРСИЗ

Япония парламентининг қуйи палатаси биносининг шипи шимшадан ишланган. Бу мамлакатда ер ости силкинишлари бўлиб туриши сабабли залдаг ҳар бир ўриндик тагига ёғоч қутича ўрнатилган. Ер қимирлаган заҳоти бу қутича бошга бостириб кийиб олинади.

ТИКУВЧИ ЧУМОЛИ

Жарроҳлар игна ва ип билан кесилган жойни тикса-лар, Африкадаги халқ жарроҳлари эса тикши учун тирик «асбоблардан» фойдаланадилар. Улар жароҳатни чумоли ёрдамида тикадилар. Кесилган жойнинг четлари бири-бирига бирлаштириб турилади ва жароҳат устига бир неча чумоли қўйиб чиқилади. Чумоли, одатга кўра, бемор терисини жон-жаҳди билан тишлайди, шунда африкалик медиклар чумолининг бош қисмини қолдириб қолган қисмини кесиб ташлайдилар, жароҳат эса худди улар устига қавс қўйилгандек пишиқ беркилиб боғланиб қолади. Шунинг учун ҳеч қандай яллиғланмиш жараёни содир бўлмайди. Чумоли акратиб чиқарган модда антибиотик каби бўлиб инфекциядан ҳимоя қилиши мумкин.



ҚАНЧА
АВТОМОБИЛЬБОР

Жаҳонда энг кўп автомо-биль эгаси Жон Маршалл-дир. Улар уч мингдан ортиқ. Ажойиб бу коллекцияда турли машина моделлари — енгил, юк, махсус буюртма машиналарни кўриш мумкин. Маршалл ўзининг сеvimли «ўйинчоқлари»ни йигирма уч йил тўплаган. У коллекциясини жуда катта пулга сотишга ҳам унамаётир.

УЧ СОНИЯ КИФОЯ

Америкадаги фирмалардан бири ўт ўчиришининг янги системасини ишлаб чиқди. У ўт чиқишининг ҳар қандай турини ёки марказидаги ҳарорат уч минг даражадан юқори бўлган атом электр марказининг маълум дақиқа ичиде тасодифан портлашини даф этади. «Либерти» системаси ядро реактори биносига ўрнатилган. Ўт чиқиши билан автоматик равишда залп берилади ва уч сония ичиде олов устига икки юздан то бир неча тоннагача юқори ҳароратга бардош берадиган зарарсиз кимёвий модда со-чилади.

курама

АСРИЙ ЖУМБОҚЛАР ЕЧИЛМОҚДА

«СИРЛИ ЕНГИН» МАҚОЛАСИ МУТАХАССИСЛАР МУҲОКАМАСИДА

«СИРЛИ ЕНГИН» мақоласи эълон қилинганидан буён идорамиз кўплаб мактуб олди. Шунингдек, учрашувларда ҳам бу тўғрида саволлар кўп бўлди, оғзига талқон солиб олган олимларимиз шаънига аччиқ таъналар билдирилди. Идорамиз ҳам шу таъналарга қўшилади. Исталган вақтда исталган хонадонда рўй бериши мумкин бўлган, фуқарога руҳий ва иқтисодий жиҳатдан катта зарар келтираётган табиат жумбоғи — полтергейст («руҳлар ўйини») ҳодисасини ўрганишга маълумат миқёсида жиддий эътибор берилётган бир пайтда жумҳуриятимиз олимларининг гўё бу муаммо йўқдек миқ этмай туришлари нафақат ажабланарли, балки аянчлидир.

Ниҳоят, бир олим ўз фикрларини билдиришга журъат этди. Биз унинг шарҳини мамнунлик билан эълон қилиш баробарида бу муҳокамага турли соҳа вакилларини ҳам таклиф этамиз. Майли, ҳар ким ўз фикрини айтaversин, зотан, баҳс, фикрлар хилма-хиллиги ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, бу мақолани ўқир экансан, воқеага ишонишни ҳам ишонмасликни ҳам билмайсан, киши. Негаки, ишонай десанг, бобокалонларимизнинг жинлар, уларнинг базмлари ҳақидаги ривоятлари воқеликка айланиб қолади. Лекин фан тили билан айтганда, жинлар ҳам, уларнинг базмлари ҳам инсон тафаккури хусусиятларининг кўринишларидан бири. Ишонмай десанг, гувоҳлар ҳаёт. Вожаб! Наҳотки «ҳеч нима»дан ёнғин чиқса!.. Таажуб... Ҳайратнинг ошса арзигудай воқеа...

Шундай экан, хўш, бу каби воқеалар илгарилари ҳам кузатилганми деган савол туғилиши муқаррардир. Ҳа, бу каби воқеалар илгарилари ҳам рўй берган. Кези келганда Украинада содир бўлган бир воқеани эслаш жонждир...

— Ердам беринг!.. Уйимиз ёнмоқда!..

Воқеа 1988 йил куз фаслида содир бўлганди. Қунларнинг бирида Донецк вилояти, Енакнево шаҳрида истиқомат қилувчи Алла Владимировналар хонадонда дераза ойнасидан тешик очилиб қолди, аммо ҳеч қандай дарз ишонаси йўқ эди.

Орада бир-икки соат ўтгач, электр токи билан ишлайдиган уй-рўзгор асбоблари, кутилмаганда, ишга тушиб кетди. Ҳатто телевизор, радиоприёмник, стол устида турган лампа гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди. Алла Владимировна нималар бўлаётганига тушунмасди. У воқеани тегишли одамларга етказди, аммо улар ҳам аниқ бир жавоб бера олмади.

23 ноябрь соат саккиз яримда хонадонда ёнғин чиқди.

— Онажон! Онажон! Енаямиз!.. — уй ичидан эндигина ўн уч баҳорни кўрган ёш Сашанинг қичқиргани эшитилди.

Ёнғиндан саросимага тушган Алла

Владимировна бунга ўғлини сабабчи деб ўйлади.

— Бу сенинг ҳунаринг! Химреактив билан ўйнашмагин деб минг маротаба айтдим. Уртоқларингни бошлаб келиб, мақтандинг. Мана сенга оқибати, — деб юзига бир-икки шапалоқ ҳам қўйди.

Саша тўхматга чидай олмай, кўзларига ёш тўлди:

— Онажон! Бу менинг ишим эмас, ҳеч қандай химреактивларингизни кўрмадим. Қаердалигини ҳам билмайман...

Орада бир неча кун ўтиб, ёнғин воқеаси такрорланди.

— Агарда, — дейди Алла Владимировна, — кир ювадиган машинанинг ичидан чиқаётган тутунни ўз кўзим билан кўрмаганимда, яна Сашани айблардим...

Воқеа бир зумда Донецк вилоятига ёйилиб кетди:

— Мўъжизавий бола пайдо бўлганмиш...

— У ҳаммаёқни ёндириб юбораётганмиш...

Бу миш-миш эмас, балки ҳақиқат эди. Алла Владимировнанинг уйида ёнадиган ниманки бўлса, кўйиб қулга айланди. Учирувчилар ҳам бу Сашанинг қилиғи, деб онага тасалли бермоқчи бўлишди. Аммо Сашанинг ёнида на гугурт, на бирорта ёндирувчи асбоб бор эди. Унинг ўзи ҳам ҳеч нимага тушунмас, нега уйимиз ёнапти, деб сўраб ҳам қўярди. Одамлар Сашани руҳий касал деб ҳисоблашди, лекин шифокорлар у соппа-соғлигини айтишди.

Маълум вақт ўтгач, хонадонда ёнғин чиқишидан ташқари, кир ювгич ва совутгич каби залворли буюмлар ҳам ўз-ўзидан ағдарилга бошлади. Шуниси қизиқки, ҳамма воқеа Саша бор ерда содир бўларди. Бу сирли ҳодисаларнинг сабабини тополмай, ҳамма га-

Бултур ойноманинг 9—10-сонларида босилган тарих фанлари номзоди Турғун Файзиевнинг «Сирли ёнғин» мақоласи менда катта қизиқиш уйғотди. Унинг охирида тахририят бу сирли ҳодиса тўғрисида фикр билдиришни сўраб, мутахассис олимларга мурожаат қилган эди. Бироқ, мана, ярим йилдан ошдики, бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти. Наҳотки табиатнинг бу жумбоғи олимларни қизиқтирмас, ёки улар бирон фикр билдиришга шунчалик ожизмилар! Ахир биз, муштарийлар олимларимиздан ҳаммани қизиқтираётган ҳодисани изоҳлаб беришни сўрашга ҳақлимиз-ку!

Алишер КОМИЛОВ,
Қарши шаҳри, Ульянов
кўчаси, 23-уй.

ранг эди. Айримлар Сашада гипнотик хусусиятлар пайдо бўлган, деб ўйлашса, бошқалар бу кўриммас шарсимон яшининг иши дейишди. Бироқ ҳануз бирор аниқ фикрга келишолмапти. Бир пайтлари худди шундай воқеа АҚШда ҳам содир бўлганди. Бироқ улар ҳам масалага тўғри ёндаша олмай, уни илоҳий кучга боғлашган.

Гарчи мен биология, психология ва шунга ўхшаш фанлардан анча ўзоқ бўлсам ҳам, сирли ҳодисаларни изоҳлашга бўлган қизиқишим шу ҳақда бош қотиришга ундади. Кўп изланишлар натижасида қуйидаги фикрларга келдим. Баъзи олимларнинг фикрича, инсон онгини ўн қаватли иморатга қиёслаш мумкин бўлса, биз унинг фақат биринчи қаватидаги имконият, қобилиятларимиздан фойдаланялмиш, холос. Қолган тўққиз қаватда қандай имконият, қобилиятлар борлиги ҳали биз учун жумбоқ. Бу фикр мени кўп ўйлантиради. Мабодо олимлар инсон онгининг имкониятларини ҳатто юз қаватли иморатга қиёслашганда ҳам бунга ишонган бўлардим.

Хўш, нега шундай! Нега биз бу иморатнинг иккинчи ва ундан юқори қаватларига чиқолмаймиш. Ҳа, чиқолмаймиш, чиқишга умид ҳам йўқ. Чунки илм-фан ривожини инсон меҳнатини, қолаверса унинг қобилиятини тортиб олган. Бир ўйлаб кўрин-а! Бир пайтлари бобокалонларимиз беморларни қандай даволашгани ўзингизга маълум. Аммо биз — йигирманчи аср одамлари уларни илм-соғлиқда айблаб, не кўйларга солмадик, не-не азоблар бермадик. Мана энди уларнинг миллиондан бир усулини топиб, Кашпировский бўлиб юрибмиш, воқеанинг тағига тушунмай. Бу бир.

Иккинчидан, инсон танасида бирор касаллик пайдо бўлса, унга давони жисмининг ўзи топарди. Шуни билгинки, ер юзиде дориларнинг тури

қанча бўлса, ўшанча хил дорини жисмимизнинг ўзи ишлаб чиқарарди. Лекин ҳозир-чи! Йўқ. Чунки у табиий дорини ишлаб чиқаргунча, сиз сунъий дорилардан бирини кул этиб ютиб юборасиз. Шундай экан, дори ишлаб чиқариш учун жисмимизда эҳтиёж қолармикан! Қолмайди, албатта. Жараён шу тарзда давом этаверган, ўша дориларни ишлаб чиқарувчи аъзоларимиз ҳамда у аъзолар ишини бошқариб турувчи тола ва нейронлар ўз фаолиятини тўхтатади. Ҳозирда улар абадул-абад тўхтаган. Шундай экан, биз жисмимизнинг юқори қаватларидаги қобилиятларимизни қандай ишлатаямики! Йўқ, бундан кейин ҳам ишлата олмаймиз.

Худди шу гапларни кўзимизга биорадиопрёмникимизга, биорадиопередатчимизга ҳам айтишимиз мумкин. Бу дурниламаларнинг ҳар бири ўз вақтида худди телевизор каналларига ўхшаб кўл диапазонли бўлган, лекин буларни биз биймаймиз. Шу боис ҳам бирор кимса инсонга хос бўлмаган қобилиятга эришса, масалан, сейф ичидаги нарсаларни, одамларнинг ички аъзоларини кўзи билан кўриб қолса, уларни муъжизавий одамлар қаторига қўшиб қўямиз. Ваҳоланки, бир пактлари бобоалонларимиз эга бўлган, ирсият қонунига асосан бизга мерос қолдирган қобилият-ку бу! Нега шундай экан-а!!

Масалан, шифокорлар тили билан айтганда, кўз соққасида жойлашган «кўр доғ»ни олайлик. Аввало уни нега «кўр доғ» деймиз! Кўрмаганлиги учунми! Ё ўз вазифасини бажармаётгани учунми! Агар шундай деса, адашамиз. У ҳали ҳам ишлаши мумкин, фақат биз уни ишлатиш йўлини биймаймиз. Агарда ишлата олганимизда одамнинг ичи тугул, ҳатто радиоактив нурларни ҳам кўра олган бўлардики.

...Юлия Фёдоровнани 388 вольт кучланиш остида ток урган. Бир эндаёқ танаси куйиб, қорайиб кетган. «Тез ёрдам» машинаси етиб келганда у беҳуш ётарди, нафас олиши сезилмасди. Шифокорлар уни ўлдига чиқариб ўликхонага олиб боришган. У ўликхонада қанча вақт ётгани номаълум, лекин кунларнинг бирида ёш талабалар мурданинг фанга керакли аъзоларини кесиб олишгаётган пайтда Воробьеванинг танасидан қон сирқиллаб оққан. Бу эса танада жон бор эканлигидан далолат беради.

Юлия Фёдоровнанинг яшаб кетишига бирор кимса ишонмасди, ҳатто шифокорлар ҳам. Орада олти ой ўтган, у оёқда турди. Лекин энди у аввалги Юлия Фёдоровнага ўхшамасди. Айниқса кўзлари чўндай ёнардди. Инсон кўра олмаган нурларни ҳам кўра оларди, ҳатто инсон жисмининг ички аъзоларида содир бўлаётган жараёнларни ҳам розмана кўрар, унинг боисини айтиб беради. Лекин бу элда бошқа нурларни ҳам кўриш қобилияти қандай пайдо бўлди — бунинг ҳеч ким биймасди.

Бунинг изоҳлаш учун «кўр доғ»га мурожаат қилишга тўғри келади. Зотан, у бизда ишламаслигининг сабаби устки қобиғи қават-қават шиллик моддали қатламлардан ташкил топиб ётибди. Уни бошқариб турадиган нейронларимиз, нейрон ва «кўр доғ»ни ўзаро бирлаштириб турадиган ўтказгич-толаларимиз ҳам қават-қават шиллик модда билан қопланиб ётибди. Юлия Фёдоровнанинг аъзолари эса энди бундан истисно, чунки ток ўз ҳаракатини аввало ўша аъзолар бўйлаб бошлаган. Устидаги қатламларни куйдирган-у, лекин уларнинг ядросини куйдиришга улгуролмай қолган. Натижада у аъзо дунё юзини қайта кўрган. Шу боис ҳам Юлия Фёдоровнанинг кўзи бошқа диапазонларда ҳам кўради. Демак, «кўр доғ» инсон кўзининг кўриш қобилиятини бир диапазондан бошқа диапазонларга ўз-ўзидан ўтиб туришини бошқарадиган аъзо экан. Шундай экан, уни «кўр» дейишга ҳақимиз борми!

Бошқа аъзоларимиз ҳақида ҳам худди шундай гапларни айтишимиз мумкин. Айниқса биорадиопрёмник, биорадиопередатчиклар тўғрисида. Чунки инсон қобилиятини юқори қаватларга олиб чиқадиган аъзоларимиз орасида улар асосий ҳисобланади. Уларнинг ишлаш жараёнини билмас эканмиз, онгимизнинг юқори қаватларига ҳеч қачон кўтарила олмаймиз.

Энди айтинг-чи, қандайдир тасодиф билан юқори, масалан, тўққизинчи қаватдаги нейронларимиз иш ҳолатига ўтиб қолса, у чиқараётган импульсларни биринчи қаватдаги аъзоларимиз қабул қиладими-йўқми! Фақатгина биринчи эмас, балки бошқа қаватдаги аъзоларимиз ҳам қабул қилмайди. Чунки ҳар бир аъзони бошқариб турувчи ўз нейронлари бор, у фақат ўз нейронларининг импульсларини қабул қилиши мумкин, холос. Шундай экан, тўққизинчи қаватдаги нейронларнинг импульси, яъни биозарядлари қаёққа борсин! Тўғри, олдинги улар саккизинчи, еттинчи ва ҳоказо қаватларга бирма-бир тушиб кўради. Лекин бирорта аъзо қабул қилмагач, биринчи қаватга тушади ва, ниҳоят, ўзига макон топади, яъни, биозарядлар инсон танаси атрофида галалашиб, биозарядлар булутини ташкил этади. Маълумки, қаерда зарядлар ёки биозарядлар булути вужудга келса, у ерда «шарсимон яшин» пайдо бўлишига шароит яратилади. Шундай экан, Саша бор жойда кучли силкинишлар, совутгичларнинг ағдартўнтар бўлиб кетиши ўша «шарсимон яшин» туйфайлидир.

Одатда «шарсимон яшин» кўзга кўринади. Лекин биозарядлар булутини натижасида пайдо бўлган «шарсимон яшин»ларни бевосита кўрмаслигимиз мумкин. Бунга уларнинг тезлиги ва бошқа тўлқинли майдонда вужудга келиши сабабчи деб қаралса, ҳар ҳолда муболага бўлмаса керак.

Саша бор жойда лампочкалар,



радиопрёмник ёки телевизорлар ёниб-ўчиши биозарядлар ҳақиқатда борлигидан далолат беради. Чунки улар қаерда бўлмасин, ўша жойда кўприк ҳосил қилиб очик занжирни беркитади. Натижада лампочка ёнади, телевизор ишга тушиб кетади. Демак, Саша воқеасига Сашанинг ўзи сабабчи. Чунки ҳануз фаолиятсиз ётган нейронлари қандайдир сабаблар билан ишга тушиб кетган, лекин унинг импульсларини қабул қилувчи аъзолар фаолияти сўнгган. Натижада импульслар, яъни биозарядлар ташқи муҳитга чиқиб биозарядлар биобулутини ташкил қилган. Оқибатда кўзга кўринмас «шарсимон яшин»лар пайдо бўлиб портлаган, ёнғин содир бўлган.

Фикримизнинг далили учун онасининг Саша ҳақидаги фикрларидан намуна келтирамиз. У шундай дейди:

— Агарда мен Сашанинг олдида ўтирсам, ҳеч қандай воқеа содир бўлмайди. Лекин мен кетдим дегунча ё бирор нарса портлайди, ё ёнади.

Бу мутлақо тўғри гап. Чунки ўглининг олдида ўтирар экан, она ўз танаси орқали Сашанинг атрофида ҳосил бўлган биозарядларни потенциал нолга тенг бўлган ерга ўтказиб юборади, гўё ўтказгич ролини ўйнайди. Лекин у кетгач, «шарсимон яшин» пайдо бўлаверади.

Энди «сирли ёнғин» масаласига келсак, бу воқеа ҳам Саша воқеасининг худди ўзидир. Фақатгина Донецкда ёнғин сабабчиси Саша бўлса, бу ерда ёнғин чиққан ўша хонадон эгаларининг биридир. Аммо ким, афсус, бу ҳақда маълумот йўқ, очигини айтганда, маълумотнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, эллик тўртинчи йиллар бу каби сирли воқеаларга деярли эътибор берилмасди. Берилган тақдирда ҳам, бу Оллоҳнинг иши, деб қўя қолинарди. Иккинчидан, сирли ёнғиндан уй эгалари кучли ҳаяжон таъсирида бўлишган. Одатда, бундай вақтда одамлар дарҳол ўтни ўчириш пайдан бўлишади. Устига-устак, илм-фандан узоқроқ айрим одамларнинг воқеани нотўғри тушуниши, уни жинларга боғлаши уй эгаларини янада саросимага солиб қўйган. Уша пайтда оила аъзоларининг ҳол-аҳволи сичкилаб ўрганилганда, балки сир очилармики!

Уй бошлиғи оила аъзоларини Кўқонга кўчириб юборган, ёнғин тўхтаган. Бинобарин ёнғин сабабчисини кетганлар орасидан излаш керак. Кўплаб сирли ҳодисалар 12—13 ёш атрофидаги болалар иштирокида содир бўлди. Гарчи бу аниқ бўлса ҳам, лекин сабаби ҳозирча номаълум. (Баъзи олимлар шу ёшда киши жисми кескин ўзгаришларга учрайди, бино-

ОДАМЗОТ—

КОИННОТ—

ТИЛСИМОТ

ШУ ЙИЛ 23—24 МАРТ КУНЛАРИ
ТОШКЕНТДА СССР ЭКСТРАСЕНСЛАР
УЮШМАСИНИНГ 1 ТАЪСИС СЪЗДИ
БУЛИБ УТДИ.

Унда марказдан, кўплаб иттифоқ-дош жумҳуриятлардан қўл тегизмай даволовчилар, телепатлар, суггестологлар, фолбинлар, ғойибдан билувчилар ва ҳоказо йўналишдаги экстрасенслар, шу соҳаларни тадқиқ этаётган олимлар, жами мингдан зиёд делегат иштирок этди. Умумиттифоқ анжуманида кўплаб ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ташкилий комитет раиси, экстрасенс-биотерапевт Тоҳир Солиев СССР Экстрасенслар уюшмасининг президенти қилиб сайланди, унинг бошчилигида уюшма бошқармаси тузилди.

Анжуманда, шунингдек, кўплаб илмий ахборот ҳам тингланди, иштирокчилар ихтиёрига шу соҳада нашр этилаётган газеталар, одам ва оламнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги қадимги ҳинд ёдгорликларидан «Бхагавад-гита», «Абадий ҳаловат манбаи», «Шри Чантайя таълимоти» каби асарлар ҳавола этилди. Ойнома муқовасининг 4-саҳифасида ана шу нашрлар ва улардан олинган суратларни кўриб турибсиз.

Экстрасенсларнинг бутуниттифоқ анжумани ҳақида, бу борада жумҳуриятимизда қандай ишлар олиб берилаётгани тўғрисида ойномамизнинг яқин сонларидан бирида давра суҳбати ўтказиш ниятимиз бор. Ҳозир

эса анжуман ишидаги йўналишлардан уchtасига онд кичик мақолаларни диққатингизга ҳавола этмоқчимиз, зотан, шу уч йўналиш бўйича идорамиз муштарийлардан кўплаб мактублар олаётир.

Одам маймундан тарқаманган, балки Коинотдан келган деган фикр тўғрими! Кейинги пайтларда ҳаётнинг ўзи Ерда пайдо бўлмаган, аксинча, четдан келтирилган дейишяпти — бу қанчалик ҳақиқат! Ер юзида инсоният билан бирга бизга номаълум бошқа цивилизациялар ҳам мавжудлиги ростми! Умуман, инсон ва коинотнинг ўзаро муносабатларига янги-ча қарашлар қандай!

СССР Илмий-инженерлик жамиятлари иттифоқи ҳузуридаги Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича бутуниттифоқ комитетининг раиси, СССР Экстрасенслар уюшмасининг 1 таъсис съездида уюшма вице-президенти қилиб сайланган олим В. Казначеев «Феномен» газетасидан олинган «Ҳаёт симбиози» номли мақоласида шу ҳақда сўз юртади, анжумандаги нутқида ҳам шу асосда гапирди (Тошкентда ташкилий комитетнинг нашри сифатида СССР Экстрасенслар уюшмасининг 1 таъсис съездида бағишлаб 1990 йил 23 мартда бир марта чиқарилган «Феномен» газетасини уюшманинг ҳафталик нашрига айлантириш режаси бор, ўзбек тилида чиқариш фикри ҳам йўқ эмас).

Учар ликопчаларда ўзга оламлардан келаётган онгли мавжудотлар

ҳақидаги хатларнинг-ку сон-саногини йўқ. Одамга ўшайдими улар! Қаерлардан келишяпти! Мақсадлари нима! Уларни бизнинг фазогирларимиз ҳам кўрган дейишади, рост бўлса, бу маълумотлар нега сир сақланади. СССР Экстрасенслар уюшмаси бу муаммолар билан ҳам шугулланади. Ҳозирча эса муштарийларимизга жавоб тариқасида Эстония ёшлар комитети ҳузуридаги Еш иқтисодчи олимлар клуби муқобил ғоялар шўъбасининг 1990 йилги 1-сон «НУО жумбоқлари ҳақида» ахборот варақасидан «Гуманоидлар тўғрисида» номли хабар билан таништирамиз.

Полтергейст ҳодисасига онд мактубларнинг ҳам кети узилмаётир. Уюшма бу муаммо билан ҳам шугулланади. Ойномамизнинг шу сонида берилаётган «Асрий жумбоқлар ечилмоқда» мақоласи муаллифи Т. Каримбердиев полтергейст одамдан чиқадиган яширин қувватнинг оқибатидир деган фикрда, 5-сондаги «У дунёдан хабарлар» мақоласида эса муаллиф полтергейстда онглилик унсури мавжудлигини таъкидлаб, «руҳлар ўйини» атамаси бежиз эмаслигига асосланган ва бу ҳодисани безовта руҳларга олиб бориб боғлаган. «Феномен» газетасидан олиб берилаётган «Рухлар ўйини» — ўзга оламлар ўйини» номли мақолада эса москвалик мутахассис олим полтергейст ҳодисаси юксак даражада ривожланган бошқа цивилизацияларнинг ҳунари эканлигини исботлаб беришга уринади.

Мухтарам муштарийлар! Шу мавзуларда идорамизга тўхтовсиз оқиб келаётган хатларнинг ҳар бирига алоҳида жавоб қайтариш имконимиз йўқ. Шу боис қуйидаги мақолаларни ҳаммага ялпи жавоб ўрнида қабул қилишигини сўраймиз. Улар инсон билан коинотнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги билимингизни бойитишга, одам ва оламга онд мушоҳада доиранингизни кенгайтиришга озми-кўпми ҳисса қўшса, «Фан ва турмуш» журнали идораси бағоят мамнун бўларди.

Рустам ОБИД,
СССР Экстрасенслар уюшмаси
1 таъсис съездининг қатнашчиси.

барин, қандайдир нуқталар ўз-ўзидан ишга тушиб кетиб, болада ноёб қобилият ўйғониши мумкин, деб ўйлашади. Бу фарзда жон бордир балки.— Ред.] Бу билан ўша онлада 12 ёшли фарзанд бўлган демоқчи эмасмиз, албатта. Лекин ҳар ҳолда, ҳали вояга етмаган фарзандлар бўлиши керак. Ут ўчиришни аслида ўшаларга диққат қилишдан бошлаш зарур эди.

Онла Қўқонга кўчиб кетгач, гарчи ёнгин чиқмаган бўлса ҳам, лекин жинларнинг одатларига хос воқеалар содир бўлган дейилади ҳикояда. Тўғри ўшандай воқеалар бўлиши ҳам керак эди ўша пайтда. Чунки уй эгасининг ёлғиз ўзи, ёнгиндан харобага айланган уйда курси атрофида ўтирса, унга

курсигина эмас, балки бошқа нарсалар ҳам силкинаётган бўлиб кўринар эди. Ахир инсон кучли даҳшатни бир кун, икки кун, қўйингки уч кун кўтарар. Лекин сурункасига 98 кун кучли даҳшат остида юришнинг ўзи бўлмайди. Тағинам уй эгаларининг иродаси

кучли экан, фарзандларининг бетоб бўлиб қолиши ҳам ана ўша даҳшат оқибати. Лекин тоқчадан Қуръоннинг тушиб кетиши тасодиф, бунга ҳеч қандай жиннинг алоқаси йўқ. Умуман, жин бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди.

Тўхтасин КАРИМБЕРДИЕВ,
Тошкент политехника институтининг
доценти, техника фанлари номзоди.

ТАХРИРИЯТДАН. Муаллифнинг баъзи фикрлари баҳсли бўлиши мумкин, ҳар қалай, бу мақола полтергейст ҳодисасини изоҳлаш йўлидаги дастлабки уриниш, холос. Қолаверса, баъзи ҳодисалар изоҳланмаган. Масалан, муаллиф бу сирли эмас, оддий ёнгин дегани ҳолда, олов кўтарилиб девордан ошгач, пастга интилиши тўғрисида ҳеч нима демаган. Иккинчидан, ёнгин тўхтаганидан кейинги воқеаларни муаллиф даҳшатдан эгасининг кўзига кўринган деб изоҳлайди. Холбуки, тонг отаргача давом этувчи тўй шовқинига, сирли шарпаларга мутлақо бегона одамлар — ёнгин воқеасидан беҳабар ижарачилар гувоҳ бўлишган-ку! Бу ҳақда бошқа мутахассисларнинг фикри қандай? Навбат кимга?

ҲАЁТ

СИМБИОЗИ

Владимир КАЗНАЧЕЕВ,
СССР Медицина фанлари академияси академиги.

Мамлакатимизда XIX аср поёни ва XX аср аввалида вужудга келган Уйғониш даври, шубҳасиз, жаҳон миқёсидаги ноёб ҳодиса бўлди. Зотан, унда техник, математик, астрофизик, табиий-илмий тадқиқотлар меъморчиликдан тасвирий санъатгача, мусиқадан шъариятгача бўлган қарийб барча маданий соҳалар ривожини билан уйғунлашиб кета олди, яна дегн, бу тараққиёт айни вақтнинг ўзида ижтимоий ва фалсафий йўналишлар соҳасида улкан одимлар билан борди. Ғарб мамлакатлари ҳатто илк Уйғониш даврида ҳам бу хил Уйғонишни билмаганлар. Бироқ илмий тафаккурдаги бу ноёб ҳодиса сайёравий ва ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида кам ўрганилган. Биз ҳозир инқироздамыз, жонли моддани ва унинг моҳиятини ўрганишда, яъни биосфера ва айниқса инсон тўғрисидаги билимларни ривожлантиришда ниҳоятда ортда қолиб кетаямиз.

Хўш, жаҳон илмий билимларидан нима учун, қаерда ва қачон ортда қолиб кетдик? Қайси йўللарда керакли йўналишдан четга огишдик?

Жонли модда ва инсоннинг ақл-идрокли мавжудот сифатидаги табиий-тарихий роли соҳасида мамлакатимиздаги илмий тафаккур парвози ўша даврдаги атоқли олимлардан бири В. Вернадский билан якунланган эди. У жонли моддага таъриф бериб, хоссаларини таҳлил этди, уни «ҳаёт»нинг фалсафий ва ижтимоий тушунчасидан ажратиб кўрсатди. Жонли модда Ер сайёрасида

пайдо бўлмаган, балки у фазовий-сайёравий феномендир, деган фикр айнан Вернадскийда уйғонди. «Жонли модда Ерда вужудга келгани ҳақида ҳатто гап бўлиши мумкин эмас,— дейди Вернадский,— жонли модда Ерда фазодаги жонли модданинг фазовий-сайёравий ҳамкорлиги натижасида пайдо бўлган, моҳият-этиборига кўра, у фазовий оламнинг фазовий-сайёравий бир қисмидир». Олим инсон ақл-идрокиннинг вужудга келишини тушунишга уринди ва 1945 йили ноосфера ҳақидаги таълимотини яратди.

Вернадскийнинг украиналик издоши, профессор Н. Холодный унинг ишларини таҳлил этиб, уларни табиатшуносликнинг бир йўналиши — антропокосмизм деб атади. Бироқ бу тушунчанинг киритилиши Вернадскийнинг ғояларини фақат қисман акс эттиради, эндиликда тўлиқ англаб етилган бу ғоялар эса космологияга мос келади-ю, лекин антропоцентризмга асло мос келмайди. Аммо, ҳар қалай, антропоцентризм шундан кейин Вернадскийнинг космизминини тушунишда ҳатто энг яхши издошларининг ҳам қўлини боғлаб қўйди. Астрофизикада бизнинг мамлакатимизда, кейин Б. Картер, П. Дэвис, Ф. Дайсон ва бошқа хоржий олимларнинг тадқиқотларида ҳам фазодаги антроп принципи тушунчаси пайдо бўлди. Унга кўра, инсон кузатувчи сифатида фақат шундай табиатни, фақат шундай фазовий муҳитни кўра олиши мумкинки, ўша муҳитнинг ўзи кузатувчини шундай қилиб яратган.

Бунинг оқибатида эса ҳозир етакчи олимлар фазода фақат инсонга ўхшаш мавжудотларни излашмоқда, ҳаётнинг Ерда мавжуд бўлган оқсил-нуклеинли шакли ноёб, фазода яғонадир, деган фикрни тарқатишмоқда. Улар инсон фақат муайян шароитдагина (ҳарорат, босим, газлар, ёруғлик ва ҳоказолар кўзда тутилаётир) яшай олади, деб ҳисоблашади. Ва, табиийки, худди шундай шароит қаерда борлигини излай бошлашади.

Қарабсизки, биз табиатга савол бераямиз-да, шундай шароит бор жойда оқсил-нуклеинли ҳаёт ҳам бўлиши керак, деб саволимизга ўзимиз жавоб бераямиз. Бу кузатувчининг табиатга ўз фикрини тикиштириши эмасми ахир? Тўғри, бу фикр фарз сифатида кўрилиши мумкин, албатта, лекин талабга жавоб бермайди.

Ана шу сабабли янги эйдиялар тўпланиб бораверади. Бир қатор йирик олимлар, масалан, В. Троицкийдек ўта ҳалол, қизиқарли академик олим сингари ажойиб кишиларнинг фикрича, Катта Портландан сўнг Коинот атиги 4 миллиард йил мобайнида оқсил-нуклеинли ҳаёт вужудга келиши учун шароит яратган, бинобарин, жонли мавжудотлар коинотнинг ҳамма жойида нисбатан бир вақтда пайдо бўлади. Демакки, бу мавжудотларнинг бари ривожланиши учун Ердаги каби тахминан 3—4 миллиард йил керак, шундагина улар онга етишиб, фазовий ўзаро алоқалар масаласини қўя оладилар.

Бироқ, модомики ҳамма нарса ҳамма жойда бир хил экан, ҳозирги вақтда бу мавжудотлар бутун фазо бўйича на техник, на илмий, на ақл-идрок жиҳатидан ўзаро мулоқотга ҳали тайёр эмасликлари ўз-ўзидан маълум. Биз коинотдан на радиосигнал, на бошқа хил сигнал олмаётганимизнинг сабаби ҳам шунда. Коинотнинг сукут сақлаши нисбатан ўзимизга ўхшаш мавжудотларнинг сукут сақлашидир. Имомани қомилки, бу тарзда фикрлайдиган бўлсак, биз боши берк кўчага кириб қоламиз.

Ҳозирда биз Ерни ва инсониятни оламнинг фалсафий манзараси асосида кўриб чиқолмаймиз, зотан, бу ҳали илм эмас, балки, таъбир жоиз бўлса, фақатгина фараздир. Сайёрани бошқарувни эса биз оламнинг илмий манзараси асосига қурмоғимиз лозим. Бу борада ватанимиз, ёки ҳозир адабиётда айтилаётганидек, рус космизми ўта маҳсулдор. Н. Фёдоров, кейин К. Циолковский ва В. Вернадскийлардан бошланган бу космизм шу жиҳатдан ўзига хоски, Ердаги фазовий-сайёравий моҳият тўғрисидаги фаразларда жонли модда хилма-хил шаклларда бўлиши мумкинлиги истисно этилмайди.

Билвакс, бу космизм жонли модданинг ана шу шаклларини излаш масаласини қўяди. Ердаги ҳаёт фазодаги ҳаётнинг кўплаб моддий-руҳий кўринишларидан бири сифатида мавжуддир, деган фарзини қабул қилишга тўғри келади, чоғи. Мен ўзим сайёрамизда жонли модданинг кўплаб шакллари мавжуд, деб ўйлайман. Узимизга — оқсил-нуклеинли мавжудотларга келсак, биз, чамаси жонли модданинг бир қанча шаклларида иборат симбиоз бўлсак керак.

Бундай симбиоз амалда бўлиши мумкинлигини тарих кўрсатиб турибди.

30 йилдирки, институтимиз лабораторияларида «ҳужайра-ҳужайра» каби оддий системалардаги ўзаро алоқани тадқиқ этиш ишлари олиб борилаётир. Одам ҳужайралари ўзаро шиша тўсиқ билан ажратилган махсус идишларга жойлаштирилади, ўртада оптик каналдан бўлак ҳеч қандай алоқа воситаси йўқ. Хўш, нима бўлди у ёғига? Бир ҳужайра шикастлантирилса ва у касаллик пайтида шиша тўсиқ ортидаги соғ ҳужайра билан камида 4 соат алоқада бўлса, соғ ҳужайра ҳам касалланади ва нобуд бўлади. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса.

Кишилар ўртасидаги мулоқотда бошқа системалар — таълим



СИРЛИ ҲОДИСАЛАР
СОЛНОМАСИ

бериш, ўқитиш, ўргатиш системалари мавжуд. Бинобарин, «компьютеризинг мия базаси»га янги программалар киритишга мажбурман, янги программали бу «компьютер» сигнал бўйича ишга тушганда сизни ўзгартириб юбориши мумкин. Дарвоқе, бундай программани мияга гипноз ёрдамида киритиш ҳам мумкин.

Хуллас, тажрибаларимизда бир ҳужайра ўзгаришлар жараёнига дучор этилганда бошқа идишдаги соғ ҳужайра ҳам шу аҳволга тушиши кутилаётган сигнал эмас. Бу — бир ҳужайра иккинчисини ўқитиши, ўргатиши демакдир. Биз эса фақат одамларгина ўқиб ўрганишади деб ўйлаймиз.

Бундан чиқди, башарти жонли табиятда ўргатишнинг шундай тили мавжуд бўлса, у ҳолда инсон тараққиёти ва ақл-идрокиннинг пайдо бўлиши миядаги нейронли мураккаб тузилмаларнинг ўзигагина боғлиқ эмас. Эҳтимол, ақл-идрок ҳаётнинг майдон кўринишидаги, бизга номълум шакллари билан биргаликда, уйғунликда яшаш ифодасидир, бунда ҳужайраларнинг оксил-нуклеинли таналари шу майдонларни ташувчи восита ҳисобланади, холос. Қарабсизки, кўз олдимизда набототга ҳам, ҳайвонотга ҳам бошқача қараш манзараси намён бўлаётди. Қўлларимиз сезаётган, кўзларимиз кўраётган нарсалар бизга ҳозир воқеликда, ҳис-туйғуларда берилган, холос. Ҳар биримизнинг майдонимиз эса ҳеч қандай чегарани билмайди.

Менинг фикримча, ер юзидаги дастлабки одамлар миянинг кучли майдон хоссаларига эга бўлишган, бир-бирларини олисдан кўришган ва ҳис қилишган. Қадимги инсон зоти улкан афзалликка эга бўлган, зотан, одамлар ўзаро ақл-идрок жиҳатидан узвий боғлиқ эдилар. Кейинроқ бир қадар мураккаб уруғчилик ва оилавий муносабатлар, сўнгра ижтимоий табақаланиш пайдо бўлган, бу хусусият аста-секин йўқола борган. У фақат қоҳинлар, қабила сардорлари, башоратчилар ва шомонлардагина сақланиб қолган эди. Ижтимоий соҳа технократик даражага чиққанидан кейин эса одамларнинг бу хил хусусиятлари гўё бегона ва кераксиздек бўлиб қолди. Эндиликда эса улар умуман йўқолиб бораёпти.

Жамият паровоз, самолёт яратиб, қувват ҳосил қила бошлагач, инсонлараро мулоқотнинг ана шу энг ноёб хусусиятлари, энг нозик тилларига гўё муҳтож бўлмай қолди. Башарти биз бутун электрон техникамиз ўз моҳиятига кўра қадимги одам фойдаланган ўзига хос «нозик» тилларни эслатишини англаб етмас эканмиз, боши берк кўчага кириб қолишимиз мумкин, негаки катта компьютер системалари айнан шу даражада ҳукмдорликни ўз қўлига олади. Ҳисоблаш системасининг семантик дастурлари даражасида эмас, балки мулоқотнинг майдон шаклларида, «нозик» тилларда ҳукмрон бўлади.

Бундан чиқди, мабодо биз жонли модданинг моҳиятини тушунмас эканмиз, Ватанимиз космизми эътибор қилган унсурларни тушунишда янги саҳифа очмас эканмиз (бу унсурларни шахсга сиғиниш ва турғунлик дāvрида биз ўзимиз йўқотган, Фарб эса ўзига сингиролмаган бир пайтда), демакки, инсоният олдида жиноят қилган бўламиз. Инсониятнинг омон қолиши ҳар қандай давлатнинг иззат-нафсидан устун туради, лекин инсоннинг ўзи феномен эканини, унинг моҳиятини англаб етмай туриб омон қолиш мумкин эмас.

Башарти шундай бўлса, фазовий биродарларимиз билан, балки, буткул бошқача аҳборот-қувват характеридаги оқимлар орқали ўзаро таъсирлашув бағоят мураккаб иш. Зотан, алоқалар хилма-хил кўринишда бўлиши мумкин. Шу боис ҳам ҳозирда Ер сатҳида, ҳавода ва фазода кузатилаётган ҳамда «аномаль ҳодисалар» деб аталаётган воқеалар, чамаси, бир бутун бўлган ва ўз моҳиятига кўра узвий боғлиқ табиий-сайёравий оламнинг ҳалқаларидир.

Шу соҳада ишлаётган жамики олимларни бирлаштириш, омон қолиш учун жамлаш керак. Бизга сайёра сатҳининг аҳволи ҳақида ниҳоятда аниқ аҳборот керак, ҳозирча у йўқ. Бироқ атмосфера қанчалик ифлослантирилса, кўнгилсиз зоналардаги «суст экологик» таъсирнинг оқибатлари шу қадар даҳшатлидир.

КЕФИР — КАЛЬЦИЙ МАНБАИ

Американинг Миннесота университети тиббиёт факультети олимлари кекса кишиларнинг саломатлигини текшириб, уларнинг овқат ҳазм қилишини ўрганиш билан шугулланишмоқда. Натжижада кексалар севиб истеъмол этадиган кефир қимматбаҳо кальций манбаи эканлигини аниқлашди. Сутдаги оқсил ёни шаккар моддасини ҳазм қилолмайдиган кишилар учун кефир жуда фойдали озуқа ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, остеопороз (суюқ атрофияси) касаллиги билан қийналаётган ва сут истеъмол



қилолмайдиган кексалар вужудини кальций моддаси билан тўйинтириш учун кефирнинг ўринини боса оладиган маҳсулот йўқ деса ҳам бўлади.



ЗАЙТУН МОЙИ

Маълум бўлишича, Греция ва Италия аҳолиси юрак касаллиги билан жуда кам касалланар экан. Америкалик шифокорлар бунинг сабабини уларнинг тўйимли ва енгил ҳазм бўладиган зайтун мойини истеъмол қилишлари билан боғлашмоқда. Чунки зайтун мойи ёғсиз парҳез таомлар ўринини босади.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

Шу йил май ойидан ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда ташкил этилган Жумҳурият халқ табobati маркази ишга тушди. Хўжалик ҳисобидаги поликлиника ҳам ҳисобланувчи ушбу давлолаш муассасаси Тошкентдаги Асбозозлик заводи ёнида, Марийская кўчаси, 2-уйда жойлашган. Бу ерга 9,67-автобусларда келиш мумкин.

Халқ табobati марказида врач, мануаль терапия бўйича мутахассис Мадийр Солаев ва гипнолог-сугестолог Мирзакарим Норбеков ишлашмоқда.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 6 [428] 1990 г.

Қўлёзма ва расмлар қайтарилмайди.

Мусаҳҳиҳ Абдувоҳид ТУРА Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ

Журналимиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88

Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси 70-уй

Теришга 13.04.1990 йилда берилди. Босишга 8.05.1990 йилда рухсат этилди. Р—08280. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нусхаси 496071. Буюртма № 3160. Нашр № 331. Нархи 40 т.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. © «Фан ва турмуш»

ЎРТА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ




Эшиткил саргузаштким сафарда,
Кўриб хавфу хатарлар баҳру барда
Кўрубон беадад шаҳру диёри,
Гузорим тушди Юнон мулки сори

Бундан бир аср илгари ватандошимиз Зокиржон Хол-
муҳаммад ўғли Фурқатни ўзига ошуфта этган Урта денгиз
мамлакатлари ҳамон олиму шоирларимизни, сайёҳларни
ўзига мафтун этмоқда.



Утган йили Сурия, Туркия
Юнонистон сафарида бўлиб
қайтган Тошкент Политехника
институтининг кафедра мудири,
кимё фанлари доктори,
профессор Қудрат Аҳмедов
ойномамиз саҳифаларида ўз
саргузаштлари билан ўртоқлашади.
Суратларда суриялик аёл,
шу мамлакатнинг бир гўзал
гўшаси, Туркия манзаралари
ва Юнонистон қирғоқлари
тасвир этилган.





• Случаи в Эстонии • О партии НЛО в Японии •
 Тайные документы об НЛО • О гуманоидах •

Загадках НЛО

Издательство "Совинформцентр" / Уфимского союза журналистов СССР
ФЕНОМЕН
 РАБОЧИЙ ВЕЩАК
 В ПАРТАЙНУ ГОДА
 ВСЕ ЗАВИСИТ ОТ ТЕБЯ, ДЕЛЕГАТ

ISSN 0134-4560
 индекс 75421
 Бахоси 40 ТИДИН
ФАН-ТУРИЗМ

РАСА

Издательство Рижской общины Международного общества Союзини Кришна
 Выпуск № 4



У шбу саҳифада СССР Экстрасенслар уюшмасининг 1990 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис съездида доир газеталар ва съезд нишонини кўриб турибсиз. Анжуман иштирокчилари диққатига ҳинд фалсафаси ва космологиясига оид асарлар ҳам тақдим этилдики, уларда инсон ва коинотнинг ўзаро муносабатлари ҳақида сўз юритилади. Суратлар ана шу китоблардан олинди. Экстрасенсларнинг Иттифоқ анжумани ҳақида эса шу сонда ҳикоя қилинапти.

СССР
 ЭКСТРАСЕНСЛАР
 УЮШМАСИНИНГ
 I ТАЪСИС
 АНЖУМАНИ
 ТОШКЕНТ,
 1990 ЙИЛ, МАРТ.

